



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Uzbekistan

ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

Васијатнома

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



Амалий қўлланма

Тошкент – 2017



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

Амалий қўлланма

Baktria press
Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан замонавий, мадданийлашган, инсонга фаровон турмуш берувчи бозор икътисодиётининг истикболли эканлиги белгилаб берилганлиги, мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг хукуқли эканлиги бош Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланганлиги, мулкчилик тўғрисида ва ўй-жой фондини, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда боскичма-боскич амалга оширилган икътисодий ислоҳотлар натижасида киска вакт ичida фуқароларимиз турли кўчмас ва кўчар мулклар, хусусан ўй-жойлар, нотурар-жой бинолари, турли транспорт воситалари, акциялар ва бошча қимматли қофзлар, фермер хўжаликлари ҳамда чорва моллари ва бошқа турдаги конун билан таъқилмаган мулкларнинг эгасига айланди.

Шу билан боғлиқ хусусий мулкнинг авлоддан-авлодга ўтишини хукуқий тартибига солиш зарурияти туғилди ва 1997 йил 1 мартадан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг V-бўлимида мулк эгасининг вафотидан кейин унинг барча мол-мулки унинг ворисларига ўтишига доир конун нормалари мустаҳкамланди.

Кон-қариндош бўлган aka-ука, опа-сингил ворисларнинг амалдаги қонунлар талабини билмаслиги ва бирима бошқасининг хукуқини тан олмаслиги натижасида улар ўртасида мерос билан боғлиқ низолар келиб чиқиши табийи. Ворислик хукуқига доир қонун нормаларини кенгрок шархлаш ва тушунириш орқали бундай низолар келиб чиқишининг олдини олиш мумкин бўлади.

Мазкур қўлланмада ворислик хукуқи, васиятнома ва унинг турлари, васиятномани расмийлаштириш борасидаги мавжуд қонун талаблари, меросни қабул қилиш билан боғлиқ тартиб ҳамда хукуқ, ва мажбуриятлар юзасидан тушуниришлар берилган бўлиб, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

МУАЛЛИФ ВА НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:

ЁДГОРОВ Холмўмин

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари – фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси

САЛАЕВ Азамат

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси раҳбари

НАРЗУЛЛАЕВА Ситора

Ўзбекистон Республикаси Олий суд, катта консультантни

ТАҚРИЗЧИЛАР:

ОҚЮЛОВ Омон

Тошкент давлат юридик университети Фуқаролик хукуқи кафедраси профессори,
юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

МАМАСИДДИКОВ Музаффар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедра мудири, юридик фанлар доктори

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Таракқиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Таракқиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Таракқиёт Агентлиги (USAID), АҚШ хукумати ва БМТ Таракқиёт Дастурининг расмий нутқи назарини акс эттирмайди.

Кўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Кўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва даниллар ўзгартирилган. Хар қандай мос келишлар тасодифий хисобланади.

Кўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.supcourt.uz ва БМТ Таракқиёт Дастурининг www.uz.udnp.org интернет сайтида жойлаштирилган.

ISBN 978-9943-4894-2-4

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: +998 71 239-02-67

МУНДАРИЖА

| | |
|---|---|
| Ворислик ҳуқуқига оид муҳим амалий қўлланма | 5 |
| Кириш | 7 |

I БОБ

ВОРИСЛИК ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

| | |
|--|----|
| § 1.1. Ворислик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши | 13 |
| § 1.2. Мерос таркиби | 16 |
| § 1.3. Мерос очилган вақт | 22 |
| § 1.4. Мерос очилган жой | 26 |
| § 1.5. Меросхўрлар | 28 |

II БОБ

ВАСИЯТНОМА БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

| | |
|---|----|
| § 2.1. Васиятнома тушунчаси | 35 |
| § 2.2. Васиятнома шакли | 38 |
| § 2.3. Васиятномани бекор қилиш, ўзгартириш ва ҳақиқий эмас деб топиш | 43 |
| § 2.4. Нима васият қилиб қолдирилиши мумкин | 51 |
| § 2.5. Мажбурий улуш | 52 |
| § 2.6. Васиятномани ижро қилиш | 58 |
| § 2.7. Васият мажбурияти | 60 |

III БОБ

ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

| | |
|---|----|
| § 3.1. Қонун бўйича ворислик тушунчаси | 65 |
| § 3.2. Қонун бўйича меросхўрларнинг навбати | 73 |

IV БОБ

МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ

| | |
|---|----|
| § 4.1. Меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш тартиби. | 79 |
| § 4.2. Меросдан воз кечиш | 94 |
| § 4.3. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари | 95 |
| § 4.4. Мероснинг тақсимланиши | 96 |
| § 4.5. Имтиёзли ҳуқуқ | 98 |
| § 4.6. Эгасиз қолган мол-мулк | 99 |

| | |
|--|-----|
| V БОБ | |
| МЕРОСНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ХАРАЖАТЛАР | |
| § 5.1. Меросни қабул қилиш бүйиича харажатлар | 103 |
| VI БОБ | |
| ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ БҮЙИЧА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН | |
| ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН | |
| РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН | |
| ХАЛҚАРО КЕЛИШУВ ВА ШАРТНОМАЛАРДА | |
| ТАРТИБГА СОЛИНИШИ | |
| § 6.1. Ворислик ҳуқуқи бүйиича юзага келаётган ҳуқуқий муносабатларнинг халқаро келишув ва шартномалар асосида тартибга солиниши | 115 |
| VII БОБ | |
| ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД НИЗОЛАР БҮЙИЧА | |
| ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ | |
| § 7.1. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ | 125 |
| VIII БОБ | |
| МЕРОС ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА | |
| ТУЗИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ | 131 |
| IX БОБ | |
| СУД ҚАРОРЛАРИ НАМУНАЛАРИ | 147 |
| Суд амалиёти | 163 |
| X БОБ | |
| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВОРИСЛИК ВА | |
| МЕРОСГА ТААЛЛУҚЛИ МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ | |
| ҲУЖЖАТЛАРДАН КЎЧИРМАЛАР | 179 |



ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД МУҲИМ АМАЛИЙ ҚҮЛЛАНМА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг суд-хуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ этилиб, одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти мустақиллигини таъминловчи, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунлигига асосланган ҳуқуқий тизим шаклланди. Суд-хуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар давомида демократик талаблар ва стандартларни инобатга олган ҳолда қонунчилик такомиллаштирилди, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамоилилларга асосланган тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистонда истиқпол йилларида Биринчи Президентимиз раҳнамолигида олиб борилган ислоҳотларнинг самарасини янада ошириш билан бир қаторда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳот қилишнинг янги даврини бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши эса суд ҳокимияти обрўсини ошириш ва суд мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қатор амалий чоралар белгиланди. Ана шу ва бошқа қатор ташкилий-хуқуқий чораларнинг амалга оширилиши суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган бўлиб, суд ҳокимияти ва судлар мустақиллигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса ўз ўрнида, аҳолининг судларга бўлган ишончининг ошишига, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг суд томонидан кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлашга кенг имкон яратади.

Қайд этиш жоизки, юқоридагиларнинг барчаси суд кадрларини, айниқса, фуқаролик ишлари бўйича судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган шахслар томонидан тайёргарлик ва стажировка



ўташ жараёнида уларда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича кўникмаларни шакллантириш, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишга доир қонунчилик ва судга оид процессуал ҳужжатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш масала-ларига алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда.

Мазкур амалий қўлланма фуқароларимизнинг муҳим фуқаролик ҳуқуқи саналмиш ворислик ҳуқуқи ва уни ҳимоя қилиш масалаларига бағишлиган бўлиб, фуқароларимизнинг мазкур соҳадаги ўз мулкий ҳуқуқларини амалга оширишларида муҳим қўлланма вазифасини бажариш билан бир қаторда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судьяларининг ворислик ҳуқуқига доир қонун нормаларини амалиётда тўғри ва бир хилда қўллашларида ҳам фойдали ҳисобланади.

Мазкур қўлланма 10 боб, 23 параграфдан иборат бўлиб, унда ворислик ҳуқуқининг барча жиҳатлари қамраб олинган. Ҳусусан, ворислик тўғрисидаги умумий қоидалар, васиятнома бўйича ворислик, қонун бўйича ворислик ва меросни эгаллаш масалалари китобхон учун тушунарли, содда ва равон тилда ёзилган бўлиб, муаллиф мавзуни ўзлаштириш учун қулай схемалар, саволлар ва уларнинг жавоблари, суд амалиётидан олинган муаммоли вазиятлар ва уларнинг ўзига хос ечимини берган ҳолда амалий қўлланмалар учун кўйилган замонавий талаблардан усталик билан фойдаланган.

Мазкур қўлланма, шунингдек, юридик олий ўқув юртлари ва малака ошириш марказлари профессор-ўқитувчиларининг, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларининг ўқитишнинг интерфаол усулларидан самарали фойдаланган ҳолда маъруза ва амалий машғулотларни қизиқарли ўтказишга ёрдам беради. Мазкур қўлланмада берилган муаммоли вазиятлар ва масалаларни бажариш орқали ҳар қандай тингловчи ёки талаба ўқув курси бўйича ўз билимларини синаб кўради ва шу орқали ўқув курси бўйича олган билимларини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

**Юридик фанлар доктори, профессор
М.М. Мамасиддиқов**



КИРИШ

Хусусий мулк эгасининг вафотидан кейин ундан қолган мол-мулк тақдирини белгилаш, уни кимнинг эгалигига бериш масаласига ўтган барча даврда ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масала сифатида қаралиб, турли йўллар билан ҳал қилиб келинган.

Қадимда биргина ер участкаси, уй-жой, рўзгор буюмлари, иш қуроли ва чорва молларига нисбатан хусусий мулкчилик мавжуд бўлиб, шахснинг вафотидан кейин ушбу мол-мулклар урф-одат бўйича мархумнинг фарзандлари эгалигига ўтган. Шунингдек, айrim мажбурият ҳуқуклари, масалан марҳум ҳаётлигида олган қарзини қайтариш ҳам фарзандлар зиммасига юкланган.

Бундан ташқари, мархумнинг мулки тақдири, асосан, шариат қоидаларига кўра ҳал қилинган. Жумладан, мусулмон ҳуқуқида вафот этган шахснинг мол-мулки шариат қоидалари ёки васият бўйича мерос бўлиб ўтиши, мерос очилган пайтда тирик бўлган барча қариндошлар меросхўр ҳисобланиши ҳамда ҳар бир меросхўрнинг ўз ҳиссасига эга бўлиши назарда тутилган.

Шариат қоидаларида, хусусан Қуръонда меросга доир масалалар ҳам ёритилган бўлиб, унга кўра марҳум қариндошларининг барчаси биргаликда эмас, балки улар марҳумга қариндошлигининг узок-яқинлиги ҳисобга олинган ҳолда, яъни навбати билан мерос олишга чақирилган. Мархумнинг фарзандлари ва унинг авлоди энг яқин қариндошлар ҳисобланиб, ота-онаси вафот этган ҳолдагина набиралар бобосининг мулкига нисбатан меросхўр ҳисобланган. Мархумнинг фарзандлари бўлмаган тақдирдагина ота-оналар ўз фарзандининг мулкидан мерос олиш учун чақирилган.

Мархумнинг фарзандлари ва ота-онаси бўлмаган тақдирда унинг мерос мулки яқин қариндошлари ўртасида тақсимланган бўлиб, мусулмон ҳуқуқида қариндошлар тўрт тоифага бўлинган. Мархумнинг ворислари бўлмаган ва у томонидан васиятнома қолдирилмаган тақдирда мархумнинг мулки хазинага топширилиб, давлат эгалигига ўтказилган.

Собиқ Иттифоқ даврида амалда бўлган фуқаролик қонунчилигига мерос мулки масаласида бир қатор нормалар мавжуд бўлса-да, ўша давр жамиятининг иқтисодий негизини давлат мулки ташкил этганлиги, фуқаролар амалда арзирли хусусий мулкка эга бўлмаганлиги сабабли ушбу қонун нормаларига камдан-кам мурожаат қилинар ва уни ўрганиш, шарҳлаш ҳамда такомиллаштириб боришга у қадар зарурият мавжуд эмас эди.



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, биринчи Президентимиз И.А.Каримов томонидан замонавий, маданийлашган, инсонга фаровон турмуш берувчи бозор иқтисодиётининг биз учун истиқболли эканлиги белгилаб берилди.

Мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги Баш Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланганлиги, мулкчилик тўғрисида ва уй-жой фондини, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, бозор муносабатларининг ривожланиши, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши натижасида қисқа вақт ичida фуқароларимиз турли кўчмас ва кўчар мулклар, хусусан уй-жой ва нотурар-жой бинолари – ошхона, меҳмонхона, савдо дўконлари, корхоналар ҳамда турли транспорт воситалари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, фермер хўжаликлари ҳамда чорва моллари ва бошқа турдаги қонун билан таъкиғланмаган мулкларнинг эгасига айланди.

Шу билан боғлиқ хусусий мулкнинг авлоддан-авлодга ўтишини ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти туғилди ва 1997 йил 1 мартаидан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг V бўлимидаги мулк эгасининг вафотидан кейин унинг барча мол-мулки унинг ворисларига ўтишига доир қонун нормалари мустаҳкамланди.

Ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ қонун нормаларининг судлар томонидан амалда тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида 2011 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарори қабул қилиниб, тегишли тушунтиришлар берилди.

Ҳар қандай соғлом фикрли инсон биргина ўз манфаатини кўзламасдан, ҳалол меҳнат орқали оиласини таъминлаш, мулқдор бўлиш, уни кўпайтириш ва ўзидан кейин авлодларига қолдириш йўлида меҳнат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида мулқдорнинг ўз мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Мулқдор ўзининг юқорида қайд этилган мулкка нисбатан барча ҳуқуқларидан ҳаётлик чогида бевосита фойдаланади. Шунингдек, ўзи ҳаётлик чогида ўз мулкининг вафотидан кейинги тақдирини васиятнома қолдириш орқали олдиндан белгилаши ҳам мумкин.



Амалдаги қонун нормаларида мулк эгасининг вафотидан кейин унинг барча мол-мулки унинг ворисларига ўтиши тартиби белгилаб қўйилган.


Васиятнома қолдирилмаган ҳолларда айни бир мулкни меросхўрлар ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ низолар келиб чиқиши табиий.

Мерос билан боғлиқ низолар, асосан, қон-қариндош бўлган ота (она) ва фарзандлар, ака-ука, опа-сингил ворислар ўртасида юзага келади ва бунга асосан уларнинг амалдаги қонун талабларини билмаслиги ва бири бошқасининг хуқуқини тан олмаслиги сабаб бўлади.

Мерос мулкини тақсимлашда ворислар ўзаро келишганлари энг мақбул ечим ҳисобланади. Чунки низолашиш (суд томонидан қонуний ечим топилган тақдирда ҳам) ворислар ўртасидаги ўзаро яқинлик муносабатларига, меҳр-оқибатга путур етказади.

Жамиятимиз инсонлар ўртасида соглом муносабатлар қарор топиши, уларнинг бир-бирига муносабатлари яхши бўлишидан манфаатдордир. Зоро, соглом муносабат, соглом оилалар жамият негизини ташкил этади.

Мазкур қўлланма мерос билан боғлиқ низо келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида тайёрланган бўлиб, унда қонун ва васиятнома бўйича ворислик, васиятнома ва унинг турлари, васиятномани расмийлаштириш борасидаги мавжуд қонун талаблари, меросни қабул қилиш билан боғлиқ тартиб ҳамда хуқуқ ва мажбуриятлар юзасидан тушунтиришлар берилган.



І БОБ
ВОРИСЛИК ТҮГРИСИДА
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР





§ 1.1. Ворислик тушунчаси ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши

Ворислик деганда вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)нинг мулкий ва айрим номулкий ҳуқуқларини қонунда белгиланган асосларда ва тартибда бошқа шахс (меросхўр)га ўтишини тушуниш лозим.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотлар натижасида қисқа вақт ичидаги жамиятда мулқдорлар синфи вужудга келди. Мулқдорлар синфи вужудга келиши билан бир вақтда мавжуд мулкнинг авлоддан-авлодга ўтишини ҳуқуқий тартибга солиш зарурияти туғилди.

Хусусий мулк эгасининг ўз мулкига нисбатан эрки, манфаатлари ва ҳуқуқлари муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлар орқали мустаҳкамланди.

МЕРОС ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АЙРИМ НОРМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (36, 54-моддалар)

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (V бўлим);
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиши тартиби тўғрисида"ги 257-1 сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари:

- Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (19-модда);
- Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни (13-модда);
- Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуни (36-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги 2011 йил 20 июлдаги 5-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ости ҳужжатлари.



ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулқдор бўлишга ҳақли эканлиги, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши, 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, 54-моддасида мулқдорнинг ўз мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқи белгиланган.

ВОРИСЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Ворислик – шахснинг вафотидан кейин унга хусусий мулк асосида тегишли бўлган молмулкнинг, шу жумладан мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган баъзи ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бир ёки бир неча шахсларга (меросхўрлар) ўтиши.

Мерос ҳуқуқий ворисликнинг универсаллиги тамойили – меросхўр, мерос қолдирувчини у иштирок этган барча ҳуқуқий муносабатларда (мерос таркибиغا қирмайдиган ҳуқуклардан ташқари) ўрнини эгаллашини англатади.

Меросни қабул қилиш эркинлиги – меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақлилигини ҳамда факат меросхўр бундай қарорга келиш ҳуқуқига эгалигини англатади (ЎзР ФК 1147-моддаси).

Меросни файриконуний ҳаракатлардан муҳофаза қилиш тамойили – мерос таркибиغا кирувчи мол-мулкларнинг муҳофаза қилишини англатади (ЎзР ФК 1144-моддаси).

Ўзгармаслик тамойили – мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўзгармаслигини англатади (ЎзР ФК 1113-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг V бўлимида, ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тартибига солинган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 19-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари:

- дехқон хўжалиги юритиш учун;
- якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун;



– жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси олиш хукуқига эгадирлар.

Бошқа қонун–хужжатларида ҳам ворислик хукуқий муносабатлар билан боғлиқ ҳолатлар тартиби солинганлигини кўришимиз мумкин.

Мисол учун, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 13-моддасининг 6-қисмида, фермер хўжалиги раҳбарининг вафотидан кейин ер ижараси хукуқи ворислик хукуқи асосида унинг меросхўрларига ўтиши белгиланган.

Бундан ташқари, “Муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 36-моддасида муаллифнинг мулкий хукуқлари меросхўрларга ўтиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 4-моддасига кўра, фуқаролик қонун хужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

МЕРОС ХУКУҚИ

ОБЪЕКТИВ МАЗМУНИ:

Мерос хукуқи вафот этган шахснинг хукуқ ва мажбуриятларининг бошқа шахсларга универсал ва бевосита хукуқий ворислик асосида ўтиши билан боғлиқ хукуқий нормалар йигиндисидир.

СУБЪЕКТИВ МАЗМУНИ:

Мерос хукуқи деганда шахснинг меросга чақирилиш хукуқи ҳамда шахснинг меросни қабул қилгандан кейинги ваколатлари тушунилади.

Қонун у амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатларга қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.

Фуқаролик қонун хужжати амалга киритилгунга қадар вужудга келган муносабатлар бўйича бу қонун хужжати у амалга киритилганидан кейин вужудга келган хукуқ ва бурчларга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 авгуstdаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 257-1 – сонли Қарорига мувофиқ, Фуқаролик кодекси 1112-1157 – моддалари қоидалари Кодекс амалга



киритилгунга қадар очилган бўлиб, бироқ 1997 йилнинг 1 мартаға қадар ворислардан ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Мерос 1997 йилнинг 1 мартаға қадар ворислардан бири томонидан қабул қилиб олинган ёки давлатнинг ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилган ҳолларда келиб чиқсан низолар 1963 йилги Фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқ ҳал этилади.

Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарорининг (кейинги ўринларда – Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори, деб юритилади) 2-бандида ҳам судларга тегишли тушунтиришлар берилган.

§ 1.2. Мерос таркиби

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибиغا киради.

Фуқароларнинг қонун билан тақиқланмаган барча мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусий мулк сифатида мерос таркибиغا киради.

Мерос мулки таркиби давлат томонидан имтиёзли равишда ёки умумий асосларда мерос қолдирувчининг эгалиигига берилган мулклар, ер участкалари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тарзда берилган турли объектлар ҳисобига кенгайганди.

Юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай кооператив, тижорат ташкилотларига аъзолик ҳуқуқи, уларнинг фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқи (агар қонун, шартнома ёки низомда бошқа ҳол белгиланган бўлмаса) мерос таркибиغا кирмайди. Мерос таркибига мерос қолдирувчининг умумий мулкдаги ҳар қандай улуши, пай бадаллари киради.

Ҳар қандай мулкнинг мерос қолдирувчининг ўзига тегишли қисми мерос таркибиغا киради.

Масалан, мерос мулки эр-хотинга тегишли умумий мулкни ёки икки, ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда эгалигига бўлган мулкидан



иборат бўлса, у ҳолда умумий мулкнинг **фақат мерос қолдирувчига тегишли қисми мерос таркибига киради**. Мерос қолдирувчининг васияти ҳам, у қандай мазмунда бўлишидан қатъий назар, фақат мулкнинг мерос қолдирувчига тегишли қисмига нисбатан тадбиқ қилинади.

САВОЛ

Отам васиятномасида ўзининг «Матиз» русумли автомашинасини менга, «Дамас» автомашинасини эса ўзининг иккичи турмушидан бўлган синглимга қолдиришини кўрсатган.

Мен бошқа давлатга ишлаш учун кетиб, яқинда келдим ва отамнинг вафот этганини, мерос очилганлигини билдим. Лекин менга маълум бўлишича, отам вафотидан бирор олдин менга васият қилиб қолдирган автомашинани сотиб юборган экан. Мен нотариусга мурожаат қилганимда, у васият қилинган автомашина мавжуд эмаслиги сабабли уни мерос тариқасида қабул қила олмаслигимни айтди. Шундай бўлиши мумкинми?

Ахир отам олдин автомашинани менга васият қилиб, кейинчалик сотган-ку. Мен судга мурожаат қилиб, ўз хукуқларимни қандай ҳимоя қилишим мумкин?

ЖАВОБ

Судга мурожаат қилиш бефойда. Чунки васиятнома тузилган пайтда автомашина мавжуд бўлса-да, мерос очилган пайтда у мавжуд бўлмаганлиги боис васиятномада кўрсатилган ушбу автомашина мерос таркибига кирмайди.

ФКнинг 164-моддасига кўра отангиз ўз мулкига (шу жумладан, васиятномада кўрсатилган автомашинасига нисбатан) ўз ҳохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш хукуқига эга бўлиб, васиятномада маълум мулкнинг кўрсатилиши, унинг ушбу хукуқларини бирон тарзда чекламайди. Васиятнома тузган шахс унда кўрсатилган ҳар қандай мулкини эркин тасарруф қилиш хукуқига эга.

Сиз васиятномада кўрсатилмаган мерос мулки мавжуд бўлган ҳолдагина ундан қонун бўйича ўз улушингизни олишингиз мумкин.

Шунга кўра қонун бўйича меросга бўлган хукуқ тўғрисида ёки васиятнома бўйича меросга бўлган хукуқ тўғрисида гувоҳнома расмийлаштиришда мулкнинг айнан қандай қисми мерос қолдирувчига тегишли эканлигини аниқлаш муҳим аҳамиятта эга.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 9-моддасига асосан томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш хукуқи, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунининг 12-моддасига кўра, ер участкасини ижарага олиш хукуқи, яъни ердан фойдаланиш хукуқи деҳқон, фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда шу



хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви бўйича хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўлиб ўтади.

МЕРОС ТАРКИБИ

Мерос таркибига киради:

- ▶ Ашёлар, шу жумладан, пул ва қимматли қофозлар.
- ▶ Мулкий ҳуқуқлар (шу жумладан, мерос қолдирувчи томонидан тузилган шартномалар (агарда қонунда ёки шартномада бошқача белгиланган бўлмаса), интеллектуал мулк обьектларига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан бўлган мутлақ ҳуқуқлар, мерос қолдирувчи олиши белгиланган, лекин у томонидан олинмаган пул маблағлари).
- ▶ Мулкий мажбуриятлар, шу жумладан, қарзлар (меросхўрларга қолдирилаётган мерос қиймати доирасида).

Мерос таркибига кирмайди:

- ▶ Мерос қолдирувчининг юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолики, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари (агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса).
- ▶ Мерос қолдирувчининг ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуки.
- ▶ Мерос қолдирувчининг алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
- ▶ Мерос қолдирувчининг меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуки.
- ▶ Мерос қолдирувчининг мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлари.

Мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар:

- юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;
- ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуки;
- алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар;



– меҳнат ва ижтимоий таъминот түғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа түловлар олиш ҳукуки;

– мулкий ҳукуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳукуқлар мерос таркибига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига кўра мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган ҳукуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради.

Шунинг учун мерос қолдирувчининг фақат қонуний эгалигида бўлган мол-мулкнинг мерос таркибига киришига алоҳида эътибор бериш керак.

Масалан, мерос қолдирувчи томонидан ўзбошимчалик билан қурилган, мерос қолдирувчининг мулк ҳукуки эътироф этилмаган иморат мерос таркибига кирмайди ва мерос мулки сифатида бўлинмайди.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 4-бандида мерос таркибига фақат мерос қолдирувчига қонуний асосларда тегишли бўлган мулк кириши туфайли ўзбошимчалик билан қурилган ёки тегишли тарзда расмийлаштирилмаган иморатлар мерос таркибига факат мархумнинг мазкур иморатларга нисбатан мулк ҳукуки белгиланган тартибда эътироф этилган ҳолда киритилиши лозимлиги белгиланган.

СУД АМАЛИЁТИ

Үйга нисбатан мулк ҳукуки давлат рўйхатидан ўтказилмаганини сабабли мулк ҳукуки вужудга келмайди ва бу уйнинг мерос таркибига киритилмаслигига асос бўлади.

Даъвогар М.Мирзаева ва бошқалар жавобгар Г.Мирзаевга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, оналари С.Эгамбердиева 2010 йил 2 июлда вафот этганлигини, унинг эгалигида бўлган Н.тумани Мевазор кўчаси 3-уй-жойдан мерос улушларини олмоқчи бўлишганида укалари – жавобгар Г.Мирзаев қаршилик қўлганлигини кўрсатиб, ўзларини қонун бўйича тегишли улушларга меросхўр деб топишни сўраганлар.

Аниқланишича, мерос уй-жойга нисбатан Н.туман ҳокимининг 2012 йил 20 ноябрдаги қарори билан мархума С.Эгамбердиеванинг эгалиги белгиланган, лекин уй-жойга нисбатан мулк ҳукуки давлат рўйхатидан ўтказилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 84-моддасининг биринчи қисмига кўра кўчмас мулкка эгалик ҳукуки ва бошқа ашёвий ҳукуқлар, бу ҳукуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши, чекланиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.



Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво рад қилиниб, даъвогарларга мерос уй-жойга нисбатан оналарининг мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказгач, тегишли нотариал идорага ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуклари тушунтирилган.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 4-бандида мерос қолдирувчи томонидан тузилган олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва шу каби битимлар унинг ўлимидан сўнг ҳақиқий эмас деб топилганда қайтарилган мулк ҳам мерос таркибига киритилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 212-моддасининг учинчи қисмига кўра ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат организининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозим, ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида иморат қурилган ер участкасининг мулқори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкинлиги белгиланган.

Демак, мерос қолдирувчининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳуқуқи қонунда назарда тутилган ва мерос қолдирувчи вафот этмасдан олдин ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин бўлган, бироқ унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (вафот этиши) фойдаланмаган. Шунинг учун ўзбошимчалик билан қурилган ва ҳали мулк ҳуқуқи эътироф этилмаган иморатнинг ўзи мерос таркибига киритилиши мумкин бўлмаса-да, аммо мерос қолдирувчининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳуқуқи мерос сифатида меросхўрларга ўтиши мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 4-бандида берилган тушунтиришларга кўра биргалиқдаги умумий мулк иштирокчиси вафот этган тақдирда мерос унинг ҳиссасига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан, мол-мулкнинг натура ҳолида бўлишининг иложи бўлмаганда эса, бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.



СУД АМАЛИЁТИ

Биргаликдаги умумий мулк иштирокчиси вафот этган тақдирда мерос унинг ҳиссасига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан белгиланмаганлиги суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.

Ҳазраткул Умматқулов ва Сара Ҳайдаровалар қонуний никоҳдан ўтиб турмуш куришган, биргаликдаги турмушларидан 8 нафар Ўрол, Саодат, Ибодат, Ибодулло, Дилбар, Ғайбулло, Назокатва Азизқул исмли фарзандлари бор.

Эр-хотин никоҳлари давомида Н.тумани, Боғишамол қишлоғи худудида уй-жой курганлар.

Давлат нотариуси томонидан 2000 йил 17 февралда тасдиқланган васиятномага кўра Ҳ.Умматқулов ўзига тегишли мулкларни, шу жумладан, уй-жойни ўғли Азизқул Умматқуловгавасият қилиб қолдирган.

Ҳ.Умматқулов 2000 йил 13 июляда вафот этган.

Давлат нотариуси томонидан 2000 йил 22 ноябрда марҳум Ҳ.Умматқуловнинг уй-жойига ўғли А.Умматқулов меросхўр эканлиги тўғрисида васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномада берилган.

Низоли уй-жой Ҳ.Умматқулов ва С.Умматқуловаларнинг умумий биргаликдаги мол-мулки ҳисобланиб, ҳар иккаласининг улушлари тенг.

Давлат нотариал идораси нотариуси низоли уй-жойга нисбатан васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш жараёнида мерос очилгунга қадар вафот этган Ҳ.Умматқуловнинг турмуш ўртоғи С.Умматқулованинг **биргаликдаги умумий мол-мулкидан улушини ажратмасдан нотариал ҳаракатни амалга оширган**.

Натижада марҳум С.Умматқуловага тегишли улуш унинг авлодларига ўтмасдан, қонун бўйича меросхўрларига тақсимланмасдан, васиятнома бўйича меросхўр А.Умматқуловнинг эгалигига ўтган.

Даъвогарлар У.Умматқулов ва бошқа 6 нафар ворислар давлат нотариал идорасига нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд томонидан даъво талаби қаноатлантирилган.

Агар маънавий зарар етказган шахс вафот этган бўлса, ушбу маънавий зарарни қоплаш учун белгиланган компенсация суммасини тўлаш мажбурияти вафот этган шахс – мерос қолдирувчининг мулкий мажбурияти ҳисобланади ва меросхўрларга ўтиши ҳамда меросхўрлар ушбу компенсацияни олинган мерос мулки қиймати доирасида тўлашлари лозим.



САВОЛ

Отам вафот этганидан кейин қўшнимиз отам қарз олганлиги ҳақидаги хужжатни кўрсатиб, биздан ушбу қарзни қайтариши талаб қўлмоқда. Унинг талаби тўғрими? Қарзни тўлаш лозим бўлса, ким тўлаб бериши лозим?

ЖАВОБ

Ўзбекистон Республикаси ФК 1156-моддаси талабига кўра, мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдиручининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу холда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар. Шунга кўра, отангизнинг қарз мажбурияти Сизларга, яъни меросхўрларга ўтади ва Сизлар қонун талабида уни тўлаб беришга мажбурсизлар.

Маънавий зарарни қоплаш учун компенсацияни талаб қилиш ҳуқуқи мерос қолдирувчининг ўз шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқук ҳисобланади, шунинг учун ушбу ҳуқуқ мерос таркибига киритилиши ва меросхўрларга ўтиши мумкин эмас.

Агар маънавий зарар учун даъвогарга компенсация тўланиши лозимлиги тўғрисидаги суд қарори бўлса, бироқ даъвогар ушбу компенсацияни олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, бу ҳолатда компенсация суммалари мерос таркибига киради.

§ 1.3. Мерос очилган вақт

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1116-моддасига кўра, мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

МЕРОСНИНГ ОЧИЛИШИ

Мероснинг очилишига олиб келадиган юридик фактлар (ЎзР ФК 1116-моддаси)

- Фуқаронинг ўлими
- Фуқаронинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши



Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилингандан эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

ФК нинг 36-моддасида фуқарони вафот этган деб эълон қилиш асослари қайд этилган бўлиб, агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян баҳтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

САВОЛ

Аммам ёлғиз бўлганликлари сабабли у киши билан бирга яшайман, ўзидан сўраш нокулай бўляпти. У кишининг ўз уйини менга қолдириш тўғрисида васиятнома тузган-тумаганигини қаердан, қандай билишим мумкин?

ЖАВОБ

Мерос қолдирувчининг розилигисиз васиятнома мазмуни билан танишиш мумкин эмас. ФКning 1128-моддасига кўра васиятнома сир сақланади. Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс, шунингдек, васият қулиувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро токи мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Сиз бу борада фақат мерос очилганидан кейин мерос очилган жойдаги нотариусга мурожаат қилишингиз мумкин бўлади.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш бундай фуқаронинг ҳуқук ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам суд томонидан фуқарони вафот этган деб топиш мерос очилишига асос бўлади.

Ўлим факти фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи томонидан, тегишли медицина муассасасининг фуқаронинг ўлганлиги ҳақидаги маълумоти асосида, бериладиган ўлим ҳақидаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Ўлим ҳақидаги гувоҳнома ФХДЁ органи томонидан вафот этган фуқаронинг қариндошларига унинг (вафот этганинг) паспорти ўрнига берилади.

**Мерос очилиш вақтини аниқлашда:**

- ўлим ҳақидаги гувоҳномада кўрсатилган кун;
- суд қарорида кўрсатилган мерос қолдирувчи ўлган деб топилган кун;
- фуқарони ўлган деб топиш ҳақидаги суднинг қарори қонуний кучга кирган кун;
- ўлим ҳавфи мавжуд вазиятларда бедарак йўқолган фуқарони ўлган деб топиш ҳақидаги суднинг қарорида кўрсатилган кун ҳисобга олинади.

Бири иккинчисига ворис ҳисобланган ва бир кунда (*куннинг турли вақтида*) вафот этганда мерос очилмайди, яъни ушбу фуқаролар бир-бираига нисбатан ворис бўла олмайди. Аксинча, ҳар бирининг мероси алоҳида очилган ҳисобланниб, уларнинг ворислари алоҳида тартибда ворисликка чақириладилар.

САВОЛ

Отам вафот этганидан кейин 2003 йилда укам отамдан қолган мерос мулки бўлган уйга қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома олган ва 2015 йилда уйни бошқа фуқарога сотган. Мен укам уйда яшаб келаётганилиги сабабли этироz билдиrmаган эдим. Бугунги кунда мен ўз улушимни талаб қилсан бўладими?

ЖАВОБ

Сиз укангиз томонидан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома олинганидан хабардор бўла туриб мерос улушингизни талаб қилмагансиз ва Ўзбекистон Республикаси ФК 150-моддасида белгиланган, уч йиллик умумий даъво муддатини ўтказиб юборгансиз. Шунинг учун ҳам мерос улушингизни талаб қилиб даъво кўзгатишингиз фойдасиз.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичida вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар.

Мерос очилган вақтни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки ворислик ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларнинг бошланиши мерос очилган вақтнинг бошланиши билан боғлиқ.

Демак, мерос очилган вақт юридик аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки ушбу вақт билан қўйидаги ҳолатлар, яъни: мерос таркиби; меросга кириш ёки меросдан воз кечиш, кредиторлар томонидан этироz бериш, мерос гувоҳномасини бериш учун белгиланган муддатларнинг бошланиши ва бошқа ҳолатлар аниқланади.



МЕРОС ОЧИЛГАН ВАҚТИ

Мерос очилган вақт (ЎзР ФК 1116-моддаси)

Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам)

Фуқаро суд томонидан вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун

* Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичida вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб хисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар.

МЕРОС ОЧИЛГАН ВАҚТНИНГ АҲАМИЯТИ

Мерос очилган вақтнинг аҳамияти

Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқук ва мажбуриятлар мерос таркибиغا киради. (ЎзР ФК 1113-моддаси)

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. (ЎзР ФК 1118-моддаси 1-қисми)

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарishi органлари васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. (ЎзР ФК 1118-моддаси 2-қисми)

Меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома берганлик учун давлат божини ҳисоблашда мерос таркибиغا кирувчи мол-мulkнинг мерос очилган вақтдаги қиймати асос бўлади. (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 533-сонли Қарори, 4-банди)

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичida вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб хисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар. (ЎзР ФК 1116-моддаси 3-қисми)



§ 1.4. Мерос очилган жой

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1117-моддасига кўра мерос қолдирувчининг **охирги доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади**.

Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

МЕРОСНИНГ ОЧИЛИШ ЖОЙИ

Мероснинг очилиш жойи (ЎзРФК 1117-моддаси)

Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи

Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади

Мерос очилган жойни тўғри аниқлаш муҳим юридик аҳамиятга эга ҳисобланади, чунки:

- меросни қабул қилиш ва ундан воз кечиш;
- ворислик ҳуқуқини расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш;
- мерос мулкига нисбатан даъво талаблар билан мурожаат қилиш мерос очилган жой билан бевосита боғлиқидир.

Мерос очилган жойни аниқлаш меросхўрлар учун жуда зарур ҳисобланади.

Мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи мерос очилган жой ҳисобланиши қонунда белгиланган бўлиб, буни аниқлашда қўйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 21-моддасига мувофиқ, фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади.



МЕРОС ОЧИЛГАН ЖОЙНИНГ АҲАМИЯТИ

Мерос очилган жойнинг аҳамияти

Мерос очилган жойни тўғри аниқлаш меросга бўлган хукуқ тўғрисида гувоҳнома қайси нотариус томонидан берилишини тўғри аниқлашга кўмаклашади.

Мерос қолдирувчининг кўчмас мулки жойлашган жой деганда ушбу мулкларнинг асосий қисми турган жой тушунилади.

Мерос қолдирувчининг кўчмас мулки бўлмаган тақдирда мерос қолдирувчининг кўчар мулки жойлашган жой деганда кўчар мулкларнинг асосий қисми турган жой тушунилади.

Фуқаронинг охирги яшаб турган жойи унинг доимий уй рўйхатида турган жойи ҳақидаги маълумотга кўра аниқланади. Лекин ҳаётда шундан ҳолатлар ҳам мавжудки, фуқаро маълум бир уйда доимий уй рўйхатида туради, аммо бутун ҳаёти давомида бошқа аҳоли пунктида яшайди. Бундай ҳолатда фуқаронинг ҳақиқатда яшаган жойи мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийлиқда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилиари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийлиқда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

Фуқаронинг доимий яшаш жойини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда фуқаронинг кўчмас мулки жойлашган жой мерос очилган жой ҳисобланади. Бу кўчмас мулкка фуқаронинг эгалик хукуқини белгиловчи ҳужжат асосида, масалан, уйга нисбатан эгалик хукуқини берувчи олди-сотди шартномаси ва жойлардаги уй-жойларни техник рўйхатдан ўтказиш бюроларининг ушбу уй-жой давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумтономаси; техника воситалари жойлашган жой уларнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи тегишли давлат автомобил назорати, трактор-тележка ва бошқа шу каби транспорт воситаларини рўйхатга олиш органлари томонидан берилган маълумотнома асосида аниқланади.

Бошқа кўчар мулклар (масалан, уй жиҳозлари, мебеллар, китоб, тасвирий санъат асарлари) бўйича, улар жойлашган жойдан



келиб чиқиб, мерос очилган жой аниқланади. Масалан, ушбу мол-мулклар агар мерос қолдируевчи өафотидан олдин ижарага олган квартирада бўлса, ушбу квартира жойлашган жой мерос очилган жой ҳисобланади.¹

Мол-мулкнинг асосий қисми жойлашган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Масалан, Жиззах вилоятининг чекка қишилоғида жойлашган ҳоевли-жой өа Тошкент шаҳри марказида жойлашган тўрт хонали квартира марҳумдан мерос бўлиб қолган, лекин аниқланишича мархур кўрсатилган ҳар иккала уйда доимий яшамаган, унинг охирги яшаган жойи номаълум. Бундай ҳолатда мероснинг асосий қисмини Тошкент шаҳридаги квартира ташкил этиши (яъни унинг қиймати қишилоқдаги уй қийматидан бир неча маробата юқорилиги сабабли) ҳисобга олинган ҳолда ушбу квартира жойлашган жой мерос очилган жой ҳисобланади.

Бунда мерос мулкининг асосий қисми жойлашган жойни аниқлашда мулкнинг қиймати ҳисобга олинади. Мол-мулкнинг қийматини аниқлашда унинг мерос очилган вақтидаги ва баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган бозор нархини инобатга олиш керак.

§ 1.5. Меросхўрлар

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига кўра мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Мерос қолдирувчи ва меросхўр ворислик ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос қолдирувчи сифатида фақат жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Ҳар қандай шахс қонун бўйича мерос қолдирувчи бўлиши мумкин. Бироқ **vasiyatnoma bўyicha meros qoldiruvchi muomalaga**

1 - Гуев А.Н. Комментарий к Гражданскому законодательству. Москва–2000, 272-бет.



лаёқатли шахс бўлиши керак, чунки васиятномани тузишда мерос қолдирувчининг муомала лаёқати мухим аҳамиятга эга. Васиятномани тузувчи шахснинг муомала лаёқати бўлмаса, бу ҳолат васиятномани ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Меросхўр деб топища шахс муомала лаёқатининг аҳамияти йўқ. Шунинг учун муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқоралар ҳам меросхўр деб топилиши ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 32-моддасига мувофиқ ушбу шахсларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва хомийлик белгиланиши мумкин.

Фуқаролик кодекси 1118-моддаси мазмунига кўра нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, балки чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам жисмоний шахслар, балки юридик шахслар ҳам меросхўр бўлишлари мумкин.

Юридик шахс фақат васиятномага асосан меросхўр бўлиши мумкин.

Юридик шахсни меросхўр деб топиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда ушбу юридик шахс ягона давлат реестридан чиқарилмаган бўлиши лозимлигига эътибор бериш керак.

Нолойик меросхўрларни меросдан четлаштириш

Меросдан четлаштириш ёки мерос олишдан маҳрум қилиш фақат қонунда, яъни ФКнинг 1119-моддасида белгилангандар асослар ва тартибда амалга оширилиши мумкин.

Қонуннинг ушбу нормасида мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан биронтасини қасдан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига сунқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш хукуқига эга эмаслиги белгилангандар.

Мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасдан тўскинлик қилган ва бу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чақирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўпайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш хукуқига эга эмаслар.

Ота-оналилк хукуқидан маҳрум қилинган ва мерос очилган пайтда бу хукуқлари тикланмаган ота-оналар шу фарзандларидан қолган мерос мулкига ворис бўлиш хукуқига, шунингдек, мерос қолдирувчини



таъминлаб туриш юзасидан қонун асосида ўзларига юқлатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган ота-она (фарзандликка олувчилар) ҳамда вояга етган фарзандлар (фарзандликка олингандлар) қонун бўйича мерос олиш хуқуқига эга эмаслар.

НОЛОЙИҚ МЕРОСХҮРЛАР

Нолойиқ меросхўрлар – мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига сунқасд қилган шахслар

Мерос қолдирувчини ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасини қасддан ўлдирган ёки уларнинг ҳаётига сунқасд қилган шахслар васият бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш хуқуқига эга эмаслар. Васият қилувчи ўз ҳаётига сунқасд қилинганидан кейин васиятнома берган шахслар бундан мустасно.

Мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишига қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзларининг ёки ўзларига яқин шахсларнинг ворисликка чакирилишига ёхуд мероснинг ўзларига ёки ўзларига яқин шахсларга тегишли улуши кўплайтирилишига имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш хуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота-оналик хуқуқларидан маҳрум этилган ва мерос очилган пайтда бу хуқуклари тикланмаган ота-оналар ана шу болалардан қолган мулкка ворис бўлиш хуқуқига эга эмаслар.

Мерос қолдирувчига таъминлаб туриш юзасидан қонунга кўра зиммаларига юқлатилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаган ота-оналар (фарзандликка олувчилар) ва вояга етган болалар (фарзандликка олингандлар) қонун бўйича ворислик қилиш хуқуқига эга эмаслар.

- Нолойиқ меросхўр деб топиш масаласи тегишли фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан ҳал қилинади.
- Нолойиқ меросхўр деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишда энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида давлат божи тўланади.

Қонуннинг ушбу талаби васият мажбуриятига ҳамда ҳар қандай меросхўрларга, жумладан мажбурий ҳисса олиш хуқуқига эга бўлган меросхўрларга ҳам тааллуқlidir.

Нолойиқ меросхўрларни ворислиқдан четлатиш учун асос бўладиган ҳолатлар бундай четлатиш келтириб чиқарадиган ворислик



билин боғлиқ мулкий оқибатларга дахлдор шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 6-бандида, фуқаролик кодекси 1119-моддасининг биринчи қисмига кўра нолойиқ меросхўр деб топилиши мумкин бўлган шахсларнинг ворислигига оид низоларни кўришда уларнинг қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланган, ворисликка чақирилишга имкон яратган қонунга хилоф ҳаракатлари, факат бу ҳаракатлар касдан содир этилгандагина меросдан маҳрум этиш учун асос бўлиши ҳақида тушунтириш берилган.

Эҳтиётсизлик орқасида содир этган жинояти учун судланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 1119-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган қоида қўлланилмайди.

Меросхўр фақат суднинг ҳал қилув қарорига кўра ва фақат меросдан четлатиш ўзи учун ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатлар туғдирадиган шахснинг даъвоси бўйича нолойиқ деб топилиши ва меросдан четлатилиши мумкин.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуки

Қонунчиликда вояга етмаганлар ва меҳнатга қобилиятсиз шахсларнинг мерос олиш ҳуқуки ҳимояланган бўлиб, бу амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1142-моддасида бу ўз аксини топган.

Хусусан, мазкур қонун нормасида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқукига эга бўлган шахслар доираси аниқ белгиланган бўлиб, мерос қолдирувчининг **вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари**, шунингдек, **меҳнатга қобилиятсиз эри(хотини) ва отонаси**, шу жумладан, **уни фарзандликка олганлар**, васиятнома мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб олиш ҳуқуки мустаҳкамланган.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқининг асосий шарти қонун бўйича вориснинг вояга етмаганлиги ёки меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатидир.



МЕРОСДАН МАЖБУРИЙ УЛУШ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

(ЎЗРФК 1142-моддаси)



Васият қилиш ҳуқуқини чеклашга ҳамда ижтимоий ҳимояга мухтох бўлган қонун бўйича меросхўларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган



Мерос
қолдирувчи

**Меросдан
мажбурий
улуш олиш
ҳуқуқига
эга бўлган
шахслар**



Мерос
қолдирувчининг
мехнатга қобилиятысиз
эри (хотини)



Мерос қолдирувчининг
вояга етмаган ёки
мехнатга қобилиятысиз
болалари



Мерос
қолдирувчининг
мехнатга қобилиятысиз
ота-онаси

Мажбурий улувчи^{*}



Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятысиз фарзандликка олган болалари ҳамда мерос қолдирувчини меҳнатга қобилиятысиз фарзандликка олганлар

* Меросхўрга мажбурий улуш тайинлашда у мерос тариқасида бирон-бир асосга кўра олаётган барча нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мulkнинг қўймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қўймати ҳам инобатга олинади

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқининг вужудга келиш асослари



Мажбурий улуш
олиш ҳуқуқига эга
бўлган меросхўр
меросдан
четлатилган бўлса



Мерос қолдирувчи
барча мол-
мulkларини
бошқа шахсларга
мерос қилиган бўлса




Васият қилинган ёки
васият қилинмаган
мulkнинг тегишли
қисми мажбурий улуш
микдоридан кам бўлса

Мажбурий улуш қонун бўйича ворис бўлганда
тегиши лозим бўлган улушнинг камидаги **50%**ини
ташкил қиласди**



** Агар васиятнома тузилмаган бўлса,
барча мол-мulk қонун бўйича
меросхўларга ўртасида тенг
тақсимланади



II БОБ
ВАСИЯТНОМА БҮЙИЧА
ВОРИСЛИК



§ 2.1. Васиятнома тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасида **vasiyatnomasi** тушунчаси берилган.

ВАСИЯТ ҚИЛИШ ЭРКИНЛИГИ

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳукуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятномани вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК

Васиятнома – фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳукуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродасидир.

Васиятнома – мерос очилганидан кейин ҳукуқ ва мажбуриятлар келтириб чиқарувчи бир томонлама битимдир.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топишига оид даъволарни кўришда Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун белгиланган асослари амал қиласди



Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиласидаги авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Шунингдек, мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳам ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 8-бандига мувофиқ, васиятнома қонунда белгиланган тартибда тузилган ва васият қилувчининг вафотидан сўнг муайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутувчи бир томонлама битим ҳисобланади.

Қонунга биноан васият қилувчи ўз мулкини тўлиқ ёки қисман ҳар қандай шахс ёхуд бир неча шахсга, шунингдек юридик шахсларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёхуд давлатга васият қилиши, ёинки бир, бир неча ёки барча қонун бўйича меросхўрларни меросдан маҳрум қилиши мумкин.

Васиятнома қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- васиятнома фақат битта шахс номидан тузилиши мумкин;
- васиятнома муомала лаёқатига эга бўлган шахс томонидан тузилиши;
- ёзма равишда тузилиб, тегишли тартибда тасдиқланган бўлиши.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1121-моддасига кўра васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулк-авторининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли.



ВАСИЯТНОМАНИНГ ШАКЛИГА ДОИР УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Васиятнома:

→ Ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз кўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз кўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо кўйishi мумкин.

Қуйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, отонаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;
- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;
- ёлғон гувоҳлик берганлик учун мукаддам судланган шахслар.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳукуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган ғайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди.

Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1121-моддасига мувофиқ, васият қилувчи васиятномада кўрсатилган меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этиши, меросни қабул қилмаслиги ёхуд ундан воз кечиши ёки нолойиқ меросхўр сифатида ушбу Кодекснинг 1119-моддасида назарда туттилган тартибда мерос олишдан четлаштирилиши эҳтимолини, шунингдек васиятнома бўйича меросхўр мерос қолдирувчининг қонуний шартларини бажармаслиги эҳтимолини назарда тутган ҳолда бошқа меросхўрни (ворисдан кейинги ворисни) тайинлаши мумкин.



КИМ ВАСИЯТНОМА ТУЗИШИ МУМКИН?

**Вояга етган (18 ёш)****Муомалага лаёқатли шахс****Васиятнома тузиши қандай ҳужжатлар талаб этилади?***Шахсни тасдиқловчи ҳужжат:*

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти;
- фуқаролиги бўлмаган шахс – республика ҳудудида яшаш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- чет эл фуқаролари – Ўзбекистон Республикасига қонуний кириб келганинги ва тегишли тартибда рўйхатга олинганинги тасдиқловчи қайд ёзуви мавжуд миллий паспорти, амалдаги визаси (агар виза асосида келган бўлса);
- агар қочок бўлса, қочоқ гувоҳномаси.

Кодексга мувофиқ меросхўр бўла оладиган ҳар қандай шахс ворисдан кейинги ворис этиб тайинланиши мумкин.

Васиятнома бўйича меросхўрнинг ворисдан кейинги ворис зарарига меросдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1121-моддасига кўра мол-мулкнинг васият қилинмаган қисми ушбу Кодекснинг 1134-1143-моддаларида назарда тутилган тартибда ворисликка чақирилладиган қонун бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимланади.

Бу меросхўрлар жумласига мол-мулкнинг бошқа қисми васиятнома бўйича мерос қилиб қолдирилган қонун бўйича ворислар ҳам кирадилар.

§ 2.2. Васиятнома шакли

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида васиятномага доир умумий қоидалар белгиланган.

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим.

Қўйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади:

- нотариал тасдиқланган васиятномалар;



– нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

ВАСИЯТНОМАНИНГ ШАКЛИ

Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар:

касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари.

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузуб юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари.

қидибув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари.

ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса – бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари.

оазодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегиши муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари

нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳукуқига эта бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари



Қуидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;
- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;
- ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддасида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар кўрсатилган.

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қириб ўчирилган ёки қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган ҳужжатларни, шунингдек қаламда ёзилган ҳужжатларни қабул қилмайди.

Нотариал тасдиқланадиган битимларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмагандан бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари эса – улар органларининг манзилларини кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ ёзилиб, яшаш жойи кўрсатилган бўлиши керак.

МАХФИЙ ВАСИЯТНОМА

Васият қилувчининг хохишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан тасдиқланган васиятнома.

Бир вақдан ортиқ бўлган ҳужжат ип ўтказиб тикилган, вараклари рақамланган ва муҳр босиб тасдиқланган бўлиши керак.

Шунинг учун судлар ҳам васиятнома билан боғлик бўлган ишларни кўришда ушбу ҳолатларга эътибор беришлари керак.

Васиятноманинг вақти ва жойини кўрсатиш жуда муҳим роль ўйнайди. Мерос қолдирувчи томонидан бир нечта васиятномалар тузилиши, шунингдек васиятномалар ўзgartирилиши мумкин. Агар васиятноманинг вақти кўрсатилмаган бўлса, қайси васиятнома охирги эканлигини аниқлаш мумкин бўлмайди.



Шунингдек, айрим васиятномалар учун (мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида кўрсатилган нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар) улар тузилган жойни (касалхона, ҳарбий қисм ва ҳ.к.) аниқ кўрсатиш лозим, чунки айнан шу жойда ишлайдиган шахслар ушбу васиятномани тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

ВАСИЯТНОМАНИНГ СИР САҚЛANIШI

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1125-моддасига кўра нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзib олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзib олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан (ёзув машинкаси, шахсий компьютер ва ҳоказолардан) фойдаланилиши мумкин.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзib олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим.

Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшилтирилади, бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганигининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланади.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз кўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, оталарининг исмини ва доимий турар жойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида



бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1125-моддасида назарда тутилган гувоҳ деганда, васиятномани тузиш, имзолаш, шаҳодатлаш жараёнида иштирок этган ва бунинг натижасида олинган маълумотларга эга бўлган шахсни тушуниш лозим.

Ушбу шахс, албатта, муомалага лаёқатли шахс бўлиши керак.

Нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномаларни тасдиқлашга ваколати бўлган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида белгиланган.

ВАСИЯТНОМА ҚАНДАЙ ТУЗИЛИШИ ЛОЗИМ?



Васиятнома шаклига доир:

- нотариал тасдиқланган;
- нотариал тасдиқланган васиятномага тенглаштирилган васиятномаларга бўлинади.

Конун талабига кўра васиятнома албатта ёзма тарзда тузилиши ва нотариус томонидан тасдиқланиши лозим.

Васиятнома нотариус томонидан тасдиқланиб, бир нусхаси васият қилувчи фуқарога берилади, бир нусхаси нотариал идорада сақланади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра **маҳфий тарзда** тузилиши мумкин. Бунда васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан тасдиқланади.

Маҳфий васиятнома васият қилувчининг ўз кўли билан ёзилиши ва имзоланиши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштироқида хатжилдга солиниб, мухрланади.

Қўйидаги васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади:

- касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош враchlари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи враchlари, шунингдек госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош враchlари томонидан тасдиқланган васиятномалари;



- фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги кемаларда сузib юрган вақтидаги ана шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;
- қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялардаги фуқароларнинг ана шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;
- ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса – бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳам ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;
- озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;
- нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалари.

§ 2.3. Васиятномани бекор қилиш, ўзгартериш ва ҳақиқий эмас деб топиш

Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1127-моддасида белгиланган.

ВАСИЯТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

Васиятномани бекор қилиш усувлари

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятномани (тўлалигича ёки қисман) бекор қилиш мумкин



Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли.

Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади.

Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

Нотариус томонидан васият қилувчининг васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги аризаси нотариал шаҳодатлантирилиши керак.

Нотариус васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза олган тақдирда васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига, реестрга ва алифбо китобига бу хусусда ёзув киритади. Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза нотариал идорада юритиладиган битимларни бекор қилиш тўғрисидаги алоҳида йиғмажилдда сақланади.

Васият қилувчи ўзида сақланаётган васиятнома нусхасини тақдим этган тақдирда, васиятноманинг ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида бу нусхага ҳам ёзиб қўйилади.

Васият қилувчи исталган вақтда васиятномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ хоҳлаган нотариал идорага мурожаат этиши мумкин (ушбу Қонуннинг 37, 44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Бундай ҳолда нотариус васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги аризани мазкур Қонуннинг 73-моддасига амал қилган ҳолда васиятнома тасдиқланган ёки у сақланаётган нотариал идорага топширади.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасида назарда тутилган мансабдор шахслар (нотариал



тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномаларни тасдиқлаш ваколатига эга шахслар) томонидан тасдиқланган васиятноманинг биттадан нусхаси васият қилувчи доимий прописка қилинган жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун кечикирмай юборилиши шарт. Ушбу васиятнома васиятномаларни ҳисобга олиш алифбо китобига киритилиши лозим.

Нотариус сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб күриши ва унинг қонун хужжатларига номувофиқлигини аниқлаган тақдирда, бу хусусда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт.

Нотариус васиятномани тасдиқлашда васият қилувчига Фуқаролик кодексининг 1127 ва 1142-моддалари мазмунини тушунтириши ва бу ҳақда васиятнома матнида кўрсатиб ўтиши лозим.

Нотариуслар томонидан васиятнома тасдиқлангандан кейин васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, васиятномани тасдиқлаш санаси ва реестр рақами ҳамда унга ўзгартириш киритилганилиги ёки бекор қилинганилиги ҳақидаги маълумотлар васият қилувчининг доимий прописка қилинган жойдаги мерос расмийлаштириладиган давлат нотариал идорасига ўн кун муддатда юборилиши лозим.

Ушбу маълумотларни олган нотариус уларни васиятномаларни ҳисобга олиш алифбо китобига киритади.

Васиятномага, асосан, меросхўрларнинг хукуқ ва мажбуриятлари мерос очилгандан кейин, яъни мерос қолдирувчининг вафот этганидан кейин вужудга келади. Шунинг учун меросхўрлар ҳамда бошқа бирон бир шахс васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш мақсадида мерос қолдирувчига тазиқ ўтказиши ёхуд бошқача тарзда таъсир қилиши мумкин эмас. Фақат мерос қолдирувчининг ўзи хоҳлаган вақтда сабабларни кўрсатмасдан васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳақлидир.

Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш қўйидаги тартибда амалга оширилиши мумкин:

- биринчидан, олдин тузилган васиятноманинг мазмунига қарши, яъни уни тўлиқ ёки қисман бекор қиласиган ёхуд ўзгартирадиган янги васиятномани тузиш;



– иккинчидан, васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш.

Васиятномани ўзгартериш билан тўлдириш тушунчаларини фарқлаш лозим.

Мисол учун, агар янги тузилган васиятномада меросхўрлар доираси ўзгараётган ёки мерос мулки меросхўрлар ўртасида бошқача бўйинаётган бўлса, бу васиятномани ўзгартериш ҳисобланади.

Агар янги тузилган васиятномада меросхўрлар доираси ўзгармаётган, бироқ васиятномага олдин киритилмаган молмулклар қўшимча киритилаётган бўлса, бу васиятномани тўлдириш ҳисобланади.

Васиятнома ўзгартиралиётган ёки тўлдирилаётган тақдирда янги тузилган васиятноманинг шартларига қарама-қарши бўлмаган олдин тузилган васиятноманинг шартлари бекор қилинмайди, ўз кучида қолади ва меросхўрлар учун тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтиради.

Янги тузилган васиятнома билан олдинги васиятнома бекор қилинаётган бўлса, олдинги васиятноманинг шартлари тўлиқ бекор қилинган ҳисобланади ва меросхўрлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятларни туғдирмайди.

ВАСИЯТНОМАНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ

Низоли васиятнома – суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган васиятнома.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган васиятнома – суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишидан қатъи назар ҳақиқий бўлмаган васиятнома.

васиятнома бутунлигича ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин

васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўйлаш масаласи тегишли фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан ҳал қилинади

васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини кўйлаш тўғрисидаги аризаларни судга топширганлик учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи микдорида давлат божи тўланади

васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низоларда келишув битими тузишга йўл қўйилмайди



Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1130-моддасида белгиланган. Мазкур моддага кўра тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий эмасдир. Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги ушбу Кодекснинг битимлар ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидаларига ҳам асосланади.

Васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан мулкий оқибатларга эга бўладиган шахснинг даъвоси бўйича васиятнома уни тузиш, имзолаш ва тасдиқлашнинг ушбу Кодексда белгиланган тартиби бузилиши натижасида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Васиятномадаги айрим фармойишларнинг ҳақиқий эмаслиги васиятноманинг қолган қисми ҳақиқийлигига дахл қилмайди.

Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда ушбу васиятномага биноан меросдан маҳрум бўлган меросхўр умумий асосларда мерос олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Васиятнома бўйича мерос олувчи, шунингдек суд қарори билан васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича васиятнома суд томонидан қисман ёки бутунлай ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 8-бандида васиятномани ҳақиқий эмас деб топишга оид даъволарни кўришда судлар Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асосларни назарда тутувчи нормаларига амал қилишлари лозимлиги (ФК 113-128 - моддалари) тушунтирилган.

САВОЛ

Қандай ҳолатлар васиятномани ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади?

ЖАВОБ

Мерос очилган пайтдан эътиборан 3 йил муддатда меросхўр, унинг вакили ёки прокурор томонидан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво кўзғатилиши мумкин.

ФКнинг 1130-моддасида белгиланганидек, тегишли шаклда тузилмаган васиятнома ҳақиқий хисобланмайди. ФКнинг 1124-моддасида васиятноманинг ёзма шаклида тузилган бўлиши ва у нотариус тасдиқлаган ёки нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган бўлиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларининг талабига мувофиқ келмайдиган мазмунда тузилган, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ нормаларига атайн қарши мақсадларда тузилган васиятномалар ҳақиқий хисобланмайди.

ФКнинг 9-боб, 2-параграфида назарда тутутилган битимларнинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги қоидалар васиятнома тузишда ҳам амал қилиб, ФКнинг 115, 116, 117, 119, 121, 122, 123, 124-моддаларида назарда тутутилган ҳолатлар мавжудлиги васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.



Қонунда белгиланған қуидаги асосларга күра тузилған битимлар ҳақиқий ҳисобланмайды:

- битимнинг қонун талаб қиласынан шаклига риоя қилинмаганлыги (ФКнинг 115-моддаси);
- қонун ұхжатлари талабларига мувофиқ бўлмаслиги (ФКнинг 116-моддаси);
- ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан (ФКнинг 117-моддаси);
- муомалага лаёқатсиз деб топилған шахс томонидан (ФКнинг 119-моддаси);
- муомала лаёқати чекланған фуқаролар томонидан ҳомийларининг розилигисиз (ФКнинг 120-моддаси);
- ўз ҳаракатининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахс томонидан (ФКнинг 121-моддаси);
- янгилишиш таъсирида (ФКнинг 122-моддаси);
- алдаш, зўрлик, кўркитиш, оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида (ФКнинг 123-моддаси);
- қалбаки ва кўзбўймачилик учун (ФКнинг 123-моддаси) тузилған битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

Суд амалиётида васиятномани қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар учрайди.

Васиятномани қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар, одатда, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган ёки улушли мулк васият қилинған, шунингдек, мерос қолдирувчи томонидан васиятномага ўзига тегишли бўлмаган мулкни киритиш ҳолларида юзага келади.

Шунинг учун мерос билан боғлиқ низоларни кўришда судлар мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга меросхўрлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, мерос қолдирувчи томонидан васиятномага киритилган мол-мулклари ўзига тегишли ёки тегишли эмаслиги, васиятнома тузилишида қонун талабларига риоя қилинған ёки қилинмаганлигини тўлиқ текширишлари талаб этилади.

СУД АМАЛИЁТИ

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга вориснинг мавжудлиги васиятноманинг қисман ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади.

К.Ахмедова ўзига тегишли Н.шаҳар, Авлоний кўчаси, 15-йй, 2-хонадонни 1996 йил 22 марта нотариал тасдиқланған васиятномага кўра биринчи турмушидан бўлган – қизи Алияга васият қилган.



2014 йил 10 августда К.Ахмедова вафот этган.

Нотариал идора томонидан 2015 йил 21 марта Алия Ахмедовага васиятнома бўйича меросга бўлган гувоҳнома берилган.

К.Ахмедованинг иккинчи турмушидан 2005 йил 2 февралда туғилган Ваҳоб исмли ўғли бўлиб, унинг онаси Ш.Ахмедова судга меросдан мажбурий улуш ажратиб бериш ҳақида мурожаат қилган.

Суднинг қарори билан васиятнома ва мерос гувоҳномаси қисман ҳақиқий эмас деб топилиб, марҳумнинг vogяга етмаган фарзанди Ваҳоб амалдаги ФК 1142-моддаси талабида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга эканлиги сабабли жами мерос мулкининг 1/6 қисмiga меросхўр деб топилган.

Васиятномани тўлиқ ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар, асосан, васиятнома расмийлаштирилиши билан боғлиқ тарзда юзага келади.

СУД АМАЛИЁТИ

Ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган шахс томонидан васиятнома тузилиши васиятноманинг тўлиқ ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлади.

2009 йил 19 декабрда фуқаро А.Нигматова нотариал тасдиқланган васиятнома тузиб, ўзининг барча мол-мулкларини синглиси С.Хамидовага васият қилган.

2013 йил 23 ноябрда А.Нигматова нотариал тасдиқланган янги васиятнома тузиб, ўзининг барча мол-мулкларини фуқаро М.Турғуновга васият қилиб қолдирган.

2014 йил 24 февралда А.Нигматова вафот этган.

С.Хамидова даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, 2013 йил 23 ноябрдаги васиятномани тузишда А.Нигматова касаллиги туфайли ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаганилиги ва уларни бошқара олмаганилиги сабабли ушбу васиятномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш кўрилиши жараёнида тайинланган суд-психиатрия экспертизаси хulosасига кўра А.Нигматова ҳаётлик пайтида атеросклероз, церебросклероз ва кардиосклероз касалликларидан даволанган, 2011 ва 2012 йилларда бир неча маротаба инсульт бўлган ва 2013 йил 23 ноябрдаги васиятномани тузиш пайтида ўз ҳаракатлари аҳамиятини тушуна олмаган.

Суд экспертиза хulosасини ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар, гувоҳлар кўрсатмаларини инобатга олиб, даъвони қаноатлантириш ва 2013 йил 23 ноябрдаги васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қонуний хulosага келган.



Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ва васиятномани бекор қилишни бир-биридан фарқлай билиш лозим.

Васиятнома бўйича мерос олувчи ёки суд қарори билан васиятноманинг ҳақиқий эмас деб топилишидан манфаатдор бўлган шахс мерос очилганидан кейин васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво қўзғатиши мумкин.

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳақли.

Васиятномаларга доир низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 30 мартағи 64-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигига 2010 йил 30 марта 2090-сон билан рўйхатдан ўтган “**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида**”ги Йўриқнома талабларини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 9-бандида, мерос қолдирувчи томонидан зиммасига бирор-бир мажбурият бажарилиши юклатилган васиятнома бўйича меросхўр ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ўртасидаги низоларни кўришда судлар ФК 1132-моддаси талабларига риоя этишлари лозимлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Пленум қарори мазкур бандида судларнинг эътибори меросхўрнинг мерос мулкидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи (масалан, тураг жойга нисбатан шахсий эҳтиёжи), шунингдек, мулк ҳуқуқининг меросхўрдан бошқа шахсга ўтиши, бундай ўтиш асосларидан (сотиш, ҳадя, айирбошлаш ва ҳ.к.) қатъий назар, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчи ҳуқуқларига таъсир этмаслиги, чунки бундай ҳуқуқлар ҳажми мерос қолдирувчи томонидан васиятномани тузиш пайтида белгиланиб, унинг меросхўрлари томонидан ўзгартирилиши мумкин эмаслиги тушунтирилган.

Шунингдек, ушбу Пленум қарорининг 10-бандида васиятнома ва унинг асосида берилган меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги, бундай талаблар бўйича келишув битими тасдиқланишига, у қонунга зид бўлиши туфайли (ФПК 40-моддаси бешинчи қисми) йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларининг қўлланиши тўғрисидаги талабни ҳар қандай



манфаатдор шахс кўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 7-бандига кўра васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда унда меросхўр тариқасида кўрсатилган, бироқ тегишли навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган шахс умумий асосларда қонун бўйича ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмайди.

Бундай ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган васиятномага кўра меросдан маҳрум этилган қонун бўйича меросхўр ҳам умумий асосларда ворислик ҳуқуқига эга бўлади (ФК 1130-моддаси тўртинчи қисми).

§ 2.4. Нима васият қилиб қолдирилиши мумкин

Қонун бўйича мерос қолдирувчи ўзига тегишли бўлган ҳар қандай мол-мулкни, шу жумладан васиятномани тузишдан кейин орттирилиши мумкин бўлган мол-мулкларини ҳам васиятномада кўрсатиши мумкин, чунки мерос васиятнома тузилганидан кейин очилади ва васиятномани тузиш вақти билан мерос очилган вақт ўртасида маълум муддат ўтади. Ушбу муддат мобайнида мерос таркиби ўзгариши мумкин.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, васиятномада кўрсатилган ва мерос таркибига киритилган айрим мол-мулклар меросхўрларга ўтмаслиги ҳам мумкин.

Мисол учун, мерос қолдирувчига тегишли бўлган ўқ-отар ов қуроли васиятномага киритилган бўлса-да, бироқ меросхўрга ушбу қуролдан фойдаланишга давлат органлари томонидан рухсатнома берилмаслиги мумкин. Бу ҳолатда ушбу мулк давлат органлари томонидан олиб қўйилиб, унинг қиймати меросхўрга қопланиши мумкин.

САВОЛ

Мен бугунги кунда ўзимда мавжуд бўлмаган, лекин келажакда сотиб олишини мақсад қилганим «Нексия» автомашинасини ўғлимга васият қилмоқчиман. Бунга ҳақлимамни?

Мерос очилган пайтда шундай автомашина амалда мавжуд бўлмаслиги васиятномани ҳақиқий эмас деб топишга ёки бошقا бирон ҳуқуқий оқибатга олиб келмайдими?



ЖАВОБ

Қонунчилиқда васиятнома эркинлиги назарда тутилган бўлиб, бу мерос қолдирувчига ўз хошиш иродасини билдиришда бирон-бир чекловни назарда тутмайди. Шунга кўра мерос қолдирувчи васиятнома тузишда ўзида мавжуд бўлмаган, келажакда ўзида бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай мулкни васиятномада кўрсатиши мумкин.

Мерос очилган пайтда васиятномада қайд этилган мулкнинг мавжуд бўлмаслиги бирон-бир ҳуқуқий оқибатни туғдирмайди.

§ 2.5. Мажбурий улуш

Шуни эътиборга олиш керакки, васиятномани расмийлаштириш пайтида нотариус томонидан васиятномани тузувчи шахсга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида (меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи) белгиланган қоидалар тушунтирилиши лозим.

Ушбу моддага кўра мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятысиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятысиз эри (хотини) ва отаонаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшиллади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарорининг 18-бандига кўра меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома ворислик васият ёки қонун бўйича эканлигидан қатъи назар, мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилади, ФК 1146-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Меросга бўлган ҳуқук



тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи бўлганлиги сабабли, қонунда меросхўр бундай гувоҳнома бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган муддат белгиланмаган.

Нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиши устидан меросхўр томонидан судга шикоят берилиши мумкин бўлиб, у Фуқаролик процессуал кодексининг 28-боби қоидаларига биноан кўриб чиқилади.

Нотариуснинг меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиши устидан меросхўр томонидан судга берган шикоятларни ҳамда юридик фактларни белгилаш тўғрисидаги аризаларни кўриш жараёнида низо пайдо бўлиш ҳоллари учрайди.

Шунингдек, ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни ҳал этишда барча меросхўрларнинг иштироки таъминланниши лозим.

СУД АМАЛИЁТИ

Меросхўрлар доирасини аниқлаш чоралари кўрилмаганлиги ва айрим меросхўрларнинг ишда иштироки таъминланмаганлиги суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлган.

Н.шаҳар, 1-тор Обод кўчаси 27-йга нисбатан Н.шаҳар халқ депутатлари ижроия комитети (горисполком)нинг 11.08.1965 йилдаги қарорига асосан М.Хамракулов номига эгалик ҳуқуқи белгиланган.

2014 йил мартойида М.Хамракулов вафот этган.

Меросхўр – М.Хамракуловнинг ўғли С.Хамракулов судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, ўзларини меросхўр деб топиш ва мерос мулки бўлган уйни тақсимлашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилиб, С.Хамракулов ҳамда Л.Хамракуловалар меросхўр деб топилган ва уларнинг мерос улушлари 1/2 дан қилиб белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишни кўриш жараёнида меросхўрлар доираси аниқланмаган, Москва шаҳрида яшаб келаётган мерос қолдирувчининг фарзанди З.Хамракулов ҳам меросхўр эканлигига эътибор берилмаган, уни ишга жалб қилиш чоралари кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1145-моддасида меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳукуқини йўқотмаса мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.



3.Хамракуловнинг шикоятига асосан мазкур иш кассация инстанциясида кўрилиб, биринчи инстанция суди томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари талаблари бузилганлиги сабабли ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Иш қайта кўрилиши натижасида ҳар учала фарзанд меросхўр деб топилган ва уларнинг мерос улушлари 1/3 қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 1998 йил 17 апрелдаги 13-сонли қарорининг 8-банди ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида суднинг иш бўйича чиқарган хулосасининг фактик ва ҳуқуқий асослари баён этилиши, жумладан, ҳал қилув қарорининг бу қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, шунингдек низоли муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ меъёрлари (фуқаролик, оила, ер, меҳнат, уйжой тўғрисидаги ва бошқа қонунлар) келтирилмоғи, қонуннинг номи, моддаси, банди, бошқа қонун ҳужжатларининг сони ва қабул қилинган санаси ҳамда процессуал ҳуқуқий меъёрлари кўрсатилмоғи, зарур ҳолатларда суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ҳам кўллаши лозимлиги белгиланган.

Ворислик ҳуқуқи билан боғлик ишларни кўришда суд ушбу тоифадаги ишлар Фуқаролик кодексининг 1112–1157-моддалари билан тартибга солинганлигини инобатга олиб, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низога тааллуқли тегишли қонун нормасини кўрсатиши лозим.

САВОЛ

Эрим 1990 йилда васиятнома қолдириб, унда ўлимидан кейин барча мол-мулкини менга васият қилишини кўрсатган. Васиятнома қонун талабида нотариал тасдиқланган. 1993 йилда эрим билан биргаликда яшаб турган бир хонали уйимизни хусусийлаштирганимиз. У 2005 йилда вафот этди. Эримнинг биринчи никоҳидан вояга етган икки қизи бўлиб, улардан бири болаликдан ногирон. Айни пайтда опасининг қарамоғида.

Уларнинг ҳар иккаласи мендан мерос улашларини талаб қилмоқда. Ўзи эримдан биргина шу уй мерос бўлиб қолган. Улар менингуйни сотиб, мерос улушларини беришимни талаб қилмоқда. Улар бунга ҳақлими? Васиятнома мавжуд бўлгани ҳолда мендан мерос улуши талаб қилиши тўғрими?



ЖАВОБ

Үй Сиз ва эрингиз томонидан хусусийлаштирилганлиги сабабли ҳар иккалангиз унга тенгхиссада мулкдор ҳисобланасиз. Шунга кўра, квартиранинг тенгярми мерос мулкини ташкил этади.

ФКнинг 1142-моддасига кўра мерос колдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятнома мазмунидан қатъи назар қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирiga тегиши лозим бўлган улушнинг камидаганини (мажбурий улуш) мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Агарда васиятнома мавжуд бўлмаганида мерос мулки уйнинг 1/2 қисми учга бўлинган, эрингизнинг ногирон кичик қизи бутун уйнинг 1/6 қисмини мерос тариқасида олиши лозим эди.

Юқорида келтирилган қонун нормаси талабига кўра у меҳнатга қобилиятсизлиги сабабли уйнинг 1/12 қисмини мажбурий улуш тариқасида олади.

Васиятнома мавжуд бўлганлиги сабабли эрингизнинг катта қизи меросдан улуш олиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундан ташқари, ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар юзасидан Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарорида ҳам судларга тегишли тушуниришлар берилган.

Шунинг учун суд ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ низолар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмida ўз холосасини асослантириш мақсадида нафақат моддий ва процесуал ҳуқуқ нормаларига, балки юқорида кўрсатилган Пленум қарорларининг тушуниришларига ҳам ҳавола қилиб, аниқланган ҳолатларни (мерос таркиби, меросхўрлар таркиби, қонун ёки васиятнома бўйича ворислик, мажбурий улуш, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик, мерос трансмиссияси тартибида ворислик ва ҳ.к.), суд холосасига асос бўлган далилларни, у ёки бу далилни рад қилиш асосларини кўрсатиши лозим.

Бундан ташқари мазкур фуқаролик ишларини кўришда суд даъво аризасида тарафлар сифатида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар барча меросхўрларни ишга жалб қилиши лозим.

Бу шахслар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилиниб, ҳал қилув қарорининг баён қисмida уларнинг тушуниришлари кўрсатилиши керак.

САВОЛ

Мерос мулки бир қисми васият қилинганда мажбурий улуш ажратиш масаласи қандай ҳал қилинади?



ЖАВОБ

Мерос мулкининг ҳаммаси эмас, балки унинг бир қисми васият қилинганда мажбурий ҳисса мерос мулкининг ҳаммаси ҳисобидан белгиланади. Бу мажбурий ҳисса васият бўйича белгиланган мерос мулкидан бошқа мол-мulk ҳисобидан ундирилиши керак. Агар васият қилинмасдан қолган мол-мulkning суммаси мажбурий ҳиссани қоплаш учун етарли бўлмаса, у ҳолда етишмаган қисми васият қилинган мол-мulk ҳисобидан қопланиши керак.

Васият бўйича меросхўрлардан ташқари қонун бўйича меросхўрлар ҳам ворисликка чақирилган тақдирда ва унинг таркибига меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган ворислар кирганда аввало уларнинг улуши аниқланиб, қолган мерос мулк қонуний меросхўрлар ўртасида баб-баравар тақсимланади.

Васиятнома қолдириш орқали мол-мulkининг ўзи вафот этгандан кейинги тақдирини белгилашнинг аҳамияти

Васиятнома қолдиришнинг аҳамияти шундан иборатки, у жисмоний шахс учун ўз мулкининг вафот этгандан кейинги тақдирини ўз хоҳиш-иродаси бўйича тасарруф қилишнинг ягона усулидир. Ҳар қандай шахс фарзандларининг нафақат ўзи ҳаётлигида, балки вафот этганидан кейин ҳам яхши ва тинч-тотув яшашларини истайди.

Васиятнома қолдириш орқали шахс биргина ўзининг мол-мulkни борасида фармойиш бериб қолмай, шу орқали ўзидан кейинги авлодларининг тинч-осойишта, фаровон ва ҳамжиҳат ҳаёт кечиришларини ҳам таъминлаши мумкин.

Васиятнома қолдирилмаган ҳолатларда бутун мол-мulkни қонун бўйича ворислар ўртасида тенг тақсимлаш лозим бўлади. Фарзандлар тутув бўлиб, мол-мulkни бўлишда бир-бирига ён берса яхши, лекин бир-бирининг ҳуқуқини тан олмаса, меросхўрлар ўртасида натура ҳолида бўлиб бўлмайдиган айни бир кўчмас мулк, масалан уйни ёки кўчар мулк-автомашинани улар ўртасида тақсимлашда қай бирига натура ҳолида қолдириб, қай бирига улушини пулда беришда низо келиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Мол-мulk топилиши мумкинлигини, лекин ота-она оламдан ўтгач, бошқа ака-ука, опа-сингилни дунёга келтиришни улардан сўраб бўлмаслиги, ҳаётда инсон учун яқин қариндошларнинг ўз ўрни бор ва кераклигини ҳаммага ҳам бирдай тушунтириб бўлмайди.

Шу ўринда яна шуни айтиш лозимки, ота-она вафотидан кейин мулк талашиб, бир-бирига тескари одамларга айланиш инсоният



маънавиятига ёт, уятли ҳолат бўлса-да, бугунги кунда ворислар ўртасида кўплаб низо келиб чиқаётганлиги ачинарли ҳолдир.

САВОЛ

Отамнинг васиятномасига кўра 1.000.000 сўмлик мол-мулк акамга қолган. Васиятномада акамнинг менга 300.000 сўм берishi кўрсатилган.

Мерос очилгач отамнинг қўшнимиздан 250.000 сўм қарзи борлиги аниқланди ва у хозир ушбу пулини талаб қилмоқда.

Акам қарзнинг 2/3 қисмини ўзи беришини, қолган қисмини эса мен беришим лозимлигини айтди.

Акамнинг талаби тўғрими? Қарзнинг қанча қисмини мен беришим керак?

ЖАВОБ

Қонун талаби бўйича Сиз қарз суммасининг бирон сўмини тўлашга мажбур эмассиз. Ушбу ҳолатда акангиз васиятнома бўйича ягона ворис ҳисобланади. Сиз васият мажбурияти юзасидан ҳукуқ олувчи ҳисобланасиз.

ФКнинг 1132-моддасига асосан васият мажбурияти юзасидан ҳукуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди.

Низо келиб чиққач, бир-бирига яқин қариндош бўлган тарафларга ҳукуқларини тушунтириш, низони тинч йўл билан бартараф қилишни таклиф қилиш доим ҳам самара бермоқда деб бўлмайди. Суд амалиётида тарафлар ярашганлиги ёки ўз даъвосидан воз кечиши билан боғлиқ ишлар тутагитилган ҳолатлар бармоқ билан саноқли.

Мерос мулкининг ворислар ўртасида қонун асосида тақсимлаб берилиши ҳам барча ҳолатларда низога барҳам бермайди. Чунки бу бир тарафнинг иккинчи тараф қонуний ҳукуқларини тан олиш билан боғлиқ бўлиб, суднинг қонуний ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ҳам низо барҳам топиб, қон-қариндошлар муносабати яхши бўлиб қолаётгани йўқ.

Бошқа турдаги низолардан фарқли ўлароқ ворисликка доир низоларнинг аксарияти васиятнома қолдирилмаган ҳолларда яқин қариндошлар ўртасида юзага келади.

Масалан, ота томонидан васиятнома қолдирилмаган ҳолатда мерос мулки бўлган биргина автомашинани икки ўғил ўртасида тақсимлаш лозим. Уларнинг ҳар иккаласи автомашинани натура ҳолида олишини хоҳлайди. Меросни эгаллаш борасида уларнинг ҳар иккаласи бир хил ҳукуққа эга.

Мазкур ҳолатда мерос қолдирувчи – ота томонидан автомашинани улардан бирига қолдириб, унга иккинчи ўғилга



автомашина баҳосининг ярмини бериши ҳақида васият фармойиши берилши фарзандлар ўртасида низо келиб чиқшининг олдини олади.

Ёки васиятнома қолдирмаган отанинг өафотидан кейин унинг иккى ўғли ўртасида барча мол-мулк: уй, автомашина ва хусусий дўйон қонун бўйича ворислик асосида тенг ҳиссада бўлиш борасида низо келиб чиқкан.

Васиятнома қолдириши орқали эса уй өа автомашинани улардан бирининг, дўйонни иккинчисининг эгалигига берилиши орқали ушбу низонинг олди олинини мумкин эди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тегишли тартибда тасдиқланган васиятноманинг яна бир аҳамияти, ушбу биргина ҳужжат орқали ворислар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган низонинг олди олинади ҳамда ўртадаги қариндошлик муносабатлари сақлаб қолинади.

§ 2.6. Васиятномани ижро қилиш

Васият қилувчи васиятнома қолдириш билан бир вақтда уни ижро қилишни меросхўр бўлмаган шахсга – васиятномани ижро этувчига топшириши ҳақида ҳам фармойиш бериши мумкин. Бунда васиятноманинг ижро этувчиси қилиб тайинланган шахснинг розилиги талаб қилинади. Шахснинг васиятномани ижро этувчи бўлишга розилиги унинг ўз қўли билан ёзган аризаси ёки бевосита васиятномага ёзган устхати орқали расмийлаштирилиши шарт.

Лозим топган ҳолларда барча меросхўрлар ўзаро келишган ҳолда васиятнома ижросини меросхўрлардан бирига ёки бошқа шахсга топшириши ҳам мумкин. Васиятномани ижро қилиш борасида келишувга эришилмаган ҳолатда меросхўрлардан бири ёки бир нечтасининг талабига кўра васиятномани ижро этувчи суд томонидан тайинланиши ҳам қонунда, хусусан ФКнинг 1131-моддасида назарда тутилган.

Васиятномани ижро этувчи ким томонидан тайинланганидан қатъи назар меросни муҳофаза қилиши ва уни бошқариши; барча меросхўрларни ва васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувларни мерос очилганлиги тўқрисида ҳамда васият мажбуриятлари тўғрисида хабардор қилиш борасида барча чораларни кўриши;



мерос қолдирувчига тегишли суммаларни олиши; мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси, яъни васиятнома бўйича ва қонунга мувофиқ меросхўрларга уларга тегишли мол-мулкни бериши; меросхўрлар зиммасидаги васият мажбуриятларининг ижро этилишини таъминлаши; васият мажбуриятларини бажариши ёхуд меросхўрлардан васият мажбуриятларини ижро этишни талаб қилиши лозим.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ҳамда васиятномани ижро этиш билан боғлиқ суд ишларида ва бошқа ишларда ўз номидан қатнашишга ҳақли. У ўз мажбуриятларини оқилона муддат мобайнида, ҳар қандай ҳолатда ҳам мерос очилган кундан бошлаб бир йил ичida амалга ошириши лозим.

Васиятномани ижро этувчи меросни бошқариш ва васиятномани ижро қилиш билан боғлиқ харажатларни мерос ҳисобидан ундириш ҳуқуқига эга.

Васиятномада уни ижро этувчига мерос ҳисобидан ҳақ тўлаш ҳам назарда тутилиши мумкин.

САВОЛ

Мен васиятнома бўйича ворисман. Отам васиятномада автомашинани менга қолдириб, автомашинани сотиб, унинг ярим пулини синглимга беришни кўрсатган. Васият бўйича автомашина меники, сотиш-сотмаслик менинг ихтиёrimга боғлиқ. Менинг автомашинани сотиш ниятим йўқ, аксинча отамдан ёдгорлик сифатида миниб юрмоқчиман. Автомашинани сотиб, пулнинг ярмини синглимга бериш ҳақидаги отамнинг илтимоси мен учун мажбурий эмас деб биламан.

Синглим автомашинани сотиб, пул беришимни талаб қилмоқда. Унинг талаби тўғрими?

ЖАВОБ

Васиятномада кўрсатилган автомашинани сотиш ҳақидаги талаб ноқонунийdir. Чунки мерос қолдирувчи мерос мулкнинг ворисга ўтгандан кейинги тақдирини белгилаш ҳуқуқига эга эмас.

Лекин отангизнинг автомашина пулнинг ярмини синглингизга бериш ҳақидаги фармойиши қонуний бўлиб, Сиз уни бажаришга, автомашина баҳосидан келиб чиқиб, унинг ярим миқдоридаги пулни синглингизга беришга мажбурсиз. Акс ҳолда, синглингиз васиятнома бўйича Сизга юклangan мажбуриятни бажаришнинг суд орқали талаб қилиши мумкин бўлади.

Васиятномани ижро этувчи васиятнома ижро этиб бўлингач, меросхўрларнинг талабига асосан уларга ҳисобот тақдим этиши шарт.

Шунингдек, назарда тутиш лозимки, васиятномани ижро этувчи васият қилувчи томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан исталган вақтда воз кечиш ҳуқуқига эга бўлиб, бундай ҳолатда у меросхўрларни олдиндан хабардор қилиши шарт.



САВОЛ

Васият қолдирувчи бир неча васият қолдирганда қайси васият ҳақиқий ҳисобланади?

ЖАВОБ

Бир неча васиятномалар мавжуд бўлган тақдирда васиятномалар мазмуни муҳим аҳамиятга эга. Васият қолдирувчи янги васиятнома тузиш орқали муқаддам тузилган васиятномани қисман ўзгартириши, тўлдириши ёки олдинги васиятномага қисман ёки бутунлай зид васиятнома қолдирни мумкин. Хар қандай ҳолатда охирги васиятнома мазмунидан келиб чиқсан ҳолда мерос мулкитақдири ҳал этилади.

Шунингдек, қонун нормасида васиятномани ижро этувчи меросхўрларнинг аризасига асосан суд қарори билан ҳам ўз мажбуриятларидан озод қилиниши мумкинлиги ҳам назарда тутилган.

§ 2.7. Васият мажбурияти

Васият қилувчи васият бўйича меросхўрнинг зиммасига бир ёки бир неча шахс (vasият мажбурияти юзасидан ҳуқук олувчилар) фойдасига бирон-бир мажбуриятни (vasият мажбуриятини) мерос ҳисобидан бажаришни юклашга ҳақли бўлиб, васият мажбурияти юзасидан ҳуқук олувчилар васият мажбурияти бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини оладилар.

Қонун бўйича ворислар жумласига кирадиган, шунингдек кирмайдиган шахслар ҳам васият мажбурияти юзасидан ҳуқук, олувчилар бўлишлари мумкин.

Васият мажбурияти юзасидан ҳуқук олувчига мерос таркибиға кирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқук қилиб бериш, мерос таркибиға кирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, унга муайян хизматлар кўрсатиш ва ҳоказолар васият мажбурияти нарсаси бўлиши мумкин.

Васият қилувчи томонидан зиммасига васият мажбуриятини бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарзларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.

Агар зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг васият мажбуриятини



бажариш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш микдоридан ортиқ бўлган қисми билан чегараланади.

Васият мажбурияти барча ёки бир неча меросхўр зиммасига юклатилган ҳолларда, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳар бири васият мажбуриятини меросдаги ўз улушига мутаносиб равишда бажаради.

Васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Турар жойга бўлган мулк ҳукуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳукуқи ўз кучида қолади.

Турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳукуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзгага берилмайди ва васият мажбурияти юзасидан ҳукуқ олувчининг меросхўрларига ўтмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳукуқ олувчиға берилган турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳукуқи, агар васиятномада бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса, унинг оила аъзолари мазкур турар жойда яшashi учун асос ҳисобланмайди.

Зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда васият мажбуриятини бажариш унинг улушкини олган бошқа меросхўрларга ёхуд, агар молмулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади.

Васият мажбурияти юзасидан ҳукуқ олувчи мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин, аммо васиятнома бўйича меросхўр васият мажбуриятини қабул қилиб олишга ултурган пайтга қадар вафот этган тақдирда васият мажбурияти бажарилмайди.

Васият мажбурияти юзасидан ҳукуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди.

Васият бўйича мажбурият юклаш


Васият қилувчи васият бўйича меросхўр зиммасига бирон-бир ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаб, бу мажбуриятни бажаришни кредитор сифатида талаб қилиш ҳукуқини ҳеч кимга бермаслиги мумкин. Умумий фойдали мақсадни амалга ошириш учун васиятномада ижро этувчининг зиммасига худди



шундай мажбурият юклатилиб, бу мажбуриятни бажариш учун мерос қолдирувчи томонидан мол-мулкнинг бир қисми ажратилиши мумкин.

Мажбуриятни бажариш зиммасида бўлган меросхўрга тегиши лозим бўлган ёки унга қарашли бўлган мерос улуши бошқа меросхўрга ўтса, мажбуриятни бажариш бекор бўлади.

Васиятномада мулкий хусусиятга эга бўлган ҳатти-харакатни содир этишдан иборат мажбуриятни мерос ҳисобидан бажариш юклangan бўлса, бундай васиятномада кўрсатилган мажбурият васият мажбурияти ҳисобланади.



III БОБ ҚОНУН БҮЙИЧА ВОРИСЛИК



§ 3.1. Қонун бўйича ворислик тушунчаси

Васиятнома бўйича ворислик фақат мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродасига асосан амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик эса мерос қолдирувчининг хоҳиш-иродаси билан боғлиқ эмас.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўпчилик ҳолатларда мерос қолдирувчи томонидан васиятнома тузилмайди ёки расмийлаштирилган васиятномада мерос таркибиغا кирадиган айrim мол-мулкларнинг тақдири ҳал қилинмасдан қолади. Бу ҳолатда мерос қолдирувчининг вафотидан кейин қоладиган ва васиятномада белгиланмаган мероснинг тақдирини ҳал қилиш лозим бўлади.

Шунинг учун Фуқаролик кодексида қонун бўйича ворисликнинг асослари, тартиби, қонун бўйича ворислар навбати ва бошқа ҳолатлар назарда тутилган.

Қонун бўйича ворислик қўйидаги ҳолатларда вужудга келади:

- агар васиятнома тузилмаган ёки васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, ёхуд васиятнома мерос таркибига киравчи мол-мулкларнинг бир қисми бўйича расмийлаштирилган тақдирда;
- агар васиятнома бўйича меросхўрлар меросдан воз кечган ёки нолойик меросхўр деб топилган бўлса;
- агар мажбурий улушга эга бўлган шахслар мавжуд бўлса.

Бу ҳолатда меросни қабул қилиш қонунда назарда тутилган меросхўрлар навбати бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1134-моддасига кўра қонун бўйича меросхўрлар ворисликка ушбу Кодекснинг 1135–1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақириладилар.

Қонун бўйича ворисликда фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари бир тарафдан, фарзандликка оловчи шахс ва унинг қариндошлари иккинчи тарафдан туғишган қариндошларга тенглаштириладилар.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар (Фуқаролик кодекси 1134-моддасининг учинчи қисми).



ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ



4
Катта бобом,
катта момом



3
Бобом, момом



2
Бувам, бувим



1
Ота-онам



МЕН



1
Фарзандларим



2
Неварадарим



3
Эвараларим



4
Чевараларим

II
Ака-укаларим,
опа-сингилларим

III
Жиянларим

IV
Жиянларимнинг
фарзандлари

V
Жиянларимнинг
неварадарли

ТҮГРИ ВА ЁН ШАЖАРА БҮЙИЧА ҚАРИНДОШЛАР ЧИЗМАСИ

Насл-насаб шажараси бүйича түгри туташган қариндошлар

IV
Ота-онамнинг
амакилари,
аммалари,
тогалари,
холалари -
тушишган
бувам, бувим

III
Амаким, аммам,
тогам, холал

IV
Амакиваччам,
аммаваччам,
тогаваччам,
холаваччам -
амаким, аммам,
тогам,
холамларнинг
фарзандлари

V
Тушишган бувам,
бувимнинг
фарзандлари

VI
Тушишган бувам,
бувимнинг
неварадарли

VII
Тушишган бувам,
бувимнинг
эваралари

VIII
Тушишган бувам,
бувимнинг
чеваралари

IX
Тушишган бувам,
бувимнинг
дуваралари

V

Бувам ва бувимнинг
амакилари,
аммалари,
тогалари,
холалари

VI

Бувам ва бувимнинг
амакилари,
аммалари,
тогалари, холаларининг
фарзандлари

VII

Бувам ва бувимнинг
амакилари, аммалари,
тогалари, холаларининг
неварадарли

VIII

Бувам ва бувимнинг
амакилари, аммалари,
тогалари, холаларининг
эваралари

IX

Бувам ва бувимнинг
амакилари, аммалари,
тогалари, холаларининг
чеваралари

X

Бувам ва бувимнинг
амакилари, аммалари,
тогалари, холаларининг
дуваралари

XI

Бувам ва бувимнинг
амакилари, аммалари,
тогалари, холаларининг
оворалари

Ён шажара бүйича қариндошлар

1 2 3 4 Насл-насаб шажараси бүйича түгри туташган қариндошликтар даражаси

II III IV V VI VII VIII IX X XI Насл-насаб шажараси бүйича ён қариндошликтар даражаси



Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар (Фуқаролик кодекси 1134-моддасининг тўртинчи қисми).

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳукуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига мувофиқ, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳукуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам **биринчи навбатдаги** ворислар жумласига кирадилар.

Биринчи ва бошқа навбатдаги меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан қариндошлиги ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, туғилганик тўғрисидаги гувоҳнома ва ҳ.к.) асосида тасдиқланади. Агар ушбу ҳужжатларни тақдим этиш иложи бўлмаса, қариндошлиқ ҳолати суд томонидан белгиланади.

Шуни эътиборга олиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасида назарда тутилган мерос қолдирувчининг фарзандликка олинган болалари ёки фарзандликка олувчиларига нисбатан ушбу ҳолатни тасдиқловчи мерос очилган кунгача қабул қилинган қонуний кучга кирган суд қарори мавжуд бўлиши лозим. Акс ҳолатда бу шахсларни **фарзандликка олинган болалар ёки фарзандликка олувчилар** деб бўлмайди ва улар меросхўр бўла олмайдилар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасида мерос қолдирувчининг турмуш ўртоғи ҳам биринчи навбатдаги меросхўр бўлиши белгиланган.

Бироқ мерос қолдирувчининг турмуш ўртоғи мерос очилгунга қадар у билан қонуний никоҳдан ўтган бўлиши лозим. Шаръий никоҳдан ўтган шахс мерос қолдирувчининг меросхўри бўлолмайди. Қанча вақт мобайнида мерос қолдирувчи билан никоҳда бўлганлигининг аҳамияти йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1136-моддасига кўра мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она)



бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича **иккинчи навбатдаги** ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1137-моддасига мувофиқ мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича **учинчи навбатдаги** ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонун бўйича **тўртинчи навбатдаги** ворислик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1138-моддасида белгиланган бўлиб, мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даражада ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга эканликлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1139-моддасига кўра мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ушбу Кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос олмасалар, қонун бўйича **бешинчи навбатдаги** ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

Қонунда (ФК 1138-моддаси) тўртинчи навбатда ворисликка чақирилувчи шахслар доираси аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли судлар тўртинчи, бешинчи ва олтинчи даражадаги қариндошларга кирувчи меросхўрларни аниқлашда Оила кодекси 57-моддасига риоя этишлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1140-моддасида **тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик** тушунчasi ҳам берилган бўлиб, унга кўра, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутади, бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигига тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қиласи, ён қариндошлик бўйича меросхўрликда тақдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.



Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1140-1-моддасида **мерос трансмиссияси** тушунчаси берилган.

Мазкур моддага кўра агар **васиятнома** бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга *тегиши* керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк **васият** қилинган бўлса, унинг **васият** бўйича меросхўрларига ўтади (*мерос трансмиссияси*). Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибиغا кирмайди.

Вафот этган меросхўрга тегишли меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрлари томонидан умумий асосларда амалга оширилиши мумкин.

Бироқ мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр вафот этган тақдирда мажбурий улуш олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ўтмайди.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 15-бандида **мерос трансмиссияси қўйидаги шартларда вужудга келиши белгиланган**:

- мерос очилган пайтда ворислик ҳуқуқига эга бўлган **vasiyat** ёки қонун бўйича меросхўрнинг борлиги;
- **vasiyat** ёки қонун бўйича меросхўр меросни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этганлиги сабабли унинг меросдаги улуши тақдирини ҳал қилиш зарурати пайдо бўлганилиги;
- вафот этган меросхўр унинг меросхўрлари билан алмаштирилиши мумкинлиги.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1141-моддасига мувофиқ **мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамогида бўлган ва у билан биргаликда яшаган меҳнатга қобилиятысиз шахслар** қонун бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда **меҳнатга қобилиятысиз боқимлар** ворисликка чақирилаётган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Ушбу Кодекснинг 1136–1138-моддаларида кўрсатилган қонун бўйича меросхўрлар жумласига мансуб бўлган, бироқ ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари доирасига кирмайдиган меҳнатга қобилиятысиз шахслар мерос қолдирувчи билан биргаликда



яшаган-яшамаганликларидан қатыи назар, агар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида турган бўлсалар, ана шу ворисликка чақириладиган навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар.

Қонун бўйича бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда ушбу модда асосида ворисликка чақириладиган шахсларнинг ҳаммаси биргаликда кўпли билан мероснинг тўртдан бир қисмини мерос қилиб оладилар.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 5-сонли қарори 16-бандида, Фуқаролик кодекси 1141-моддасининг биринчи қисмida кўрсатилган **мехнатга қобилиятсиз шахсларни қонун бўйича меросхўр деб топиш учун бир вақтнинг ўзида икки ҳолатнинг мавжуд бўлиши, яъни бундай шахсларнинг бир йилдан кам бўлмаган муддат ичida мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиши ва мерос қолдирувчи билан унинг вафотига қадар бир йилдан кам бўлмаган муддат ичida бирга яшаган бўлиши талаб этилиши** тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Шунингдек, ушбу бандда **иккинчи, учинчи ва тўртинчи навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига киравчи меҳнатга қобилиятсиз шахсларга келганда эса, улар ворисликка чақирилиши учун фақат уларнинг мерос қолдирувчи вафотига қадар унинг қарамоғида бир йилдан кам бўлмаган муддат ичida бўлганинг ўзи кифоя эканлиги белгиланган.**

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бир йилдан кам муддат ичida бўлган ва у билан бир йилдан кам муддат ичida бирга яшаган ёки у билан бирга яшамаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ФК 1139-моддасига мувофиқ бешинчи навбатда ворисликка чақириладилар.

Мазкур Пленум қарорининг 17-банди, тушунтиришига кўра, Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси коидаларига кўра, ворислик амалга оширилганда меҳнатга қобилиятсиз шахсларга қўйидагилар:

- мерос очилган кунга келиб 55 ёшга кирган аёллар, 60 ёшга кирган эркаклар;
- мерос очилган кунга келиб белгиланган тартибда биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;
- мерос очилган кунга келиб 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар;
- 18 ёшга тўлмаган ўкувчилар кириши тўғрисида тушунтиришлар берилган.



Шунингдек, Пленум қарорининг мазкур бандида **мехнатга қобилиятызиз шахсни мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб топиш учун бундай шахс мерос қолдирувчининг тўлиқ таъминотида бўлганлиги ёки ундан олиб турилган моддий ёрдам унинг ҳаёт кечириши учун асосий ва доимий манба бўлганлиги факти аниқланиши лозимлиги, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, иш (хизмат) жойи маъмурияти, ижтимоий таъминот бўлимни томонидан берилган ҳужжатлар, шунингдек гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқланиши мумкинлиги кўрсатилган.**

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти тегишли далиллар билан тасдиқланмаган ҳолда суд томонидан мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик фактини тасдиқлаш тўғрисидаги талаб рад этилади.

СУД АМАЛИЁТИ

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти тегишли далиллар билан тасдиқланмаганлиги даъвогарнинг мерос қолдирувчи қарамоғида бўлганлик фактини тасдиқлаш тўғрисидаги даъво талабини рад этишга асос бўлган.

Даъвогар А.Кенжаева фуқаролик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар К.Минаевани уй-жойдан чиқаришни сўраган.

К.Минаева жавобгарлар А.Кенжаева ва нотариал идорасига нисбатан қарши даъво ариза бериб, А.Кенжаева номига берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳукуқни тасдиқловчи гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ва мерос қолдирувчи Т.Кенжаев билан эр-хотинлик муносабатида бўлганлик фактини тасдиқлаш тўғрисидаги талабларни қўйган.

Иш кўрилиши жараёнида К.Минаева эр-хотинлик муносабатида бўлганлик фактини тасдиқлаш тўғрисидаги талабини ўзгартириб, мерос қолдирувчи Т.Кенжаевнинг қарамоғида бўлганлик фактини тасдиқлашни сўраган.

Аниқланишича, Н.шаҳар, Ойбек кўчасида жойлашган 23-уйнинг 45-квартираси мулк ҳукуқи асосида мерос қолдирувчи Т.Кенжаевга тегишли бўлган. 2009 йилдан бошлаб 2013 йил 10 февралга қадар Т.Кенжаев К.Минаева билан шаръий никоҳда бўлиб, мазкур хонадонда бирга яшаб келишган. Т.Кенжаев оғир касалликка чалинганлиги сабабли 2013 йилнинг 10 февраляда вафот этган.

Мазкур уй-жойга нисбатан Т.Кенжаевнинг опаси А.Кенжаева номига нотариал идора томонидан қонун бўйича меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилган.

Низоли уй-жойда К.Минаева яшаб келаётгандиги ва хонадонни бўшатмаганлиги сабабли, тарафлар ўртасида низо келиб чиқсан.



К.Минаева ўз талабини ўзгартириб, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик фактини тасдиқлаш тўғрисидаги талабини асослаш мақсадида Т.Кенжавининг қарамоғида бўлиб, ҳеч қаерда ишламаганлиги, пенсия олмаганлиги, фарзандлари ҳам унга ёрдам бермаганлиги, фақат Т.Кенжав ўзи ишлаб оиласа қараганлиги тўғрисидаги важларни келтириб, мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик фактини тасдиқлашни сўраган.

Бироқ К.Минаева мерос қолдирувчи билан эр-хотинлик муносабатида бўлганлик фактини тасдиқлаш тўғрисидаги дастлабки талабини асослантиришда мерос қолдирувчи Т.Кенжав билан 2009 йилдан бошлаб 2013 йилнинг 10 февралгача шаръий никоҳда бўлганлиги, Т.Кенжав оғир касал бўлганида унга доимий равишда қараб келганлиги, мерос қолдирувчининг даволаниши ҳамда уни дафн этиш билан боғлиқ харажатларни тўлиқ ўзи кўтартганлиги, бу харажатларни қоплаш учун қизи ҳам чет элдан пул юбориб турганлиги, Т.Кенжавнинг қариндошлари бу масалада ёрдам бермаганлиги тўғрисидаги важларни келтирган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига кўра мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирiga тегиши лозим бўлган улушнинг камиди ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.

Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийидir.

Шунга эътибор бериш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1143-моддасига кўра васиятнома ёки қонун бўйича эрга (хотинга) тегишли бўлган ворислик ҳуқуқи унинг мерос қолдирувчи билан никоҳдаги ҳолатига боғлиқ бошқа мулкий ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳда бўлиб, биргалиқда ортирилган мол-мулкнинг муайян қисмига нисбатан бўлган мулк ҳуқуқига дахл қилмайди.



§ 3.2. Қонун бўйича меросхўрларнинг навбати

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1144-моддасига кўра мол-мулкнинг бир қисми васиятнома бўйича мерос қилиб олинган тақдирда мерос қолдирувчи томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси бутун меросни, шу жумладан унинг қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган қисмини ҳам муҳофаза қилади ва бошқаради.

Ушбу Кодекснинг 1131-моддасига мувофиқ васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд томонидан тайинланган васиятнома ижрочиси, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибида ўтадиган қисмiga нисбатан кўрсатилган мажбуриятларни ижро этиш учун мерос бошқарувчисини тайинлашни талаб қиласалар, умуман бутун меросни муҳофаза қилиш ҳамда уни бошқариш мажбуриятларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1144-моддасига кўра мол-мулкнинг бир қисми васиятнома бўйича мерос қилиб олинган тақдирда мерос қолдирувчи томонидан тайинланган **vasiyatnoma ijrochisi** бутун меросни, шу жумладан унинг қонун бўйича ворислик тартибида ўтадиган қисмини ҳам муҳофаза қилади ва бошқаради.

Ушбу Кодекснинг 1131-моддасига мувофиқ васиятнома бўйича меросхўрлар ёки суд томонидан тайинланган **vasiyatnoma ijrochisi**, агар қонун бўйича меросхўрлар мероснинг қонун бўйича ворислик қилиш тартибида ўтадиган қисмiga нисбатан кўрсатилган мажбуриятларни ижро этиш учун мерос бошқарувчисини тайинлашни талаб қиласалар, умуман бутун меросни муҳофаза қилиш ҳамда уни бошқариш мажбуриятларини амалга оширади.

Меросни бошқарувчи қонун бўйича меросхўрлардан бир ёки бир нечтасининг илтимосига биноан мерос очилган жойдаги нотариус томонидан тайинланади. Меросни бошқарувчи тайинланишига ёки бу иш учун танланган номзодга рози бўлмаган қонун бўйича меросхўр меросни бошқарувчи тайинланишига қарши судга мурожаат этишга ҳақли.



ҚОНУН БҮЙИЧА МЕРОСХҮРЛАРНИНГ ВОРИСЛИККА ЧАҚИРИЛИШ НАВБАТИ

МЕРОС
ҚОЛДИРУВЧИ

1



Ота-онаси



Турмуш ўртоғи

Фарзандлари, мерос
қолдирувчининг вафотидан
сўнг туғилган фарзандлариНеваралари
ва авлодлари*

Тақдим этиш ҳуқуки бўйича

2



Буваси, бувиси



Акаси/Опаси, Укаси/Синглиси



Жиянлари*

Тақдим этиш ҳуқуки бўйича

3

Тұғишиган
амакаси / тоғасиТұғишиган
аммаси / холаси

Тақдим этиш ҳуқуки бўйича

Аммавачаси / Холавачаси
Амакивачаси / Тофавачаси*


4

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача
(олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари

Мехнатга қобилиятсиз боқимлари**

* Тақдим килиш ҳуқуки бўйича
ворислик қонун бўйича меросхўр
мерос очилгунга қадар вафот этган
такдирда унга тегишиلى улуш унинг
авлодларига ўтишини назарда тутади
(ФК 1140-моддаси)

** Мерос қолдирувчининг вафотига кадар камиди бир йил унинг қарамоғида
бўлган ва у билан биргаликда яшаган мехнатга қобилиятсиз шахслар қонун
бўйича меросхўрлар жумласига киради. Қонун бўйича бошқа меросхўрлар
бўлган тақдирда меҳнатга қобилиятсиз боқимлар ворисликка чакрилаётган
навбатнинг меросхўрлари билан биргаликда мерос оладилар (ФК 1141-
моддаси)






Агар қонун бўйича меросхўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи **меросни бошқарувчи** тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим. Қонун бўйича меросхўрлар ҳозир бўлганлари тақдирда уларнинг талаби билан меросни бошқарувчи мерос ҳисобидан зарур бўлган харажатлар ва оқилона ҳақ тўланган ҳолда чақириб олиниши мумкин.

Меросни бошқарувчи ушбу Кодекснинг 1131-моддасида назарда тутилган ваколатларни, агар қонун бўйича ворислик хусусиятларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, васиятномани ижро этишга нисбатан амалга оширади.

Меросни бошқарувчи меросни муҳофаза қилиш ва уни бошқаришга доир зарур харажатларни мерос ҳисобидан ундириш, агар меросхўрлар билан келишувида бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳақ ҳам олиш ҳуқуқига эгадир.



IV БОБ МЕРОСНИ ЭГАЛЛАШ



§ 4.1. Меросга бўлган ҳуқуқни расмийлаштириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1145-моддасига мувофиқ меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан унга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1146-моддасида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш тартиби белгиланган. Мазкур моддага кўра мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

ЎЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

Ўлим ҳақидаги гувоҳнома шахснинг ўлимини ва унинг ҳуқуқий лаёкати тутатилганинги тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади

Ўлим ҳақида гувоҳнома бериш учун асос:

- ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома;
- суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Ким мурожаат қилиши мумкин:

Мархумнинг қариндошлари ва яқин кишилари, шунингдек тиббий муассаса маъмуряти

Мурожаатга илова қилинадиган ҳужжатлар:

- ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома;
- мархумнинг паспорти, ҳарбий билети, 16 ёшгача вафот этганларнинг эса – түғилганлик ҳақида гувоҳномаси

Мурожаат қилиш муддати:

Ўлимни қайд этиш тўғрисидаги ариза ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома берилгандан кейин 3 кундан кечикмай берилиши керак



Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради. Гувоҳномалар қонун хужжатларида белгиланган муддатларда берилади.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 59-моддаси иккинчи қисмига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргалиқда ёки уларнинг хоҳишига боғлиқ равишда ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

Нотариуслар вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш учун уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида меросхўрлар яшаётган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органларига хабар қиласди.

Мол-мулк ворислик ҳуқуқи бўйича давлатга ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтган тақдирда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

Мерос расмийлаштириш учун қуийдаги хужжатлар талаб қилинади:

- мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома;
- мерос қолдирувчининг турмуш ўртоғи билан никоҳи ҳақидаги гувоҳномаси;
- мерос қолдирувчи фарзандларининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари;
- мерос қолдирувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;
- мерос қолдирувчининг ота-онаси марҳум бўлса, ўлими ҳақидаги гувоҳномаси;
- мерос қолдирувчининг охирги яшаш жойи (прописка) тўғрисидаги маълумотнома;
- мерос мулки мерос қолдирувчига тегишли эканлигини тасдиқловчи хужжатлар;



- мерос мулки кўчмас мулк бўлган тақдирда кадастр хизматидан маълумотнома, уй дафтари ёки Форма-17;
- мерос мулки автотранспорт воситаси бўлган тақдирда, автомашинага тегишли техник паспорти, автомашинани баҳолаш далолатномаси;
- Давлат солиқ органларидан ИНН маълумотномаси;
- меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш тўғрисидаги ариза.

Ўлимни қайд қиладиган органлар:

- марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги ФХДЁ органи
- фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги суд жойлашган ердаги ФХДЁ органи
- марҳум яшаб турган ёки ўлим содир бўлган жойдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси (чет элда вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари)
- ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳномада кўрсатилган тибиёт муассасасига яқинроқ жойдаги ФХДЁ органи ёки марҳумнинг доимий яшаган жойидаги ФХДЁ органи (темир йўл ёки автомобиль транспортида содир бўлган ўлим)
- ҳаво кемаси қўнган жойдаги ёки денгиз кемаси тўхтаган портдаги ФХДЁ органи (ҳаво ёки денгиз кемасида содир бўлган ўлим)

Ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома берадиган органлар:

- тиббий муассасада ўлим ҳоллари юзага келганда – тиббий муассаса томонидан берилади
- зўраки ўлим ёки унга гумон бўлган ҳолларда ўлим сабаби аниқланishi суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан амалга оширилганда – суд-тиббий экспертиза бюроси томонидан берилади
- тиббий муассасадан ташқари жойларда ўлим содир бўлган ҳолларда мурданинг патологоанатомик текшируви ёки суд-тиббий экспертизаси ўтказилиши талаб қилинmasa (марҳум диспансер назоратида турганда ўлимнинг аниқ ташхиси маълум бўлганда) – худуд шифокори томонидан берилади

Ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома олиш учун ким мурожаат қилиши мумкин:

Ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома марҳумнинг қариндошлари ёки яқин кишилари, тиббий муассаса маъмурияти ва бошқа манбаатдор шахсларга берилиши мумкин



“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 60-моддасида қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришнинг шартлари белгиланган.

Мазкур моддага кўра нотариус, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жой ва вақтни, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб ариза топширган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қонун бўйича ворисликка чақириш учун асос бўладиган муносабатлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, мерос мол-мulkning таркиби ва жойини текшириб кўради.

Агар қонун бўйича меросхўрларнинг бири ёки бир нечтаси ворисликка чақиришга асос бўладиган муносабатлар мавжудлигини исботлайдиган хужжатларни тақдим этиш имкониятига эга бўлмаса, улар меросни қабул қилиб олган ва тегишли исботларни тақдим этган бошқа барча меросхўрларнинг ёзма розилиги билан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага киритилиши мумкин.

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 61-моддасига мувофиқ нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, васиятноманинг бор-йўқлигини, мерос очилган вақт ва жойни, мерос мол-мulkning таркиби ва жойини текширади.

Нотариус меросдан шак-шубҳасиз улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини ҳам аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 30 марта 2090-сон билан рўйхатга олинган **“Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”**ги Йўриқноманинг 239-бандига кўра нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мulkни таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришда ушбу Йўриқнома талабларига риоя қилинмаганлиги суд томонидан мазкур гувоҳноманинг ҳақиқий эмас деб топилишига асос бўлиши мумкин.



СУД АМАЛИЁТИ

Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида қонун бўйича меросхўрлар доираси аниқланмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 30 марта 2090-сон билан рўйхатга олинган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талаблари бажарилмаганлиги қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлган.

Камол Темиров жавобгар Тохир Турдиев ва бошқаларга нисбатан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Аниқланишича, Е.Турдиев ва Б.Алланиязова турмуш қуриб, бирга яшаган, биргаликдаги турмушларидан Маҳмуд, Юсуф, Тоҳир исмли фарзандлари бор. Бундан ташқари, Б.Алланиязованинг биринчи турмушидан туғилган Камол исмли фарзанди бор.

Е.Турдиев 1974 йил 25 июня, Б.Алланиязова 2008 йил 16 февралда вафот этганлар.

Н.шаҳар ҳокимининг 2013 йил 26 августдаги қарорига асосан Н.кўчасида жойлашган 68-үйга нисбатан Б.Алланиязованинг эгалиги белгиланган.

2013 йил 20 сентябрда давлат нотариал идораси томонидан мерос мулки бўлган уйга нисбатан Т.Турдиева меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра мерос қолдирувчининг болалари (шужумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳукуқига эга бўладилар.

Нотариус томонидан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида Фуқаролик кодексининг 1135-моддаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 30 марта 2090-сон билан рўйхатга олинган “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Йўриқноманинг 239-банди талаблари бажарилмаган, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида қонун бўйича меросхўрлар доираси аниқланмаган ва гувоҳнома беришда мерос қолдируви Б.Алланиязованинг ўғли К.Темиров ҳисобга олинмаган.

Шунга кўра, туманлараро судининг ҳал қилив қарори билан даъво қаноатлантирилиб, давлат нотариал идораси томонидан 2013 йил 20 сентябрда берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топилган.

“Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 52-моддасига мувофиқ, мерос очилган жойдаги нотариус, башарти қонун бўйича меросхўрларнинг ёки васият мажбурияти юзасидан ҳуқук олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки



ўз ташаббуси билан мерос мол-мulkнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

Агар қонун бўйича меросхўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса, маҳаллий давлат ҳокимиюти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи **меросни бошқарувчи** тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим.

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга мерос мол-мulkнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ юборади.

Мерос мол-мulkнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади.

Мерос мол-мulkни кўриқлашга доир ишларни амалга ошириш жараёнида нотариус ушбу мол-мulkнинг кўриқланишини таъминловчи қуийдаги чора-тадбирларни кўради:

- мерос очилган жойни аниқлайди;
- яшаш жойи маълум бўлган меросхўрларни мерос очилганилиги ҳақида ва мол-мulkнинг рўйхатта олиниши тўғрисида хабардор қилади;
- ўлим фактини тасдиқлаш учун ўлим ҳақидаги гувоҳномани ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмани талаб қилади, гувоҳноманинг нусхаси мерос ишида қолдирилади;
- мерос мол-мulkни кўриқлашга дастлабки чора-тадбирлар кўрилган ёки кўрилмаганлигини, агар кўрилган бўлса, унда бу чора-тадбир ким томонидан кўрилганлигини, мерос қолдирувчининг мол-мулки турган хона (хоналар) муҳрланганлигини, бу хонанинг (хоналарнинг) калити кимдалигини аниқлайди;
- мерос бўлиб қолган мол-мulkни рўйхатга олиш тўғрисида меросхўрлар ёки бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилади.

Мерос қолдирувчи билан биргалиқда яшаб келаётган меросхўрлар ёки бошқа шахслар ўз хоҳишлари билан рўйхатга олиш учун мол-мulkни тақдим этган тақдирдагина, нотариус ушбу мол-мulkни рўйхатга олади.

Агар мерос қолдирувчи билан биргалиқда яшаб келаётган меросхўрлар ёки бошқа шахслар мол-мulkни рўйхатга олишга



қаршилик қилишса, нотариус мол-мulkни хатлаш учун тақдим этишдан бош тортганлик тўғрисида далолатномани тузади ва меросхўрларни бу ҳақда хабардор қилади, уларга бу масала юзасидан даъво билан судга мурожаат этиш ёки даъвони таъминлаш мақсадида суд тартибида мол-мulkни рўйхатдан ўтказиш ҳукуқларини тушунтиради.

Агар рўйхатга олиш учун жойига чиқилганда рўйхатга олиниши лозим бўлган мол-мulk мавжуд бўлмаса ва меросхўрлар ёки бошқа шахслар томонидан олиб кетилган бўлса, нотариус мол-мulk мавжуд эмаслиги тўғрисида ёки мол-мulk олиб кетилганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва бу ҳақда меросхўрларга ёки бошқа манфаатдор шахсларга хабар беради, уларнинг бузилган ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва мол-мulkни қайтариш талаби билан ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиш ҳукуқини тушунтиради.

Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги аризалар нотариуслар ёки шаҳар (қишлоқ, овул) фуқаролар йигини раислари (оқсоқоллари) ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан тегишли тартибда шаҳодатлантирилган бўлиши лозим.

Меросхўр шахсан ўзи мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорага келиб, аризани тақдим этган ҳолда унинг имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш талаб қилинмайди. Бу ҳолда нотариус меросхўрнинг шахсини аниқлайди ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, қачон ва ким томондан берилганинги ва туғилган йилини кўрсатади.

Агарда ариза почта орқали келиб тушган, меросхўрнинг имзоси ҳақиқийлиги шаҳодатланмаган бўлса ҳам ариза нотариус томонидан қабул қилинади, меросхўрга эса аризани нотариус ёки шаҳар (қишлоқ, овул) фуқаролар йигини раислари (оқсоқоллари) ва Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ҳолда юбориш ёки давлат нотариал идорасига шахсан келиши ҳақида хабарнома юборилади.

Меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни сўраб давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этган марҳум эрдан (хотиндан) кейин бева қолган хотинига (эрига) Оила кодексининг 23-моддаси ва “Нотариат тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддаси (агар мулк мерос қолдирувчи билан биргалиқдаги никоҳ давомида ортирилган бўлса) мазмуни тушунтирилади, бу ҳақда мерос



қабул қилиш ҳақидаги аризага белги қўйилади. Ариза почта орқали келганда, марҳум эрдан (хотиндан) кейин бева қолган хотинга (эрга) юқорида қайд этилган моддалар мазмуни тушунтирилган хабарнома юборилади.

Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулки таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатлари туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгиловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ва мерос очилган вақт мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар билан тасдиқланади.

Нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома бериш пайтида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, васиятноманинг мавжудлигини, мероснинг очилган вақти ва жойини, мерос мол-мулкининг таркиби ва у жойлашган жойини, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бериш вақтида васиятноманинг бекор қилинмаганлиги текширилади.

Васиятномада унинг бекор қилинмаганлиги ҳақида белги қўйилганлигидан қатъи назар, нотариусда шубҳа туғилган тақдирда васиятноманинг бекор қилинмаганлиги қайта текширилади.

Омонатни банк муассасаларига қўйган омонатчи ўзининг вафотидан кейин омонатларини бошқа шахсларга бериш ёки давлатга ўtkазиш ҳақида васият қолдирган бўлса ва бу омонат Фуқаролик кодексининг 18-бобида ёки Оила кодексининг 23-моддасида белгиланган умумий биргаликдаги мулкни ташкил этса, омонатчининг васияти фақатгина ўзининг улушига нисбатан татбиқ қилинади.



Банкларда сақланаётган омонатга васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома беришда Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси қоидалари қўлланилади.

Агар васиятнома бўйича меросхўрлар мажбурий улушга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани олишга қаршилик қилишса, нотариус уларнинг судга мурожаат этиш ҳуқуқларини тушунтиради ва мажбурий улушга гувоҳноманинг берилишини ўн кундан ошмаган муддатга кечикитиради.

Агар васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномада мерос қолдирувчи билан (меросхўрларнинг хоҳиши бўйича) меросхўрларни қариндошлик ёки бошқа муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қиласи.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани беришда меросхўрлар томонидан тақдим этилган васиятноманинг асл нусхаси ёки дубликати давлат нотариал идорасида қолдирилади.

Васият қилувчи уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ўтадиган меросхўрга бу уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини умрбод фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш мажбуриятини юклашга ҳақли.

Мазкур мажбурият нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномада ёзиз қўйилади.

Агар мерос мулки таркибига уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми, корхона ёки бошқа кўчмас мол-мулк кирса, нотариус мерос қолдирувчига ушбу мол-мулк мулк ҳукуки асосида тегишилигини тасдиқловчи ҳужжатни, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси худудий бўлинмасининг маълумотномасини талаб қиласи, шунингдек кўчмас мулк жойлашган жойи бўйича давлат нотариал идора томонидан ушбу мулк тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлигини текширади.

Агар мерос таркибига кирадиган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушли мулкига айланади.

Мерос мол-мулки таркибида автомототранспорт воситалари мавжуд бўлса, нотариус мерос қолдирувчига ушбу автомототранспорт воситаси мулк ҳукуки асосида тегишилигини тасдиқловчи ҳужжатни текширади ва унинг нусхасини мерос ишига тикиб қўяди. Ушбу



автомототранспорт воситаси тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлиги текширилади.

Агар мерос мулки таркибига ов милтиғи кирса, бунда нотариус ишлар органлари томонидан мерос қолдирувчига ушбу милтиқни сақлаш учун берилган рухсатномани ва овчи билетини меросхўрдан талаб қиласи.

Акциядорлик жамияти акциядорларининг мерос мол-мулки таркибига уларга тегишли бўлган акциялар киради.

Хўжатсиз шаклдаги қимматли қоғозларга мулк ҳуқуқи тегишли депозитарийлардан олинган депо ҳисобварағининг кўчирмасига асосан тасдиқланади.

Мерос олиш тартибида нафакат қимматли қоғозлар тури сифатида акциялар, балки тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, кўшимча масъулиятли ёки масъулияти чекланган жамият иштирокчисининг, ишлаб чиқариш кооперативи аъзосининг (иштирокчи, ҳисса қўшувчи, коммандитчининг) улуши (ҳиссаси) кирса, бунда тегишли ширкат, кооператив, жамиятдаги ушбу иштирокчининг (аъзонинг) устав фондидаги (капиталидаги) улуши (ҳиссаси) ҳам киради. Ушбу ҳуқуқларга мерос қолдирувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигининг далили сифатида тегишли ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ёки бу ҳақда меросхўрлар томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатлар хизмат қиласи. Меросхўрларда ушбу исботловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, нотариус кўрсатилган ташкилотларнинг мансабдор шахсларидан тегишли ҳужжатларни олишда кўмак бериши лозим.

Меросхўрлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар текширилгандан кейин уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжалиқда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганини учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг бошлиғи



вафот қилган тақдирда ижарага олиш шартномасини янги муддатта узайтириш ҳуқуқига унинг меросхўри эга бўлади.

Банқда (бошқа кредит ташкилотида) сақланаётган омонат, мерос берувчининг номидаги қимматли қоғозлар мавжудлигини тасдиқлашда нотариус меросхўрлардан омонат дафтарчасини (банк омонати шартномасини ёки омонат мавжудлигини исботловчи бошқа тегишли ҳужжатни), қимматли қоғозларга нисбатан эса ташкилотнинг қимматли қоғозларининг маъсус реестр юритувчиси – депозитарийнинг маълумотномасини талаб қиласи. Омонат дафтарчалари нусхалари ва маълумотномалар мерос ишига бириктирилган бўлиши керак.

Агар мерос мол-мулкка нисбатан тақиқ ва хатлов қўйилган бўлса, тақиқ ва хатлов олиб ташланмагунга қадар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш тўхтатиб турилади.

Кўчмас мулк бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада у жойлашган манзил бўйича «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси ҳудудий бўлинмасида, автомототранспорт воситаларига нисбатан эса ДИҲХХ органларида ўн кун муддат ичида давлат рўйхатидан ўтиши лозимлиги матнда кўрсатилади ҳамда нотариус томонидан тушунтирилади.

Меросхўрларнинг хоҳишига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома уларнинг ҳар бирiga алоҳида ёки уларнинг ҳаммасига битта берилади.

Вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ҳақида нотариус уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун меросхўрларнинг доимий прописка қилинган манзили бўйича васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беради.

Маълум мерос мулкига ёки мерос мулкининг маълум бир қисми бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганда келгусида аввалги гувоҳномада кўрсатилмаган бошқа мерос мулкларига ёки мерос мулкининг маълум бир қисми бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги кўшимча гувоҳномалар берилади.

Бошқа мулкка кўшимча меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳолатида илгари берилган гувоҳномага киритилмаган меросхўрлар келганида улар ҳам мерос қабул қилган меросхўрларнинг ёзма равишдаги розилиги билан кўшимча мулк бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага киритилишлари мумкин.



Баъзи бир меросхўрларнинг улушлари ҳал этилмаганда, гувоҳномада ҳал этилмаган улуш миқдори кўрсатилади.

Мерос таркиби бир нечта мол-мулклардан иборат бўлган ҳолларда, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш вақтида Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига асосан меросхўрларнинг талабига ва уларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларига мувофиқ нотариус улар ўртасида мерос мулкини тақсимлаш шартномасини расмийлаштириши мумкин. Келишувга эришилмаган тақдирда эса мерос мулкини бўлиш суд тартибида амалга оширилади.

Эр-хотиннинг ёзма аризасига мувофиқ улардан бирига ёки ҳар иккисига никоҳ давомида ортирилган умумий мол-мулқдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома нотариус томонидан берилади.

Үй-жойга (уй-жойнинг бир қисмига), квартирага, дала ҳовлига, боф ҳовлига, гаражга, шунингдек бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома шу мол-мулклар жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома эр-хотиннинг мавжуд умумий мулки ҳисобланган мулкигагина берилади.

МЕРОС ОЛИШДА ЭР (ХОТИН)НИНГ УЛУШИ

Эр-хотиннинг турмуш ўртоғи вафотидан кейин мерос олишининг ўзига хос хусусиятлари

Эр ёки хотин вафот этганда вафот этган шахснинг мероси таркибига эр-хотиннинг биргаликда ортирилган мулклардаги тегишли улушигина киради.
(ЎЗР ФК 1143-моддаси)

Эр ёки хотин вафот этганида тирик қолган хотин ёки эрга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома эмас балки эр-хотиннинг умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади.
(ЎЗР "Нотариат тўғрисида"ги Қонунининг 63-моддаси)

Нотариус эр-хотиннинг умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномани бериш пайтида никоҳ тузилганлигини тасдиқловчи хужожатни талаб қиласади.

Улушига гувоҳнома берилаётган мулкнинг таркибига кўчмас мулк, автомототранспорт воситалари ва маҳсус ҳисобда турадиган (рўйхатга



олиниши керак бўлган) бошқа мулк кирган тақдирда, нотариус ушбу мулк эр-хотиннинг умумий мулки эканлигини текширади.

Кўчмас мулкка ва (ёки) автомототранспорт воситаларига мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш пайтида «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси худудий бўлинмасининг маълумотномаси ва (ёки) транспорт воситасининг қайд этиш гувоҳномаси талаб қилинади.

Нотариус эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берганлиги ҳақида мулк ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатга ёзиб қўяди.

Эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эр(хотин)дан кейин хотин (эр)нинг ёзма аризасига кўра мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу хусусда хабардор қилинади.

Хабарномада эр-хотиннинг улушкига мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши сўралаётган умумий мулк кўрсатилади, мазкур шахснинг мулк талаб қилиши бошқа меросхўр томонидан рад этилган тақдирда ушбу масала бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Хабарнома почта орқали юборилади. Меросхўрлар нотариал идорага келгандарида эса нотариус уларни ўз ҳиссасини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг ёзма аризаси билан таниширади. Бошқа меросхўрлар ўз ҳиссасини талаб қилаётган эр ёки хотиннинг аризасига рози бўлсалар, бу ҳақда шу аризага имзо қўядилар.

Эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома марҳум эр (хотин)дан кейин хотин (эр)га никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкнинг ярмиси учун берилиши мумкин.




1-МИСОЛ

Фуқаро А. Никитин 2016 йилнинг 15 августида вафот этган,
турмуш ўртоғи А. Никитина ва 2та фарзанди бор.
А. Никитиннинг онаси ҳаёт. Меросхўрлар 4 киши.



А. Никитиннинг мероси қўйдагича тақсимланади



Меросни қабул қилиб олган меросхўрларнинг ёзма аризасига кўра ва марҳум эр (хотин)дан кейин хотин (эр)нинг розилиги билан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада вафот этган эр (хотин)нинг ҳам умумий мол-мулқдаги улуши белгиланиши мумкин.



Эр хотиннинг умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома матнида мол-мулкнинг тўлиқ тавсифи кўрсатилади.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрлар орасида вояга етмаганлар бўлган тақдирда вафот этган шахснинг эри ёки хотинига умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома вояга етмаганларнинг доимий уй рўйхатида турган манзили бўйича васиийлик ва ҳомийлик органининг ёзма розилиги билан берилади.


2-МИСОЛ

Фуқаро Аваз Абдулов 2015 йил 15 августда вафот этган. А.Абдуловнинг турмуш ўртоғи Б.Каттаева билан 2ta фарзанди бўлган. Ушбу фарзандларидан биттаси 2010 йилда вафот этган. Вафот этган фарзандининг ўғли бор (А.Абдуловнинг невараси). А.Абдуловнинг ота-онаси вафот этган.

Меросхўрлар 3 киши.



А. Абдуловнинг мероси қўйдагича тақсимланади





Эр ёки хотинга уларнинг умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш пайтида улардан бирининг ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирма, унинг вафот этган шахс билан никоҳда бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат, эр-хотин мулкни никоҳ давомида орттирилганликларини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади.

Уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмига, автомототранспорт воситасига нисбатан берилган эр-хотиннинг умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномага «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси худудий бўлинмасида ДИХХХ органларида рўйхатга олиниши ҳақида ёзиб қўйилиши лозим.

§ 4.2. Меросдан воз кечиш

Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади.

Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати маҳсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккалasi бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишга ҳақли. Бу ҳолда меросдан воз кечишга қонунда белгиланган муддатда йўл қўйилади.

Меросхўр улушнинг ортиши ҳуқуқи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан, мероснинг қолган қисмига ворисликдан қатъи назар, воз кечишга ҳақли. Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечаетганини кўрсатишга ҳақли.

Васият мажбуриятини қабул қилиб олишдан воз кечиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1149-моддасида белгиланган. Мазкур моддага кўра васият мажбурияти юзасидан ҳуқук олувчи васият мажбуриятидан воз кечишга ҳақли. Қисман воз кечишга,



изоҳотлар билан, шартлар қўйиб ёки бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқ айни бир пайтнинг ўзида ҳам меросхўр, ҳам васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ҳисобланган шахснинг меросдан воз кечиш ҳуқуқига боғлиқ бўлмайди.

Агар васият мажбуриятини қабул қилиб олувчи ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлса, зиммасига васият мажбурияти юклатилган меросхўр бу мажбуриятни бажаришдан озод бўлади.

Меросхўр меросдан воз кечиш учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёки уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ йўқотади.

Меросдаги мажбурий улушдан воз кечиш ҳеч бир шартсиз бўлиши лозим. Бошқа шахслар фойдасига мажбурий улушдан воз кечиша йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда мерос мол-мулки васиятномада кўрсатилган меросхўрларга васиятнома бўйича ўтади.

§ 4.3. Ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1151-моддасида ҳозир бўлмаган меросхўрларнинг ҳуқуқлари белгиланган.

Агар меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси) ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка чақириш юзасидан зарур чораларни кўришлари шарт.

Агар турган жойи аниқланиб, мерос олишга чақирилган-у, лекин ҳозир бўлмаган меросхўр меросдан воз кечмаган бўлса, қолган меросхўрлар меросни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан уч ой ичida қолган меросхўрларни меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувда иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса, қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга



тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар мерос тақсимотини ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари бўйича амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ҳомила бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушкини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотида чақалоқнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органининг вакили тақлиф этилиши лозим.

§ 4.4. Мероснинг тақсимланиши

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига мувофиқ меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суд тартибида амалга оширилади.

Ушбу модданинг қоидалари барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.



З-МИСОЛ

Фуқаро Аваз Абдиев 2016 йилнинг 15 августида вафот этган. А.Абдиевнинг биринчи никохидан 1та фарзанди бор. Ушбу никоҳ бекор қилинган. А.Абдиевнинг турмуш ўртоғи Баҳор Каттаева билан 2та фарзанди бор.



А. Абдиевнинг мероси қўйдагича тақсимланади





§ 4.5. Имтиёзли ҳуқуқ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1153-моддасида айрим меросхўрларнинг мерос таркибига кирадиган мол-мулкка нисбатан имтиёзли ҳуқуқи белгиланган.

Мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа тураг жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Мерос қолдирувчи билан мол-мулкка нисбатан умумий мулк ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан умумий мулк бўлган мол-мулкни асл ҳолида олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган имтиёзли ҳуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида қатнашаётган бошқа меросхўрларнинг мулкий манфаатларига риоя этилиши лозим. Агар мазкур ҳукукларни амалга ошириш натижасида меросни ҳосил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли ҳукуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим.

САВОЛ

Акам ва сингилларим ота-онамиз ҳаётлик пайтида турмуш қуриб, алоҳида рўзғор қилиб чиқиб кетишган. Мен ота-онам билан улар ҳаётининг охирги кунига қадар бирга яшаб келдим.

Биз жами 5 нафар фарзандмиз, айни пайтда мерос уйни бўлиш юзасидан орамизда низо мавжуд. Акам ва сингилларимга ўзларининг уйлари борлигини, уйни бешга бўлиш имконияти йўқлигини тушунтира олмаяпман. Ота-онам уларг мен қараганимни ҳам инобатга олишмаяпти. Менга акам уйни мен оламан, улушингни пулда бераман, демоқда. Менинг бошқа уй-жойим йўқ, мен нима қилишим керак?

ЖАВОБ

Ўзбекистон Республикаси ФК 1153-моддаси талабига кўра, мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар мерос тақсимланишида мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа тураг жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Низони ҳал этишда Сиз ушбу қонун нормасида қайд этилган имтиёзли ҳуқуқингиздан фойдаланишингиз мумкин. Бунда Сиз қолган меросхўрларга уларга тегиши лозим бўлган мерос мулкнинг қийматини тўлашингиз лозим бўлади.



§ 4.6. Эгасиз қолган мол-мулк

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига кўра, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳукуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

СУД АМАЛИЁТИ

Мерос мол-мулк мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилиши мумкин.

Н.шаҳар,А.Навоий қўчасидаги 54-ўй фуқаро А.Сидоровга тегишли бўлиб,у 2011 йил 15 апрелда вафот этган.

Унинг вафотидан кейин қолган юқорида кўрсатилган мол-мулкка нисбатан меросхўрлар топилмаганлиги сабабли,мазкур хонадон қаровсиз қолиб кетган.

2015 йилнинг май ойида Н.шаҳар ҳокимлиги судга ариза билан мурожаат қилиб, марҳумга тегишли уйда 2011 йил 15 апрелдан бошлаб ҳеч ким яшамаётганлиги,ушбу мол-мулк эгаси А.Сидоров вафот этганидан сўнг унинг меросхўрлари топилмаганлиги,бугунги кунда хонадон қаровсиз қолиб кетганлиги сабабли мазкур уйни эгасиз мулк деб топишни сўраган.

Судда марҳум А.Сидоровнинг ҳаётда бирон-бир қариндоши мавжуд эмаслиги, уйжойда ҳеч ким рўйхатда турмаслиги аниқланган.

Суд юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб,Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1157-моддасини кўллаб,шахар ҳокимлигининг аризасини қаноатлантириш ва юқорида кўрсатилган мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги хulosага келган.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулқдан воз кечган тақдирда давлат мулкига ўтади.


Эгасиз мол-мулкни қўриқлаш ва бошқариш фуқаролик процессуал Кодексининг 1144-моддасига мувофиқ амалга оширилади.



Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш хақидаги фуқаролик иши ФПК 298–300-моддаларида назарда тутилган қоидалар бүйича алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади.

Бундай ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида эгасиз мол-мулк таркиби ва у кимнинг эгалигига ўтиши тўғрисида аниқ кўрсатилиши лозим.

Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори устидан марҳумнинг мероссхўри томонидан умумий тартибда шикоят берилиши мумкин.



В БОБ
МЕРОСНИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШ БҮЙИЧА
ХАРАЖАТЛАР





§ 5.1. Меросни қабул қилиш бўйича харажатлар

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XVII-бўлими, Фуқаролик процессуал кодексининг ўнинчи боби, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли «Давлат божи ставкалари тўғрисида»ги ва 1993 йил 19 августдаги 423-сонли «Хорижий валютадаги давлат божлари, йигимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида»ги қарорлари билан тартибга солинади.

Шунингдек, давлат божи ундириш тўғрисидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида”ги 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли қарорида тегишли тушунтиришлар берилган.

Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 326-моддасига кўра давлат божи юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун давлат божи консуллик йигими тариқасида ундирилади.

Юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божи тўловчилари ҳисобланадилар.

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божи қуидагилардан ундирилади:

– биринчи инстанция судига бериладиган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризалардан, даъво аризаларидан, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалардан, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорлари билан боғлиқ ишлар бўйича аризалардан;

– апелляция, кассация шикоятларидан, суд қарорлари устидан назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги аризалардан;

– суд ҳужжатлари нусхаларини берганлик учун.



ДАВЛАТ БОЖИ

Мулкка оид бўлган тусдаги (ёки баҳоланадиган) аризалардан даъво қўймати миқдоридан келиб чиқсан ҳолда

| | | | |
|---|--------------------------------------|--|--|
| Агар даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг | 20 баробаригача бўлса | Давлат божи миқдори | даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида белгиланади. |
| | 20 баробаридан 40 баробаригача бўлса | | даъво баҳосининг 10 фоизи миқдорида белгиланади. |
| | 20 баробаридан 80 баробаригача бўлса | | даъво баҳосининг 15 фоизи миқдорида белгиланади. |
| | 80 баробаридан кўп бўлса | | даъво баҳосининг 20 фоизи миқдорида белгиланади. |
| Судларнинг қарорларига кассация ва назорат шикоятларидан | | Фуқаролик ишини биринчи инстанция судларида кўриш учун белгиланган давлат божи миқдорининг 50% миқдорида белгиланади. | |
| Жиноий иш бўйича фуқаролик даволаридан | | Даъво баҳосининг 10% миқдорида белгиланади. | |

Мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) аризалардан

| | | | |
|---|--|---|---|
| Мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризаларидан (ўй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартериши, ўй-жойларни ижарага олиш шартномасини бекор қилиш, ворисликни қабул қилиш муддатини узайтириш, хатта олинган мулкни қайtариб бериш тўғрисидаги даъво аризалардан) | Энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида белгиланади | | |
| | Алоҳида кўриладиган ишлар бўйича ариза (шикоят)лардан | | Энг кам иш ҳақининг 10% миқдорида белгиланади |
| | Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан | | Энг кам иш ҳақининг 50% миқдорида белгиланади |
| Илк никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан | | Такрорий никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан | |
| Бедарак йўқолганлиги ва руҳий касаллиги ёхуд ақли заифлиги оқибатида белгиланган тартибида қобилиятсиз деб топилган ёки камида 3 йилга озодликдан маҳрум этилган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъво аризаларидан | | Энг кам иш ҳақининг 2% миқдорида белгиланади | |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги
533-сон қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкалари (1-банди)**



Давлат божи ариза, даъво аризаси, шикоят судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган, давлат божи тўлаш кечикирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолларида).

Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланади.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган шаклда давлат божини қабул қилган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланиши керак.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча аризалар бўйича давлат божи бир тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади. Қолган ишларга судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақами кўрсатилган ҳамда тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилади (маълумотнома тузилади).

Тўланиши шарт бўлган давлат божи миқдори аризачи судга мурожаат қилаётган талабнинг хусусиятига (мулкий ёки номулкий) боғлиқ бўлади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи Ставкаларининг 1-бандига мувофиқ белгиланган ставкалар бўйича аниқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи Ставкалари 4-бандининг 3) кичик бандига кўра, нотариуслар васиятномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида давлат божи ундирадилар.

Шунингдек, мазкур банднинг и) кичик бандига мувофик меросга эгалик ҳуқуки хақида гувохнома берганлик учун нотариуслар:

- биринчи навбатдаги ворисларга – мерос суммасининг 0,1 % миқдорида;
- иккинчи навбатдаги ворисларга – мерос суммасининг 0,5 % миқдорида;
- қолган меросхўрларга – мерос суммасининг 2 % миқдорида давлат божини ундирадилар.



Үй-жойлар (үйларнинг бир қисми), квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома беришда мерос тартибида ўтаётган мерос қилинаётган мол-мулк суммаси меросхўрлик тайинланган кунда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг тегишли кадастр ва кўчмас мулк хизмати томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

НОТАРИУСЛАР НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРГАНЛИКЛАРИ УЧУН ТЎЛАНАДИГАН ДАВЛАТ БОЖИ МИҚДОРЛАРИ

Васиятномаларни тасдиқлаганлик учун

Энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида белгиланади

Меросга эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берганлик учун:

| | | |
|-------------------------------|-------------------|----------------------------|
| Биринчи навбатдаги ворисларга | Мерос суммасининг | 0,1% миқдорида белгиланади |
| Иккинчи навбатдаги ворисларга | | 0,5% миқдорида белгиланади |
| Қолган ворисларга | | 2% миқдорида белгиланади |

Изоҳ: Үй-жойлар (үйларнинг бир қисми), квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), шу жумладан хусусийлаштирилган квартиralар (квартиralарнинг бир қисми), дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларга мерос ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома беришда мерос тартибида ўтаётган мерос қилинаётган мол-мулк суммаси меросхўрлик тайинланган кунда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг тегишли кадастр ва кўчмас мулк хизмати томонидан белгиланган баҳолаш маълумотлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Аризачининг талаби мулкий хусусиятга эга бўлган ҳолларда давлат божи миқдори даъвогар томонидан кўрсатиладиган даъво баҳосидан келиб чиқсан тарзда белгиланади ва судья томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 105 ва 106-моддаларига мувофиқ текширилади.

Бир вақтнинг ўзида мулкий ва номулкий характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида, мулкий ва номулкий характердаги аризалар учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади.

Даъво суммаси кўпайтирилганда давлат божининг етишмаётган суммаси даъво миқдорининг кўпайтирилганлиги инобатга олинган баҳосига мувофиқ ундирилиши лозим, даъвогар томонидан даъво



талаблари камайтирилганда эса, давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 337-моддасига кўра, давлат божи қўйидаги ҳолларда умумий асосларда ундирилади:

- қарши даъво аризаларидан;
- учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан.

Суд дастлабки даъвогарни унинг розилиги билан бошқа шахс билан алмаштирганда ёки ишдан дастлабки даъвогар ҳуқуқий ворис билан алмаштирилганда, давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, ишга киришган шахсдан ёки ҳуқуқий ворисдан умумий асосларда ундирилади.

Даъво бир неча даъвогар томонидан биргалиқда бир ёки бир неча жавобгарга нисбатан тақдим этилганда давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқилади ва даъвогарлар томонидан улар қўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Бир даъвогар томонидан бир неча жавобгарга нисбатан даъво тақдим этилганда ҳам, шунингдек судья томонидан бир турдаги бир неча талаб бир иш юритишга бирлаштирилганда ҳам давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиқсан ҳолда ундирилади.

Бирлаштирилган бир ёки бир неча даъво талаблари судья томонидан алоҳида иш юритишга ажратилганда қонунчилик талабларига мувофиқ тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. У алоҳида ажратилган иш юритиш бўйича ҳисобга олинади, бу ҳақда судья томонидан тегишли маълумотнома тузилади ва иш материалларига қўшиб қўйилади.

Суд томонидан илгари кўрмасдан қолдирилган, такроран берилган ариза бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади (ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган ҳоллар бундан мустасно).

Аризани қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш асослари бартараф этилгандан сўнг такроран берилган аризага давлат божи тўланганлиги ҳақидаги дастлабки хужжат илова қилиниши мумкин.

Судга давлат божи тўланмаган ариза келиб тушганда судья аризачи қонун бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган-қилинмаганлигини текшириши шарт.



Агар аризачи қонунга күра давлат божини тұлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тұлашдан озод қилиш ҳақида илтимос мавжуд бўлмаса, судья аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқариши шарт. Ажримда тұланиши лозим бўлган давлат божи суммаси, тұлаш муддати ва Фуқаролик процессуал кодексининг иккинчи қисмида назарда тутилган тұламаслик оқибатлари кўрсатилиши керак.

Агар аризачи қонунга күра давлат божини тұлашдан озод қилинмаган ва аризада уни тұлашдан озод қилиш ҳақида илтимос мавжуд бўлса, судья Фуқаролик процессуал кодексининг 110-моддасига риоя этган ҳолда, уни давлат божини тұлашдан озод қилиш масаласида ажрим чиқаради. Аризачи илтимоси рад этилганда, шу ажрим билан ариза ҳаракатсиз қолдирилади.

Жисмоний шахсни суд харажатларини, шу жумладан давлат божини давлат фойдасига тұлашдан озод қилиш, шунингдек, ҳам жисмоний ва ҳам юридик шахсдан давлат фойдасига ундириладиган бундай харажатларни Фуқаролик процессуал кодексининг 110, 111-моддаларига асосан кечикитириш, бўлиб-бўлиб тұлаш ва миқдорини камайтириш масаласини ҳал қилишда суд уларнинг бу харажатларни умуман, қисман ёки бир йўла тұлашга қурби етмаслигини тасдиқловчи асослар (масалан, иш ҳақи (даромади), банқда маблағи мавжудлиги, унинг эгалигига бўлган мулк сони ва қиймати, вояга етмаган фарзандлари, бошқа боқимандалари борлиги ва ҳ.к. тўғрисида маълумотларнинг) мавжудлигини текшириши лозим.

Давлат божини қайтариш Фуқаролик процессуал кодексининг 119 ва Солиқ кодексининг 342-моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилади. Бож қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тұланган бўлса, шу ортиқча тұланган қисми қайтарилади. Қонунда қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлиқ миқдорда қайтарилиши лозим.

Бож судьянинг ажрими асосида, агар бож бюджетга ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, молия органлари томонидан қайтарилади.

Агар даъвогар божни тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси божни қайтариб бериш учун асос бўлади.

Фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимларга қўйидагилар киради:



– гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

– жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

– Фуқаролик процессуал кодексининг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

– вакил (адвокат) ёрдами учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

– йўқотилган вақт учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

– суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар.

Фуқаролик ишларини кўриш билан боғлиқ чиқимларни қоплаш, қоида тариқасида, тарафлар зиммасига юклатилиши сабабли, судъя ишни суд муҳокамасига тайёрлашда тараф (тарафлар) томонидан Фуқаролик процессуал кодексининг 113-моддасига мувофиқ зарур пул суммаси суднинг депозит ҳисобига киритиш чораларини кўриши лозим.

Қонунда белгиланган чиқимларнинг тараф (тарафлар) томонидан олдиндан киритилмаганлиги гувоҳни, мутахассисни чақириш, жойига бориб кўздан кечириш ҳақида қилинган илтимосномани рад этиш учун асос бўлмайди, агар бу ишнинг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш учун зарур бўлса. Суд томонидан бу мақсадлар учун сарфланган суммалар тарафлардан Фуқаролик процессуал кодексининг 120-моддасида белгиланган талаблар инобатга олинган ҳолда ундирилади.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга харажатларни тўлаш тартиби ва миқдори ҳақида»ги Қонуни билан белгиланган.

Иш бўйича суд харажатларини низода ноҳақ бўлиб чиқсан тараф тўлайди.

Суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш ва уларни давлат фойдасига ундириш Фуқаролик процессуал кодексининг 114–120 - моддалари билан тартибга солинади. Суд ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида тегишли хуносалар қилиши ва, нафақат ундирувга бўлган хуқуқни, балки иш бўйича тарафлар (тараф)дан ундирилиши лозим бўлган аниқ суммани белгилаши ҳамда шу суммани ҳал қилув қарорининг (ажримнинг) хуроса қисмида кўрсатиши лозим.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар томонидан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат



божи қаноатлантирилган даъво суммасига мос тарзда жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса) давлат фойдасига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган бир неча даъвогарлар томонидан бир неча жавобгарларга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божи ҳар бир жавобгардан алоҳида, ундан ундирилган суммадан келиб чиқсан ҳолда давлат фойдасига ундирилади.

Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз даъво талабларидан улар жавобгар томонидан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги оқибатида воз кечганлиги сабабли иш юритиш тутатилган ҳолларда, давлат божи суд ажримига асосан жавобгардан давлат фойдасига ундирилади.

Агар суд томонидан ҳал қилув қарори чиқарилаётганда умумий даъво суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошган суммасидан келиб чиқсан ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Бунда келиб чиқсан фарқ давлат фойдасига даъвогардан, даъво тўлиқ қаноатлантирилганда эса, жавобгардан ундирилади.

Суд, арз қилинган талаблар доирасидан қонунда белгиланган ҳолларда четга чиққанида ҳам давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Даъво қаноатлантирилган ва жавобгарлар зиммасига солидар жавобгарлик юқлатилганда суд жавобгарлардан давлат божини ҳам солидар ундиради. Бу қоида фуқаролик ишини кўриш билан боғлиқ чиқимларни ундиришга ҳам татбиқ этилади, процессуал иштирокчининг талаби билан ва фақат унинг манфаатида амалга оширилган процессуал ҳаракатлар учун қилинган ва бошқа процессуал иштирокчилар томонидан қопланмайдиган харажатлар бундан мустасно.

Мулкка нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда давлат божи суд томонидан мол-мulkning умумий қийматидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.


Бунда мол-мulkning умумий қийматига қуйидагилар кирмайди:

- шахсий ва мулкий суғурта шартномлари бўйича суғурта суммаси;
- Ўзбекистон Республикасининг кредит муассасаларида сақланыётган облигациялар ва омонатлар;



- даромад суммалари (мөхнат ҳақлари), муаллифлик ҳақлари;
- васиятнома ва ҳадя шартномалари бүйича давлат ва юридик шахсларга ўтаётган мол-мулк қиймати;
- Ватанни ҳимоя қилиш, давлат ёки жамият олдидаги бошқа мажбуриятларни бажариш муносабати билан ёки инсон ҳәтини, давлат мүлкини ва ҳуқук тартиботни сақлаш бүйича фуқаролик бурчини бажариш пайтида вафот этган шахслар мол-мулки;
- уй-жой (квартира) ёки уй-жой қурилиш ширкатидаги пай, башарти ворислар шу уй-жой (квартира)да мерос қолдирувчи билан бирга яшаб келишганды, у вафот этган кунга қадар рўйхатдан (пропискадан) ўтишган ва мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётган бўлсалар.

Фуқаролик процессуал кодексининг 214-моддасига кўра суд харажатлари масаласига доир қўшимча ҳал қилув қарори фақат бу масала ҳал қилув қарори чиқариш вақтида ечилмаган ҳолдагина чиқарилиши мумкин.



VI БОБ ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ БҮЙИЧА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ХАЛҚАРО ҚЕЛИШУВ ВА ШАРТНОМАЛАРДА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ



§ 6.1. Ворислик ҳуқуқи бўйича юзага келаётган ҳуқуқий муносабатларнинг халқаро келишув ва шартномалар асосида тартибга солиниши

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1158-моддасида чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик – ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш назарда тутилган.

Чет эл фуқаролари ёки чет эл юридик шахслари иштирокидаги ёхуд чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ ушбу Кодекс, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек тарафларнинг келишуви асосида белгиланади.

Тарафларнинг ҳуқуқни танлашга доир келишуви очик ифодаланган бўлиши ёки бевосита шартнома талабларидан ва ишнинг кўриб чиқилаётган барча ҳолатларидан келиб чиқиши лозим.

Агар ушбу модданинг биринчи қисмiga мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашнинг имкони бўлмаса, чет эл элементи билан мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар билан энг узвий боғланган ҳуқуқ қўлланади.

Чет эл ҳуқуқ нормаси оммавий-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлганлигига асосланибина уни қўллашни чеклаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1159-моддасига мувофиқ юридик тушунчаларга суд ёки бошқа давлат органи томонидан ҳуқуқий баҳо берилишида, агар қонунда бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, бундай юридик тушунчаларни низо кўриб чиқилаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига мувофиқ шарҳлашга асосланади.

Агар юридик тушунчалар низо кўриб чиқилаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига номаълум бўлса ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича талқин этиш орқали аниқланиши мумкин бўлмаса, уларга ҳуқуқий баҳо беришда чет давлат ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкин.

Чет эл ҳуқуқини қўллашда суд ёки бошқа давлат органи унинг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий давлатда



расмий талқин этилиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофиқ аниқлайди.

Суд ёки бошқа давлат органи чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш мақсадида ёрдам ва тушуниришлар сўраб Адлия вазирлигига ва бошқа миллий ваколатли органлар ҳамда муассасаларга, шу жумладан чет элдаги органлар ва муассасаларга мурожаат этиши ёхуд экспертларни жалб қилиши мумкин.

Ишда иштирок этаётган шахслар ўз талаблари ёки эътиrozларини асослаш учун ўзлари важ келтираётган чет эл ҳуқуқи нормаларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишга ва бу нормаларнинг мазмунини аниқлашда судга ёки бошқа давлат органларига бошқача тарзда ёрдамлашишга ҳақлидирлар.

Агар ушбу моддага мувофиқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай, чет эл ҳуқуқи нормаларининг мазмuni оқилона муддатларда аниқланмаса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланиллади.

Суд ёки бошқа давлат органи ўзи кўриб чиқаётганига ўхшаш муносабатларга нисбатан тегишли чет давлатда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланиши ёки қўлланмаслигидан қатъи назар, ана шу чет давлатнинг ҳуқуқини қўллайверади, Ўзбекистон Республикаси қонунида чет эл ҳуқуқини ўзаролик асосида қўллаш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар чет эл ҳуқуқини қўллаш ўзароликка боғлиқ бўлса, бошқача ҳолат исботланмаганлиги сабабли у мавжуд деб тахмин қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1164-моддасига кўра, чет эл ҳуқуқининг қўлланиши Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ-тартиботи асосларига (оммавий тартибга) зид келадиган ҳолларда чет эл ҳуқуқи қўлланилмайди. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланиллади.

Тегишли чет эл давлатининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизимидан фарқланишигина чет эл ҳуқуқини қўллашни рад этиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Бир неча худудий ёки бошқа ҳуқуқий тизим амал қилиб турган мамлакатнинг ҳуқуқини қўллаш лозим бўлган ҳолларда ҳуқуқий тизим шу мамлакат ҳуқуқига мувофиқ ҳолда қўлланиллади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига маҳсус чекловлар



қўйған давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгилashi мумкин.

Жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонуни ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда у қайси мамлакат билан энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1197-моддасига кўра ворисликка доир муносабатлар, башарти ушбу Кодекснинг 1198 ва 1199-моддаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, мерос қолдирувчи охирги доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1198-моддасига мувофиқ шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, шунингдек васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли, агар мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, ҳужжат тузилаётган пайтда мерос қолдирувчи доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ васиятнома ёки унинг бекор қилиниши, агар шакл ҳужжат тузилган жойнинг ёки Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи талабларини қаноатлантирса, шаклга риоя этилмаганлиги натижасида ҳақиқий эмас деб топилмайди.

Кўчмас мулкка ворислик мазкур мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқи бўйича, Ўзбекистон Республикасининг реестрида қайд этилган мол-мulkka ворислик эса, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан мустақилликка эришган кунидан бошлаб кўплаб давлатлар билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан халқаро шартномалар ҳамда конвенциялар тузилган. Ушбу шартномалар ва конвенцияларда ворислик ҳуқуқий муносабатларга тааллуқли тегишли нормалар назарда тутилган.

Судлар амалиётда қўлланаётган халқаро ҳуқуқий нормалар қуидагилардан иборат:

1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Конвенцияда (кейинги ўринларда “Минск Конвенцияси”, деб юритилади) Ўзбекистон ҳам томон



хисобланади. Ушбу Минск Конвенцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 06.05.1993 йилдаги 825-XII-сонли қарори билан ратификация қилинган ва Ўзбекистон учун 1994 йил 19 майдан бошлаб қонуний кучга кирган.

Минск Конвенциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир Аҳдлашувчи Томоннинг фуқаролари бошқа Аҳдлашувчи Томон худудида қонун бўйича мулк ёки ҳуқуқни қонун ёхуд васиятнома бўйича ушбу Аҳдлашувчи Томон фуқароларидан тенг шартларда ва ҳажмда мерос қилиб қолдиришлари мумкин.

Минск Конвенциясининг 45-моддасида мерос қилиб олиш ҳуқуқи назарда тутилган. Ушбу моддага кўра:

1. Мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи, ушбу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, мерос қилиб қолдирувчи худудида охирги турар жойига эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги бўйича белгиланади.

2. Кўчмас мулкни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи мулк худудида жойлашган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилигига кўра белгиланади.

Минск Конвенциясида мероснинг давлатга ўтиши тўғрисидаги ҳуқуқий норма ҳам назарда тутилган. 46-моддага мувофиқ агар мерос қолдиришда қўлланилиши керак бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги бўйича меросхўр давлат бўлса, унда мерос қилиб қолдирилган кўчар мулк вафот этган вақтда мерос қолдирувчи фуқароси ҳисобланган Аҳдлашувчи Томонга ўтади, мерос қилиб қолдирилган кўчмас мулк эса ўзи жойлашган худудда Аҳдлашувчи Томонга ўтади.

Минск Конвенциясининг 47-моддаси васиятномага бағишлиланган бўлиб, унга кўра шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш қобилияти, шунингдек васиятноманинг шакли ва уни бекор қилиш тартиби далолатнома тузиш вақтида васият қилувчи яшаш жойига эга бўлган давлат ҳуқуқи бўйича белгиланади. Бироқ васиятнома ёки уни бекор қилиш агар васиятнома уни тузиш жойи ҳуқуқи талабларини қондирса, унинг шаклига риоя қилинмаганлиги боис ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Минск Конвенциясининг 48-моддасида қуидаги мерос қилиб олиш ишлари ваколати белгиланган:

1. Кўчар мулкни мерос қилиб олиш ҳақидаги ишлар бўйича қўриб чиқишини мерос қолдирувчи вафот этган вақтда худудида турар жойга



эга бўлган Аҳдлашувчи Томоннинг муассасалари олиб боришига ваколатлидир.

2. Кўчмас мулкни мерос қилиб олиш ҳақидаги ишлар бўйича кўриб чиқишни мулк жойлашган ҳудуддаги Аҳдлашувчи Томон муассасаси кўриб чиқишига ваколатлидир.

3. Ушбу модданинг 1- ва 2-бандларидаги қоидалар мерос тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиган ишлар муносабати билан пайдо бўладиган низоларни кўриб чиқишида ҳам қўлланилади.

Мерос қилиб олиш ишлари бўйича дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасининг ваколати ҳам Минск Конвенциясида белгиланган бўлиб, 49-моддасига кўра мерос қилиб олиш ишлари бўйича, шу жумладан, мерос қилиб олиш низолари бўйича Аҳдлашувчи Томонлардан ҳар бирининг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси, меросдан воз кечиш ҳуқуқини истисно қилганда, ўз давлатининг фуқароларини, агар улар бўлмасалар ёки вакил тайинламаган бўлсалар, бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг муассасаларида маҳсус ишончнома қозогисиз ифодалаш учун ваколатлидир.

Шунингдек, Минск Конвенциясида меросни муҳофаза қилиш чоралари ҳам белгиланган. Хусусан, 50-моддасига мувофиқ қуидаги меросни муҳофаза қилиш чоралари белгиланган.

1. Аҳдлашувчи Томонлар муассасалари ўз қонунчиликларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Томон фуқаролари томонидан ўз ҳудудларида қолдирилган меросни муҳофаза қилиш ёки унга эгалик қилиш учун зарур чора-тадбирлар кўрадилар.

2. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ кўрилган чоралар тўғрисида мерос берувчи фуқароси ҳисобланадиган Аҳдлашувчи Томоннинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси тезда хабардор қилинади. Кўрсатилган ваколатхона ёки муассаса ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши мумкин.

3. Ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ кўрилган чора-тадбирлар мерос қилиш тўғрисидаги ишни амалга оширишга ваколати бўлган адлия муассасаси, шунингдек дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасининг илтимосига кўра ўзгартирилиши, бекор қилиниши ёки қолдирилиши мумкин.

Мазкур Минск Конвенциясида назарда тутилган кўпчилик нормалари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида тузилган халқаро шартномаларида ҳам ўз аксини топган.



Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида 1997 йил 2 июн куни Алмати шаҳрида тузилган “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартномани келтириш мумкин. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 1997 йил 30 августдаги 487-I-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон ўртасида фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳакида”ги Қарори билан тасдиқланган ва 1998 йил 29 ноябрдан кучга кирган.

Ушбу Шартномада ҳам меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи, меросни давлатга ўтиш, васиятнома, мерос қилиб олиш ишлари ваколати, мерос қилиб олиш ишлари бўйича дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасининг ваколати ва меросни муҳофаза қилиш чораларига бағишланган нормалар назарда тутилган.

Айрим ҳалқаро шартномаларда Минск Конвенциясида кўрсатилган ҳуқуқий нормалардан ташқари ушбу Конвенцияда белгиланмаган бошқа ҳуқуқий нормалар ҳам акс эттирилган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси ва Грузия ўртасида 1996 йил 28 май куни Тбилиси шаҳрида тузилган “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартномани келтириш мумкин. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинга 1996 йил 30 августдаги 289-I-сонли қарори билан ратификация қилинган.

Ушбу шартномада Минск Конвенциясида белгиланган меросни олиш ҳуқуқи, мерос қилиб олиш ишлари ваколати, мерос қилиб олиш ишлари бўйича дипломатик ваколатхона ёки консуллик муассасасининг ваколати ҳамда меросни муҳофаза қилиш чоралари каби нормалар билан бир қаторда эгасиз қолган мулк, васият қилиш шакли, вафот этган фуқаронинг буюмларини бериш тўғрисидаги нормалар ҳам кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган ҳалқаро конвенция ва шартномалардан ташқари мерос ҳуқуқи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қуйидаги конвенция ҳамда шартномаларни ҳам мавжуд:

– 1994 йил 2 март куни *Москва шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Консуллик Конвенцияси* (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майдаги 1076-XII-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва



Россия Федерацияси ўртасидаги Консуллик Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган ва 1995 йил 19 октябрдан кучга кирган);

– 1995 йил 11 январь куни *Варшава шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасидаги Консуллик Конвенцияси* (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 78-1-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасидаги Консуллик Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган ва 1997 йил 9 январдан кучга кирган);

– 1996 йил 23 май куни *Тошкент шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси ўртасидаги “Фуқаролик, оиласвий, меҳнат ва жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ҳамда хукуқий муносабатлар тўғрисида”*ги Шартнома (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 27 декабрдаги 358-1-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Польша Республикаси ўртасидаги “Фуқаролик, оиласвий, меҳнат ва жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ҳамда хукуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган ва 1997 йил 9 январдан кучга кирган);

– 1997 йил 20 февраль куни *Тошкент шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ҳамда хукуқий муносабатлар тўғрисида”*ги Шартнома (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 25 апрелдаги 431-1-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасидаги “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ҳамда хукуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган ва 1998 йил 10 июлдан кучга кирган);

– 1997 йил 18 июнь куни *Тошкент шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ҳамда хукуқий муносабатлар тўғрисида”*ги Шартнома (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 488-1-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасидаги “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар бўйича хукуқий ёрдам ҳамда хукуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартномани ратификация қилиш



хақида”ги қарори билан тасдиқланган ва 1998 йил 15 июндан кучга кирган);


– 1998 йил 19 февраль куни *Киев шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги “Фуқаролик ва оиласвий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”*ги Шартнома (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги 624-I-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги фуқаролик ва оиласвий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қарори билан тасдиқланган ва 1999 йил 19 июндан кучга кирган);

– 1998 йил 19 февраль куни *Киев шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги Консуллик Конвенцияси* (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги 625-I-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўртасидаги Консуллик Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган ва 1999 йил 19 июндан кучга кирган);

– 1999 йил 2 март куни *Toшкент шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасидаги Консуллик Конвенцияси* (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги 775-I-сонли “Ўзбекистон Республикаси ва Греция Республикаси ўртасида консуллик конвенциясини ратификация қилиш ҳақида”ги Қарори билан ратификация қилинган);

– 2001 йил 25 январь куни *Исломобод шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги Консуллик Битими* (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 5 майдаги 224-II-сонли “Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасидаги Консуллик битимини ратификация қилиш ҳақида”ги қарори билан ратификация қилинган ва 2002 йил 29 октябрдан кучга кирган);

– 2004 йил 7 апрель куни *Rига шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасидаги Консуллик Конвенцияси* (2006 йил 18 февралдан кучга кирган).



VII БОБ ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД НИЗОЛАР БҮЙИЧА ИШНИ СУДДА КҮРИШГА ТАЙЁРЛАШ



§ 7.1. ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД НИЗОЛАРНИ СУДДА КҮРИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ

Фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинганидан кейин ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан судларнинг одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш борасидаги фаолиятини демократлаштириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда.

Амалдаги қонунлар, хусусан фуқаролик процессуал кодекси нормаларига оғишмай амал қилиш ўз навбатида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, фуқаролар ўртасида юзага келган низоли ҳуқуқий муносабатни ўз вақтида қонуний бартараф этиш имконини бермоқда.

Фуқаролик ишининг ўз вақтида, қонуний кўриб ҳал этилиши ишни судда кўришга тайёрлаш вазифаларининг қанчалик тўлиқ амалга оширилишига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ФПК талабига кўра, судья аризани қабул қилгач, ФПКнинг 158-моддасида қайд этилган ишни судда кўришга тайёрлаш вазифаларини амалга оширганидан кейингина уни суд мажлисида кўришни бошлашга киришиши мумкин.

Бунда судлар ишларни судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг судда ишининг тўғри ва ўз вақтида кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлашга қаратилган ҳар бир фуқаролик иши бўйича бажарилиши шарт бўлган алоҳида мустақил босқичи эканлигига эътибор қаратишлари лозим.

Ишни судда кўришга ўз вақтида ва тўлиқ тайёрлаш ишларнинг қонуний муддатда сифатли кўриб чиқилишида муҳим аҳамият касб этади.



Судья аризани қабул қилиб, фуқаролик иши қўзғатиш ҳақидаги ажрим чиқарганидан кейингина ишни судда кўришга тайёрлашга киришишига ҳақли (ФПК 158-модда). Фуқаролик ишини қўзғатмасдан туриб, ишни судда кўришга тайёрлаш ҳаракатларини бажариш мумкин эмас.

Қайд қилиш лозимки, аризани қабул қилишни рад қилиш (152-м), аризани ҳаракатсиз қолдириш (154-м.) масалалари фуқаролик иши қўзғатилгунга қадар бўлган босқичда амалга оширилади. Ариза қабул қилинганидан кейин судья ФПКнинг 151-моддаси талабига кўра аризани қабул қилиш ва фуқаролик иши қўзғатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Юқорида таъкидланганидек, шундан кейингина ишни судда кўришга тайёрлашга киришади. Ишни судда кўришга тайёрлашда судъядан амалдаги ФПКнинг 158-моддасида кўрсатилган, қуйидаги 4 та масалани ҳал этиш талаб қилинади.

- тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;*
- тарафларнинг талаб ва эътиrozларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;*
- ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;*
- ишда иштирок этиши лозим бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.*

Амалдаги процессуал қонун судъяга ушбу вазифаларни бажариш мажбуриятини юклайди ва бу ўз навбатида ишларнинг ўз муддатида, қонуний ҳал этилишини таъминлайди.

Ҳар қандай фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлашда қайд этилган вазифаларнинг барчаси амалга оширилиши шарт бўлиб, улардан биронтасининг бажарилмаслиги ишнинг судда кўрилишининг чўзилиши ва қарор қабул қилишда хатоликка олиб келади.

Тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш деганда судья ва ишда қатнашувчи шахсларнинг низоли муносабат характеристи ва кўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормасини ҳисобга олган ҳолда тарафларнинг талаб ва эътиrozларида асос сифатида кўрсатилган юридик фактларни аниқлашга доир ҳаракати тушунилади.



Тарафлар хуқуқий аҳамиятга эга бўлган фактлар борасида янгишган ҳолда, суд кўпланиши лозим бўлган моддий хуқуқ нормаси асосида тарафларга қандай ҳолатлар иш учун аҳамиятга эга эканлигини, уларни тарафлардан қайси бири исботлаши кераклигини тушуниради.(ФПК 57-м)

Судья қайд этилган ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни ўзининг ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақидаги ажримида кўрсатиши ва қачонки белгиланган барча ҳаракатларни амалга оширганидан кейингина ишни кўриш учун тайинлаши лозим.

Мерос билан боғлик ишни қонуний муддатларда ва тўғри ҳал этиш учун судья ишни судда кўришга етарли даражада тайёрлаши лозим, яъни Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 158–161 - моддалари талабига тўлиқ риоя қилиши, жумладан, тарафларни чақириб, даъвогардан даъво талабларини аниqlashi, жавобгардан даъво юзасидан эътирознома олиши, ишга кўшимча жавобгар ёки учинчи шахсларни жалб қилиш масаласини муҳокама қилиш, далилларни талаб қилиб олиши зарур.

Мерос мулкка бўлган хуқуқ ва уни бўлиш ҳақидаги даъволар бўйича судья мерос қолдирувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки унинг нусхаси, меросга бўлган хуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома, тарафларнинг меросхўр эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ, туғилиш, фарзандликка олинганлик, оталикни белгилаш ҳақидаги ҳужжатлар, турар жойдан, уй-жой бошқармаларидан, вафот этганнинг қарамоғида бўлганлиги ҳақида маҳалла қўмиталаридан, меросдан мажбурий улуш олиш низолари юзасидан ВТЭКдан ногиронлик ҳақида маълумотномалар ва ҳ.к.); мерос мулкининг рўйхатга олинганлиги ва қиймати кўрсатилган далолатнома; мерос мулкининг вафот этган шахсга тегишлилиги (инвентаризация бюросининг маълумотномаси, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, алмаштириш шартномалари) ҳақидаги ҳужжатлар; омонат дафтарчалари, ҳисоб ва рақалардан кўчирмалар, мерос таркибига кирадиган уй-жойни асл ҳолда бўлиш имконияти мавжудлиги ҳақида мутахассисларнинг хulosалари ва ҳоказолар каби ҳужжатларни тақдим этишни таклиф қиласи, зарур топилганда эса судьянинг ўзи талаб қилиб олиниши лозим.

Амалдаги ФПКнинг талабига кўра мерос мулки билан боғлик низолар фуқаролик ишлари бўйича судларига тааллуқли бўлиб, васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворислиқда меросхўрлар



ўртасида низо келиб чиқкан ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан даъво тартибида кўрилиб, ҳал этилади.

Ворислик ҳуқуқига доир низоларни ҳал қилишда мерос очилиш вақти ва жойини, мерос таркибини, меросхўрлар доираси ҳамда ворислик асосини аниқлаш ва шундан келиб чиқкан ҳолда низо бўйича қўлланилиши лозим бўлган қонун нормаларини аниқлаш муҳимдир.

Амалдаги ФКнинг мерос ҳуқуқига доир нормаларидан келиб чиқиб, низони тинч йўл билан, яъни бир тарафнинг иккинчи тараф ҳуқуқларини тан олиши орқали ҳам ҳал этиш мумкин ва бу энг мақбул ечим ҳисобланади.

Низо ўз вақтида ва тўғри кўриб ҳал қилиниши учун ишда иштирок этиши лозим бўлган шахслар, меросхўрлар таркиби тўғрисидаги аниқ маълумот судга тақдим этилиши, тақдим этилмаган ҳолда суд томонидан талаб қилиб олиниши лозим.

Тарафлар иш судда кўриб бошлангунга қадар, ишнинг судда кўрилишини бошлангач то ҳал қилув қарори чиқарилганга қадар тарафлар низо бўйича келишув битими тузишлари ва келишув битими тузиш ва тасдиқлаш натижасида иш юритишдан тугатилиши мумкин бўлиб, агарда шу тартибида иш тугатилган ҳолда ФПКнинг 102-моддаси талабига кўра тарафлар айни шу низо бўйича, айни бир асослар бўйича судга иккинчи марта мурожаат қилишига йўл қўйилмайди.

Васият қилувчи муомалага лаёқатсиз бўлганлиги учун васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида арз қилинган талаблар бўйича юқорида қайд этилган хужжатлардан ташқари васият қилувчининг муомалага лаёқатсизлиги ва васиятномани тузиш пайтида ҳаракати аҳамиятини тушуна олмаслигини тасдиқловчи далиллар ёки васият қилувчининг муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори, васият мулкининг мавжудлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилиниши лозим.

Шунингдек, васиятнома мерос қолдирувчининг ўлимидан кейингина ҳуқуқий оқибат туғдириши мумкин бўлиб, васиятнома қолдирувчининг ҳаётлигига манфаатдор шахслар томонидан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қўзғатилиши мумкин эмас.

Мерос қолдирувчи ўз мулкига нисбатан васиятнома қолдириб, меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилганида васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъволар бўйича вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болаларни, эр (хотин)ни ва ота-онасини васият қилувчи билан қариндошлик




муносабатларини ва эр (хотин), ота-она меҳнатга қобилиятсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (туғилганлик ҳақида гувоҳнома, фарзандликка олинганилиги тұғрисидаги суд қарори ва ҳ.к.) ҳам тақдим этилиши ёки суд томонидан талаб қилиб олиниши лозим.

Ворис меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига кириш-кирмаслигидан қатъи назар судга шу асосда даъво билан мурожаат қилиши мумкин бўлиб, суд томонидан ишни кўриш жараёнида унинг меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга, эга эмаслигидан келиб чиқиб, низони ҳал қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1142-моддасида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси аниқ белгиланган. Мазкур қонун мазмунига кўра мажбурий улуш олиш ҳуқуқининг асосий шарти қонун бўйича вориснинг вояга етмаганлиги ёки меҳнатга қобилиятсизлик ҳолатидир.

Шунинг учун шу тоифадаги низоларни тўғри ҳал қилиш учун мажбурий улуш олиш ҳуқуқини тасдиқловчи далиллар, жумладан меҳнатга қобилиятсизлик ҳақидаги далиллар судга тақдим этилиши ёки суд томонидан талаб қилиб олиниши лозим.



VIII БОБ МЕРОС ҲУҚУҚИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ТУЗИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР НАМУНАЛАРИ





Қабул қилинди
2016 йил 12 май

Тошкент шаҳар, 1-сонли Давлат
нотариал идорасига

Мерос иши №_____

Нотариус Солиев Н.

Тошкент шаҳри, С.Азимов кўчаси, 15-йй,
18-хонадонда яшовчи Толипов Халил
Мансурович томонидан
тел.: +998-90 –

АРИЗА
(меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳақида)

Онам - Хамидова Ханифа Ахмедовна 2016 йил 14 январда вафот этдилар ва у
кишидан Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, С.Азимов кўчаси 15-йй, 17-хонадон
мерос сифатида қолган.

Мендан ташқари меросхўр акам Толипов Сайд Мансурович ҳам бор.

Юқорида кўрсатилган мол-муркка нисбатан менга қонун бўйича меросга бўлган
ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳномона беришингизни сўрайман.

Куйидаги ҳужжатларни илова қиласман:

1. Мерос қолдирувчининг ўлим ҳақида гувоҳномаси.
2. Никоҳ ҳақида гувоҳномаси.
3. Мерос қолдирувчи фарзандларининг түғилганлик ҳақида гувоҳномалари.
4. Мерос қолдирувчи түғилганлик ҳақида гувоҳномаси.
5. Мерос қолдирувчи ота-онасишининг ўлим ҳақида гувоҳномалари.
6. Мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаш жойи тўғрисидаги
маълумотнома.
7. Мерос мулки мерос қолдирувчига мулк ҳукуки асосида тегишли эканлигини
тасдиқловчи ордер.
8. Уй-жойга нисбатан расмийлаштирилган кадастр ҳужжатлари.
9. 17 – сон форма.
10. ДСИ томонидан берилган ИНН.
11. Паспорт.

2016 йил 16 июль

Х.М.ТОЛИПОВ

1972 йилда туғилган фуқаро Толипов Ҳаким Мансуровичнинг шахси Мирзо
Улугбек тумани ИИБ томонидан 2015 йил 15 октябрь куни берилган СА 12456778-
сонли паспортига асосан аниқланди.



2016 йил 12 май

У.тумани 1-сонли Давлат нотариал
идорасининг катта нотариуси

Н.Солиев

Фуқаро Д.Зуфаровнинг
имзоси ҳаққонийлиги тасдиқланди

У. тумани

1-сонли Давлат нотариал идорасига

Н. шахри, Ойбек кўчаси, 20-уй, 16-

хонадонда яшовчи

Зуфаров Даврон Хакимович томонидан

АРИЗА

(мерос ҳиссасидан воз кечиш тўғрисида)

Мен, Зуфаров Даврон Хакимович, 2016 йил 9 январь куни вафот этган отам –
Зуфаров Хаким Олимовичдан қолган мерос мулкидаги ўзимга тегишли улушдан воз
кечаман.

Конун (васиятнома) бўйича ворислик гувохномасини олишни хоҳламайман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддаси талаблари
нотариус томонидан менга тушунтирилди.

2016 йиль 12 марта

ИМЗО _____



ВАСИЯТНОМА БҮЙИЧА МЕРОСГА БҮЛГАН ХҮКҮК ТҮГРИСИДАГИ

ГУВОХНОМА

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Икки минг ўн бешинчи йил, ўйинчи октябрь.

Ушбу васиятнома бўйича меросга бўлган хуқук ҳақидаги гувохнома Тошкент шаҳар, Сой кўчаси, 6-йуда жойлашган Миробод тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси биносида тасдиқланди.

Мен, Тошкент шаҳар Миробод тумани 1-сонли Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Узаков Камол Низомович, Тошкент шаҳар Миробод тумани Давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси „Луқъянова Н.Г.“ томонидан 1999 йилнинг 17 ноябре куни тасдиқланниб, реестра 3546-рақами билан қайд этилган васиятномага асосан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Н.Эсанов кўчаси, 45-йуда рўйхатда турган 31.12.2002 йилда вафот этган мархум Максим Иванович Ивановнинг фарзандлари Александр Максимович ва Алексей Максимович Ивановларнинг ўз мерос хиссаларидан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Н.Эсанов кўчаси 45-йуда рўйхатда турувчи мархумнинг ўғли Пётр Максимович Иванов (СТИР 547451484) фойдасига воз кечгантликлари сабабли Пётр Максимович Ивановни меросхўр эканлигини тасдиқлайман.

Мазкур гувохнома бериладиган мерос мулки:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Н.Эсанов кўчаси, 45-йудан иборат бўлиб, 494,0 кв.м. ер майдонда жойлашган, умумий фойдалари майдони **123,18 кв.м., яшаш майдони **85,04** кв.м.дан иборат **4** (туртта) яшаш хонаси, ошхона, соябон, иккита ойнали айвон, иккита ертўла ҳамда очик айвонни ташкил қилиди ва «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» ДУК Миробод тумани турар-жой бинолар ва кадастри томонидан 09.09.2015 йилда берилган 5190-сонли маълумотномасига иззоҳланган. Ушбу ўй-жой туман ҳокимининг 24.06.1966 йилдаги 47р-15125-сонли курриши шартномасига ва туман ҳокимининг 03.06.1999 йилдаги 1116-сонли карорига асосан 31.12.2002 йилда вафот этган мархум Максим Иванович Ивановнинг тегиши бўлиб, «Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» ДУК Миробод тумани турар-жой бинолар ва кадастрида 16.06.1999 йилда 26-сонли кадастр китобининг 143-бетида қайд қилинган ҳамда Бинолар ва иншоотларга бўлган хукукнинг давлат рўйхатидан ўтказилганига тўғрисидаги 06.11.2012 йилда берилган ТА № 1657101- рақамли гувохномага асосан тасдиқланган.**

Ушбу ўй-жой ҳеч кимга сотилмаган, гаровга кўйилмаган, бирорвга ўтказилиши тақиқланмаган ва низода бўлмаган.

Үй-жойнинг инвентар баҳоси 8 469 890 (саккиз миллион тўрт юз олтмиш тўққиз минг саккиз юз тўқсон) сўм. Эски баҳоси 1 685 097 (бир миллион оли юз саксон беш минг тўқсон етти) сўм.

Мазкур гувохнома Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» ДУК Миробод тумани турар-жой бинолар ва кадастрида 30 кун мобайнида қайд қилиниши лозим.

Реестрага 5765-сон билан қайд қилинди.

Давлат божи олини (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 331-моддасига асосан).

Техник тусдаги қўшимча хизматлар учун 6512 (олти минг беш юз ўн икки) сўм ундирилди.

Мерос иши база № 4553.

Катта нотариус:

К.Узаков

**МЕРОС ТРАНСМИССИЯСИ ТАРТИБИДА ҚОНУН БҮЙИЧА МЕРОСГА
БҮЛГАН ҲУҚУҚ ТҮГРИСИДАГИ****ГУВОХНОМА**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

Икки минг ўн тўртинчи йил, ўн учинчи ионы.

Ушбу мерос трансмиссияси тартибida қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ түгрисидаги гувохнома Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, F.Гулом кўчаси, 17-йуда жойлашган Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси биносида тасдиқланди.

Мен, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Бақаев Даврон Ахмедович, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135 ва 1140-1-моддаларига асосан 2013 йил 23 марта куни вафот этган мерос қолдириучи Жумаев Иҳтиёр Абдуллаевич мулкининг:

- ½ кисмига ўғли – Жумаев Баҳтиёр Иҳтиёрович, 11.05.1966 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Курувчилар кўчаси, 24-йўл, 25-хонадонда яшовчи ва доимий рўйхатда турувчи, паспорт серияси СТ 20533583, Яккасарой тумани ИИБ томонидан 28.06.2013 йилда берилган, ИИН 528044354;

- ½ кисмига собиқ турмуш ўрготи – Жумаева Саноаб Абдуллаевна, 12.06.1941 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Курувчилар кўчаси, 24-йўл, 25-хонадонда яшаб келган ва доимий рўйхатда турган, паспорт серияси СТ 355335, Яккасарой тумани ИИБ томонидан 15.01.2014 йилда берилган, ИИН 485544332. Бироқ С.А.Жумаева 22.04.2014 йилда вафот этганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1140-1-моддасига мувофиқ унинг ўғли Жумаев Баҳтиёр Иҳтиёрович қонун бўйича мероскор бўлади.

Мерос мулки қўйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Баҳористон кўчаси, 45-йўл, 22-хонадон манзилидаги битта яшаш хонаси, битта охона, коридор, тулат ва веरандадан иборат умумий майдони 45,82 (кірк беш бутун юздан саксон икки) кв.м. бўлған ўй-жой.

Ушбу ўй-жой Яккасарой тумани Давлат нотариал идорасининг нотариуси Д.Қўзимов томонидан расмийлаштирилган ва №3325 рақам билан реестрda қайд қилинган ҳамда Яккасарой тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК томонидан 24.09.2003 йилдаги олди-сотди шартномасига асосан 2013 йил 23 марта куни вафот этган мерос қолдириучи Жумаев Иҳтиёр Абдуллаевича тегиши эканлиги аниқланган. Ушбу кўчмас мулк И.Жумаева тегишини Яккасарой тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУК томонидан 21.10.2013 йилда берилган 6451-сонли маълумотномаси ва серияси TS № 0598718-сонли гувохнома билан тасдиқланади.

Мазкур ўй-жойнинг инвентаризациян баҳоси **9.699.688** (тўқиз миллион олти юз тўқсон тўққиз минг олти юз саксон саксиз) сўм.

Ушбу ўй-жой хеч кимга сотилмаган, гаровга қўйилмаган, бирорвга ўтказилиши тақиқланмаган ва низода бўлмаган.

Мазкур гувохнома 30 кун мобайнида Яккасарой тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ДУКда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Гувохноманинг бир нусхаси Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, F.Гулом кўчаси, 17-йуда жойлашган Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси биносида сақланади.

Реестрда 2456-сон билан қайд қилинган.

Давлат божи ундирилган.

Техник тусдаги кўшимча хизматлар учун 6512 (олти минг беш юз икки) сўм ундирилди.

Катта нотариус:

К.Узаков



1. Бутун мол-мулкига бир кишини ворис деб белгилаш шакли

Vasiatnomma

Toishkent shaxri, ikki ming' yun ettpinchchi yillning iyigirma turgentinchi yanvar kуни.

Мен, Тошкент шахри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топширигимни бераман.

1. Менинг вафотимдан олдин менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигини ва каерда жойлашганлигидан қатъи назар ўғлим Умаров Шерзод Комиловичга васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукукига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.

2. Мол-мулкининг аниқ бўлагига бир кишини ворис этиб белгилаш шакли

Vasiatnomma

Toishkent shaxri, ikki ming' yun ettpinchchi yillning iyigirma turgentinchi yanvar kуни.

Мен, Тошкент шахри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топширигимни бераман.

1. Менинг вафотимдан олдин менга тегишли бўлган мол-мулқдан Тошкент шахри, X.Олимжон кўчасида жойлашган 18-йнинг $\frac{1}{2}$ қисмини ўғлим Шерзод Умаровга васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукукига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Комил Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.



3. Аниқ мулкка ворис белгилаш шакли

Vасиятнома

*Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи
январь куни.*

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топширигимни бераман.

1. Менинг вафотимдан олдин менга тегишли бўлган «Нексия» русумли, давлат раками «10 А 0027» бўлган, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, оқ ранги автомашинамни ўғлим Умаров Шерзод Ҳошимовичга васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият килувчи Умаров Комил Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви.

4. Бутун мол-мулкка бир неча кишини (тақсимотини кўрсатмай) ворис этиб белгилаш шакли

Vасиятнома

*Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи
январь куни.*

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топширигимни бераман.

1. Менинг вафотимдан олдин менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигини ва қаерда жойлашганилигидан катъи назар хотиним Гулнора Умарова, ўғлим Шерзод Умаров ва кизим Феруза Умаровага тенг хиссада васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият килувчи Умаров Комил Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви.



5. Бутун мол-мулкка тақсимотини кўрсатиб бир неча кишини белгилаш шакли

Vасиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январ куни.

Мен, Тошкент шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан қўйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотимдан олдин менга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчасида жойлашган 18-йуни хотиним Гулнора Умаровага, «Нексия» русумли автомашинамни ўғлим Шерзод Умаровга, «Матиз» русумли автомашинамни кизим Ферузга Умаровага васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.

6. Аниқ мулкка тақсимотини кўрсатмай бир неча кишини ворис этиб белгилаш шакли

Vасиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январ куни.

Мен, Тошкент шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан қўйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотимдан олдин менга тегишли бўлган «Нексия» русумли автомашинамни хотиним Гулнора Умарова ва ўғлим Шерзод Умаровга васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.



7. Аниқ мулкка тақсимотини кўрсатиб бир неча кишини ворис этиб белгилаш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотидан олдин менга тегишли бўлган «Нексия» автомашинамни хотиним Гулнора Умарова, ўғлим Шерзод Умаров ва кизларим Феруза Умарова, Наргиза Умарованинг барчасига тенг хиссада васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият килувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.

8. Ворисликдан воз кечган (ёки бошқа сабабларга кўра) вориснинг ҳуқуқи бошқа ворисга ўтиш тартибини ўзgartириш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топшириғимни бераман.

1. Қизим Умарова Феруза ворисликдан воз кечганлиги муносабати билан менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигини ва каерда жойлашганигидан катъи назар хотиним Умарова Анорага 1/3 қисмини, ўғлим Умаров Шерзодга 2/3 қисмини васият килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият килувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.



9. Вориснинг ворисини белгилаш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-ўйда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотимдан сўнг менинг ўғлим Шерзод Умаров ворисликдан воз кечса (ёки бошқа сабаблар) менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигини ва қаерда жойлашганлигидан катъи назар ўғлимнинг фарзанди, набирам Алига васият килиб қолдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукукига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада қолдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.

10. Васиятномада ворисларни ворисликдан маҳрум қилиш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-ўйда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотимдан олдин менга тегишли бўлган барча мол-мулким, унинг нималардан иборатлигини ва қаерда жойлашганлигидан катъи назар қизим Наргиза Умаровани ворислик хукукидан маҳрум килишни топшираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукукига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада қолдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.



11. Ўзбекистон Республикаси ФК 1119-моддасида назарда тутилган ворислардан ташқари бир неча ворисларни ворисликдан маҳрум қилиш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топшириғимни бераман.

1. Хотиним Гулнора Умарова, ўғлим Шерзод Умаров ва кизим Наргиза Умаровани менинг вафотимдан олдин менга тегиши бўлган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигини ва қаерда жойлашганлигидан катъи назар ворислик ҳукуқидан маҳрум киламан.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш ҳукуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият килувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви.

12. Ворисликдан воз кечган ворисларнинг ворисини белгилаш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топшириғимни бераман.

1. Кизим Умарова Наргизани ворисликдан воз кечгандиги муносабати билан Наргиза Умарованинг ворислии ваколатини унинг ўғли, менинг набирам Баҳодир Машраповга менинг вафотимдан олдин менга тегиши бўлган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигини ва қаерда жойлашганлигидан катъи назар ворислик килиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш ҳукуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият килувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви.



13. Олдин тузилган васиятномани бекор қилиш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан қўйидаги топшириғимни бераман.

1. 2006 йил 28 декабрда тузилган васиятномани бекор қиласман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукукига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.

14. Олдин тузилган васиятномага ўзгартириш киритиш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан қўйидаги топшириғимни бераман.

1. 2006 йил 28 декабрда тузилган васиятномам 1-пунктидаги топшириғим қўйидаги тартибда ўзгартирилсун.

Менини вафотимдан олдин менга тегишли бўлган «Нексия» русумли автомашинамни ўғлим Шерзод Умаров ва қизим Феруза Умаровага тенг хиссада васият қилиб колдираман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш хукукига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият қилувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.



15. Васиятномани ижро этувчи шахсни белгилаш шакли

Васиятнома

Тошкент шаҳри, икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни.

Мен, Тошкент шаҳри, X.Олимжон кўчаси 18-йда яшовчи Умаров Ҳошим Усмонович ушбу васиятномам билан кўйидаги топшириғимни бераман.

1. Менинг вафотимдан сўнг васиятномани ижро этишни қўшиним Рустам Содиковга топшираман. Унинг васиятномани ижро этишга рози эканлиги тўғрисидаги тилхатни васиятномамга илова киласман.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан мажбурий улуш олиш ҳукукига эга бўлганлар хакида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

Васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди. Бири васият килувчи Умаров Ҳошим Усмоновичга берилди, иккинчиси саклаш учун нотариал идорада колдирилди.

Умаров Ҳошим Усмонович

(имзо)

Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви.

ВАСИЯТНОМА

намуна

Икки минг ўн еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январь куни

Мен,

(*Васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми*)

(*яшаёт жойи, даволаниш ёки Нотариат тўғрисидаги қонунининг 26-моддасида кўрсатилган васият қилувчи турган бошқа муассасасининг номи*)

даволаниш туриб, ўлимим эҳтимолига кўра кўйидаги фармойишими (топшириғимни) бераман.

Ўлимимга қадар менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, уни қаерда жойлашганлигидан ва нимадан иборатлигидан қатъи назар,

(*васият бўйича ворис(лар)нинг фамилияси, исми, ота исми*)
васият қилиб қолдирман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси мазмуни менга тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди ва биттаси

(*Васият қилувчининг охирги доимий яшаёт жойидаги давлат нотариал идорасининг номи*)
давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади, бошқаси васият қилувчига берилади.

Васият қилувчининг имзоси: _____



ВАСИЯТНОМА

намуна

Икки минг еттинчи йилнинг йигирма тўртинчи январ куни

Мен

(*Vasiyat қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми*)

(яшаш, даволаниш жойи ёки Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасида кўрсатилган
васият қилувчи турган бошқа муассасанинг номи)

, ўлимим эҳтимолига кўра қуидаги фармойишими
(топширигимни) бераман.


Ўлимимга қадар менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни, уни қаерда
жойлашганилигидан ва нимадан иборатлигидан қатъи назар, шу жумладан, ўй-
жойимни (ўй-жойининг манзили кўрсатилиши мумкин) _____ га

(*Vasiyat қилинучи(лар)нинг фамилияси, исми, ота исми*)
васият қилиб қолдираман.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси мазмуни менга
тушунтирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб, имзоланди ва биттаси

(*Vasiyat қилувчининг охирги доимий яшаш жойидаги давлат нотариал идорасининг номи*)
давлат нотариал идорасига сақлаш учун юборилади, бошқаси васият
қилувчига берилади.



IX БОБ
СУД ҚАРОРЛАРИ
НАМУНАЛАРИ



АЖРИМ **(суд курилиш-техникавий экспертизасини тайинлаш түгрисида)**

2016 йил июнь ойининг 6 куни фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманларо судининг очиқ суд мажлиси уз биносида бўлиб,

раислик этувчи, судья А.Жумаев,

Л.Турдиевнинг котиблигига, тарафлардан дъявогар А.Эсанов, унинг вакили адвокат С.Валиев, жавобгар К.Эсановларнинг иштироқида мерос мулкини тақсимлаш түгрисидаги фуқаролик ишини кўриб чиқиб,

АНИКЛАДИ:

Дъявогар А.Эсанов судга дъяво аризаси билан мурожаат қилиб, отаси З.Эсановдан қолган мерос мулки Тошкент шаҳар, Нодир кучаси, 19-й, 32-хонадонни меросхўрлар ўртасида тақсимлашни сўраган.

Адвокат С.Валиев дъяво талабларни қонуний кўриб чиқиш учун мол-мулк қиймати мухим аҳамиятга эга эканлигини тушунтириб, уй-жойнинг қийматини аниглаш учун судга оид курилиш-техник экспертизаси тайинлаш түгрисида илтимоснома билан мурожаат қиди.

Суд мажлисида дъявогар А.Эсанов жавобгар билан мол-мулк қиймати бўйича келишилмаганилиги ҳамда мерос мулкини меросхўрлар тақсимлаб билмаганигини билдириб, Тошкент шаҳар, Нодир кучаси, 19-й, 32-хонадон қийматини аниглаш юзасидан судга оид курилиш-техникавий экспертизасини тайинлаш түгрисидаги адвокатнинг илтимосномасини қаноатлантириши сурайди.

Суд мажлисида жавобгар К.Эсанов дъявогар билан мол-мулк қиймати бўйича келишилмаганилиги сабабли, мерос мулкини тақсимлаш түгрисида келишувга эришилмаганигини билдириб, мол-мулк қийматини аниглаш бўйича суд-курилиш-техникавий экспертизасини тайинлашга қарши эмаслигини тушунтириди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 84-моддасининг биринчи қисмига мувоғик ишни кўриш вақтида келиб чиқкан, фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласидаган масалаларни тушунтириш учун суд иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд тарафлар фикрларини эшишиб, дъявогар томонидан қўйилган талабларни қонуний ҳал қилиш учун низолашлаётган мерос мулкининг қийматини аниглаш зарур аҳамиятга эга эканлиги, кўмас мулк қийматини аниглаш масаласи фан ва техника соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласидаган масала эканлигини инобатта олиб, адвокатнинг илтимосномасини қаноатлантиришини ва судга оид курилиш-техникавий экспертизаси тайинлашини ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 93-моддасининг 5-бандига кўра, экспертиза хуносаси олингунга қадар иш юритишини тұхтати туриси лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 84, 85, 93, 237, 238-моддаларини кўплаб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Адвокат С.Валиевнинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Иш бўйича судга оид курилиш-техник экспертизаси тайинлансан.



Экспертиза ўтказиш вазифаси Х.Сулейманова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг экспертизари зиммасига юклатилсин.

Экспертлар олдига кўйидаги саволлар кўйилсин:

1. Тошкент шаҳар, Нодир кўчаси, 19-й, 32-хонадоннинг ҳисоб-бозор кўймати аниқлансин.
2. Низолашилаётган Тошкент шаҳар, Нодир кўчаси, 19-й, 32-хонадонни 1/2, 1/3 қисм улушлар бўйича тенг ёки тенгликдан чекинган холатда тақсимлаш имконияти бор ёки йўқлиги аниқлансин.

Экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар даъвогар А.Эсанов зиммасига юклатилсин.

Экспертиза хуносаси олингунга қадар мазкур фуқаролик иши бўйича иш юритиш тўхтатилсин.

Ажрим устидан шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят, хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи судья

имзо

А.Жумаев



АЖРИМ (суд-хатшунослик экспертизасини тайинлаш тўғрисида)

2016 йил май ойининг 20 куни фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судининг очик суд мажлиси уз биносида булиб, раислик этувчи, судья Р.Камолов,

С.Ахмедовнинг котиблигига, тарафлардан даъвогар Н.Махмудов, жавобгар К.Хасановаларнинг иштирокида васиятномани ҳамда васиятнома бўйича меросга бўлган хукуқ ҳақидаги гувоҳномани қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик иши куриб чиқилиб, куйдагилар

АНИҚЛАНДИ:

даъвогар Н.Махмудов жавобгар К.Хасановага нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, 2015 йил 10 сентябрдаги васиятномани ҳамда васиятнома бўйича меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни, чунки васиятномадаги имзо отасига тегишли эмаслигини баён қилиб, васиятномага кўйилган имзонинг ҳақиқийлигини аниқлаша мақсадида иш бўйича суд-хатшунослик экспертизасини тайинлашни сўраган.

Суд мажлисида жавобгар К.Хасанова бобоси Ҳаким Махмудовнинг ўзи нотариал идорага бориб васиятномага имзо кўйилсанлигини баён қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 84-моддасининг биринчи қисмига мувоффик, ишни кўриш вақтида көлиб чиккан, фан, техника, санъят ёки ҳунар соҳасида маҳсус билимларни талаб қиласидан масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлашни мумкин.

Суд, тарафлар фикрларини эшишиб, даъвогар томонидан келтирилган важга қончаний баҳо бериш учун васиятномадаги имзо мерос қолдируви томонидан кўйилган ёки кўйилмаганлигини аниқлаш зарур аҳамиятга эга эканлиги, бироқ шубу саволларга жавоб бериш учун фан ва техника соҳасида маҳсус билимлар талаб қилинини инобатга олиб, иш бўйича судга оид хатшунослик экспертизаси тайинлашни ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 93-моддасининг 5-бандига кўра экспертиза хulosаси олингунига қадар иш юритишин тўхтатиб туришни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 84, 85, 93, 237, 238-моддаларини кўплаб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Даъвогар Н.Махмудовнинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Иш бўйича судга оид хатшунослик экспертизаси тайинлансан.

Экспертизани ўтказиш Республика суд экспертизаси марказининг экспертлари зиммасига юқлатисин.

Экспертлар олдига куйдаги саволлар кўйилсин:

1. Мерос қолдируви Х.Махмудов томонидан тузилган 2015 йил 10 сентябрдаги васиятномадаги имзо мерос қолдируви Х.Махмудов томонидан кўйилганми?

2. 2015 йил 10 сентябрда тузилган васиятноманинг Мирзо Улугбек тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси реестр китобига 4553-рақам билан қайд



этилганлигини тасдиқловчи ёзувлар ва қўйилган имзо мерос қолдирувчи Х.Махмудов томонидан қўйилганими?

Кўйидаги хужжатлар талаб қилиб олиниб, экспертиза ихтиёрига юборилсин:

- Мирзо Улуғбек тумани 1-сонли Давлат нотариал идорасидан Х.Махмудов номига расмийлаштирилган 2015 йил 10 сентябрдаги васиятнома ва реестр китобининг асл нусхаси;
- Мирзо Улуғбек тумани ИИБдан Х.Махмудов номига очилган Ф.№1 маълумотномаси;
- Мирзо Улуғбек тумани Пенсия Жамғармасидан Х.Махмудовнинг пенсия иши ҳамда 2010-2015 йиллар давомида тўлдирилган пенсия тўловлари бўйича ведомостлари;
- "Истиқлол" МЧЖдан Х.Махмудовнинг пенсияга чиқишдан олдин 2005-2010 йиллар давомида қоровул бўлиб ишлаган давридаги иш ҳаки бўйича тўлдирилган ведомостлари.

Экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар даъвогар А.Эсанов зиммасига юклатилсин.

Экспертиза хуносаси олингунга қадар фуқаролик иши бўйича иш юритиш тўхтатилсин.

Ажрим устидан шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шахар судига хусусий шикоят, хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи судья

имзо

Н.Махмудов



А Ж Р И М (фуқаролик ишини иш юритувидан тугатиш тұғрисида)

2016 йил июнь ойининг 20 куни фуқаролик ишлари бүйіча Яккасарой туманлараро судининг очық суд мажлиси ўз биносида бўлиб,
раислик этувчи, судья Н.Махмудов,

А.Умаровнинг котиблигига, тарафлардан даъвогар М.Азимов, унинг вакили адвокат К.Хосилов ва жавобгар А.Азимовнинг иштирокида даъвогар М.Азимовнинг жавобгар А.Азимовга нисбатан васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш тұғрисидаги фуқаролик иши кўриб чиқилиб, куйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

даъвогар Мавлон Азимов жавобгар Али Азимовга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2015 йил 15 декабрда нотариал тасдиқланган отаси Карим Азимов томонидан қолдирилган васиятномани ҳақиқий эмас деб топишни сұраган.

Мазкур фуқаролик иши кўрилиши жараёнда даъвогар Мавлон Азимов судга ариза билан мурожаат қилиб, даъво талабидан воз кечганилгини билдири.

Жавобгар Али Азимов зерттөроzi йўқлигини билдири.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессын кодекси 180-моддасига кўра даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганилги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганларига ёки тарафлар интишарни келишув битимининг шартлари суд мажлиси байёномасига киритилади ва тегислана, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганилги, жавобгарнинг даъвогар арз қилган талабларни тан олганларига ёки тарафларнинг келишув битимини уларнинг судга юборган ёзма аризаларидан ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга кўшиб қўйилиб, бу хақда суд мажлиси байёномасида кўрсатилади.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганилгини қабул қилишдан ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга тегиси процессын ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтиради.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганилгини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тұғрисида суд ажрим чиқаради ва шу ажрим билан иш юритишни ҳам тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессын кодекси 100-моддасининг 3-бандига асоссан даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечиши қабул қилган бўлса, суд иш юритишни тугатади.

ФПК 102-моддасига мувофиқ, иш юритиш тугатилган тақдирда, айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тұғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккичи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмасиги тарафларга тушунтирилди.

Суд ишда иштирек этувчи шахсларнинг фикрларини эшишиб, даъвогарнинг даъво талабларидан воз кечганилги қонунга ва бошқа шахсларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларига зид эмаслигини инобатта олиб, даъвогарнинг даъво талабидан воз кечишини қабул қилишни лозим топади.

Юқоридагиларни инобатта олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессын кодексининг 100, 102, 180, 237, 238 - моддаларини қўллаб, суд



АЖРIM ҚИЛАДИ:

Даъвогар М.Азимовнинг даъво талабидан воз кечиши қабул қилинсин ва шу асосга кўра фуқаролик иши бўйича иш юритиш тугатилсин.

Ажрим устидан шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Фаргона вилоят судига шикоят, протест келтирилиши мумкин.

Раислик этувчи судья

ИМЗО

Н.Махмудов



А Ж Р И М (даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўгрисида)

2016 йил июнь ойининг 23 куни фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлардо судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,
раислик этувчи, судья Д.Турдиев,

3.Очилованинг котиблигида, даъвогар Т.Чориевнинг жавобгар З.Чориевага нисбатан меросга бўлган хукуқ тўгрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш тўгрисидаги фуқаролик иши кўриб чикилиб,

А Н И Қ Л А Н Д И:

Даъвогар Т.Чориев жавобгар З.Чориевага нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, 2016 йил 5 февралдаги меросга бўлган хукуқ тўгрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Мазкур фуқаролик иши судда кўриш учун 2016 йил 16 июнь ва 23 июнь кунларига тайинланниб, тарафлар иш кўрилиши жойи ва вақти тўгрисида қонунда белгиланган тартибда огохлантирилган.

Шунга қарамасдан даъвогар суд мажлисига келмаган ва судга келмаслик сабабларини маълум қилмаган.

Жавобгар З.Чориева эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 97-моддасининг 5-бандида, ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чакириуб бўйича судга келмаса, жавобгар эса, ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса ариза кўрмасдан қолдирилиши белгиланган.

Шунга кўра суд даъвогар Т.Чориевнинг даъво аризасини кўрмасдан қолдириши лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 97, 98, 99, 237, 238 - моддаларини кўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

даъвогар Т.Чориевнинг даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Даъвогарга агар судга узрли сабабларга кўра кела олмаганингини тасдикловчи далиллар мавжуд бўлса, судга илтимоснома киритиш хукуки, бошқа ҳолатларда умумий тартибда судга қайта даъво билан мурожаат қилиш хукуки мавжудлиги тушунтирилсин.

Раислик этувчи судья

имзо

Д.Турдиев



ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2016 йил июнь ойининг 13 куни фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманларо судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

раислик этувчи, судья К.Бердиев,

Л.Тошеванинг котиблигига, Чирчиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Каримов, аризачи А.Хамидова, унинг вакили адвокат Н.Сидиковларнинг иштироқида аризачи А.Хамидованинг мерос қолдиривчи Б.Ахмедовнинг қарамогида бўлғанлик фактини белгилаш тўғрисидаги фуқаролик иши кўриб чиқилиб,

АНИҚЛАНДИ:

Алия Хамидова судга ариза билан мурожаат қилиб, 1950 йилда түғилганлиги, 1980 йилда Баходир Ахмедов билан турмуш кўриб бирга яшаб келганлиги, лекин қонуний никохдан ўтмаганлиги, хеч қаёрга ишламаганлиги ва даромади бўлмаганлиги, фақат турмуш ўртогининг ойлигига ва кейинчалик пенсиясига яшаб келганлиги, Б.Ахмедов 2013 йил 27 ноябрда вафот этганинги, у билан ҳәётлигига Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 15-квартирада яшаб келишганлиги, ушбу ўй марҳум Б.Ахмедовнинг номида эканлиги, мазкур хонадан мерос мулки бўлганлиги, бироқ мерос мулкини расмийлаштириш учун Б.Ахмедовнинг қарамогида бўлғанлик фактини белгилаш зарур эканлигини билдириб, ўзини марҳум Б.Ахмедовнинг қарамогида бўлганлик фактини белгилапши сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи А.Хамидова аризадаги важларни кувватлаб, аризасини қаноатлантириши сўради.

Суд мажлисида иштирок этган аризачининг вакили адвокат Н.Содиков аризани қаноатлантириб, А.Хамидованинг марҳум Б.Ахмедовнинг қарамогида бўлғанлик фактини белгилапши сўради.

Суд мажлисида иштирок этган Чирчиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Каримов аризани қаноатлантириши сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахспарнинг фикрларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини эшишиб, иш кужжатларини ўрганиб чиқиб, куйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришини лозим топади.

Иш ҳолатларидан кўринишича, 1950 йилда түғилган Анорхон Хамидова 1948 йилда түғилган Баходир Ахмедов билан 1975 йилда турмуш кўриб, қонуний никохдан ўтмасдан, Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 15-квартирада бирга яшаб келишган.

А.Хамидова хеч қаёрга ишламаган, Б.Ахмедов эса Чирчиқ шаҳридаги 6-сонли автокорхонада ҳайдовчилик вазифасида 2008 йилгача ишлаб келган ва 2008 йилда пенсияга чиқкан.

А.Хамидова ва Б.Ахмедовларнинг турмушларидан фарзандлари йўқ. Б.Ахмедов 2013 йил 27 ноябряда вафот этган.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Д.Авезова аризачи А.Хамидова билан кўшини эканлиги, аризачи марҳум Б.Ахмедов билан турмуш кўриб, Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 15-квартирада бирга яшаб келишганлиги, А.Хамидова бирон-бир жойда ишламаганлиги ва доимий равишда Б.Ахмедовнинг қарамогида бўлғанлиги, биргаликдаги турмушларидан фарзандлари йўқлигини, марҳум Б.Ахмедовнинг бошқа меросхўрлари йўқлигини баён қилди.



Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган У.Махмудов, Б.Каландаров ва Д.Осиповалар ҳам гувоҳ Д.Авезованинг тушунтиришига ўхшаш тушунтириш берилди.

Чирчиқ шаҳар "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йигини томонидан берилган 2016 йил 11 майдаги 147-сонли маълумотномадан А.Хамирова Б.Ахмедов билан Чирчиқ шаҳри, Навоий кӯчаси, 15-квартирада бирга яшаб келишганлиги, А.Хамирова хеч қаерда ишламаганлиги ва доимий равишда мархум Б.Ахмедовнинг қарамогида бўлиб келганлиги, юкорида кўрсатилган квартирада доимий рўйхатда А.Хамидовдан ташкиари бошқа хеч ким йўқлиги кўринди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 283-моддасининг биринчи қисмига кўра, фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқлари вужудга келиши, узгарishi ёки туғашига сабаб буладиган фактларни суд аниқлайди.

Шунингдек, мазкур модда иккичи қисмининг 2-бандига асосан суд шахс бирорнинг қарамогида эканлиги фактини аниқлаша тўғрисидаги ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги 5-сонли қарорининг 7-бандиди, қонун қариндошлик муносабатларини, бу муносабатлар бевосита юридик оқибатларни келтириб чиқаргандагина, яъни уларни тасдиқлаш аризачига меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳнома олиш учун, бокувчини ийӯкотганлиги муносабати билан нафака расмийлаштириш учун, кўп болалик бўйича давлат ёрдам пули олишига ҳақли бўлиш ва ҳоказолар учун зарур бўлса, белгилашга йўл қўйиши тўғрисида тушунтириш берилган.

Бундан ташкиари, мазкур Пленум қарорининг 9-бандиди, судлар ўлганнинг қарамогида бўлганлик фактини белгилаш, агарда бериб келинган ёрдам аризачининг ҳаёт кечириши учун доимий ва асосий манба бўлган бўлса, мерос олиш, пенсия тайинлаш ёки зарарни тўлатиш учун аҳамиятга эгадир. Аризачи иш ҳаки, нафака, стипендия олиб келган ёки бошқа даромад манбаига эга бўлган ҳолларда, ёрдам кўрсатиб келган шаҳс томонидан берилган ёрдам аризачининг ҳаёт кечириши учун доимий ва асосий манба бўлган-булмаганлигини аниқлаш кераклиги белгиланган.

Судда аниқланнишича, аризачи А.Хамирова ҳақикатан ҳам Б.Ахмедовнинг қарамогида бўлиб келган, аризачи хеч қаерда ишламаган ва пенсия олмаган, Б.Ахмедов томонидан А.Хамидовага берилган ёрдам аризачининг ҳаёт кечириши учун доимий ва асосий манба бўлиб ҳисобланган.

Бу ҳолат гувоҳларнинг кўрсатувлари, маҳалла фуқаролар йигини маълумотномалари ҳамда аризачининг тушунтиришлари билан ўз исботини топган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206, 283 - моддаларини кўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Аризачи А.Хамидованинг аризаси қаноатлантирилсин.

Алия Хамидованинг 2013 йил 27 нообрда вафот этган Баходир Ахмедовнинг қарамогида бўлганлик факти белгилансан.

Ҳал қўйиб қароридан норози тараф йигирма кунлик муддатда шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида ёки бир йил муддатда кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи судья

имзо

К.Бердиев



ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2016 йил май ойининг 18 куни фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,
раислик этувчи, судья Б. Садиков,

С. Собировнинг котиблигига, Бухоро шаҳар прокурори ёрдамчиси К. Давронов,
даъвогар Бухоро шаҳар ҳокимлиги вакили К. Жамоловнинг иштирокида даъвогар
Бухоро шаҳар ҳокимлигининг мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги фуқаролик иши
куриб чиқилиб, куйидагилар

АНИҚЛАНДИ:

даъвогар Бухоро шаҳар ҳокимлиги судга даъво ариза билан мурожаат қилиб,
Бухоро шаҳар, Фурқат кўчаси, 5-йуда фуқаро Тохир Қодиров 2011 йилнинг 15 апрель
кунигача яшаб келиб, 2011 йил 15 апрелда вафот этганлигини, унинг вафотидан
кейин қолган юкорида кўрсатилган мол-мulkка нисбатан меросхўрлар
аниқланмаганлиги сабабли мазкур уй қаровсиз қолиб кетганигини билдириб, ушбу
үй-жойни эгасиз мол-мulk деб топлиши сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили К. Жамолов даъво талабини
куватлаб, Бухоро шаҳар, Фурқат кўчаси, 5-йуда яшаган фуқаро Т. Қодиров 2011 йил
15 апрелда вафот этган бўлиб, бугунги кунгача унинг меросхўрлари чиқмаганлиги
сабабли уй эгасиз ва қаровсиз қолганлигини билдириб, датони қаноатлантиришни
сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг, ишда қатнашган прокурорнинг
даъвони қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини эшишиб, иш хужжатларини ўрганиб
чиқиб, куйидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни ва Бухоро шаҳар, Фурқат
кўчасидаги жойлашган 5-йуда эгасиз мол-мulk деб топлиши лозим хисоблайди.

Иш хужжатларидан кўринишича, Бухоро шаҳар, Фурқат кўчаси, 5-йуда фуқаро
Т. Қодиров оила қурсадан, бир узб яшаб келиб, 2011 йил 15 апрелда вафот этган.
Ундан қолган мерос мулки бўлган уйга нисбатан меросхўрлар топилмаган. Хонадонга
хеч ким қарамаётганилиги, таъмиглаш ва ободонлаштириш ишларини олиб
бормаганлиги сабабли, үй-жой қаровсиз ва ташландик ҳолатига келиб қолган.

Суд мажлисида сўрқ қилинган мархум Т. Қодировнинг кўшиллари – Бухоро
шаҳар, Фурқат кўчаси, 7-йуда яшовчи С. Маманова ва 10-хонаёнданда яшовчи
Т. Умаровлар 2011 йилнинг апрели ойida Т. Қодиров вафот этганлигини, унинг
биронта қариндоши бўлмаганлигини, вафотидан сўнг меросхўрлари
топилмаганлигини, үй-жой қаровсиз қолиб кетганигини баён қилишган.

Бухоро шаҳар, “Истиқлол” МФЙнинг 2016 йил 11 майдаги 77-сонли
маълумотномасида Бухоро шаҳар, Фурқат кўчасидаги 5-йуда жойда рўйхатда хеч ким
турмаслиги ва яшамаётганилиги, маҳалла фуқароларининг барчаси үй-жой билан
тъминланганлиги, ушбу үй-жойда маҳаллада эҳтиёж мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига кўра агар
конун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд
меросхўрлардан хеч қайиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси
меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мulk эгасиз деб хисобланади.

Мерос мол-мulk мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи
ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган



кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни кўриклиш ва бошқариш билан болгик ҳаракатлар унинг қўйматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда давлат мулкига ўтади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июндаги “Судлар томонидан мерос хукуқига оид қонунчиликнинг кўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарорининг 22-бандида, қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаган ёки меросхўрлардан ҳеч қайиси ворислик хукуқига эга бўлмаган ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган ҳолларда мерос мол-мулк суднинг ҳал қилув қарорига асосан эгасиз деб топилиши ҳакида тушунириши берилган.

Суд, Бухоро шаҳар, Фурқат кўчаси, 5-й қаровсиз қолганлиги, бугунги кунда мархум Тоҳир Қодировнинг қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлари топилмаганлиги, мерос очилган кундан бошлаб уч йилдан ортиқ вақт ўтганлигини инобатга олиб, мазкур хонадонни эгасиз мол-мулк деб топишни ва мазкур мол-мулкдан турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи воз кечганлиги сабабли, ушбу эгасиз мулкни давлат тасарруфига ўтказишни лозим ҳисоблайди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1157, Фуқаролик процессуал кодексининг 203–206 - моддаларини кўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

даъвогар Бухоро шаҳар ҳокимлигининг Бухоро шаҳар, Фурқат кўчаси, 5-йуни эгасиз мол-мулк деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Бухоро шаҳар, Фурқат кўчаси, 5-й-жой эгасиз мол-мулк деб топипсин ва давлат тасарруфига ўтказилсин.

Ҳал қилув қароридан норози тараф йигирма кунлик муддатда шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят судига апелляция тартибида ёки бир йил муддатда кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳакли.

Раислик этувчи судья

имзо

Б.Садиков



*Меросхўр деб топиш ва мерос
улушини белгилаш ҳақида*

ҲАЛ ҚИЛУВ ҶАРОРИ
Ўзбекистон Республикаси номидан

2014 йил август ойининг 14 куни фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,
Раислик этувчи судья Б.Зокиров
Ф.Шодиевнинг котиблигига,
адвокатлар Ф.Алимова, А.Мухамедов, тарафларнинг иштироқида даъвогар Фахриева Дилноза Носировнанинг жавобгар Фахриева Дилором Хамидовнага нисбатан меросхўр деб топиш ва мерос улушкини белгилаш ҳақидаги даъвоси юзасидан юритилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуидагиларни,

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Дилноза Фахриева жавобгар Дилором Фахриевага нисбатан судга даъво билан мурожаат этиб, жавобгар унинг келини бўлишини, ўғли Т.Фахриев билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганинги, уларнинг 2 нафар 2004 йилда түғилган Н.Фахриева ва 2009 йилда түғилган С.Фахриев исмли фарзандлари борлигини, 2010 йил 30 сентябрда ўғли Т.Фахриев юрак хасталиги оқибатида вафот этганлигини, ундан Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-йй, 9-квартира мерос бўлиб қолганинги, мазкур квартира 2007 йил 12 апрелдаги олди-сотди шартномасига асосан келини Дилором Фахриевага тегишилигини, аслида квартирани ўзи сотиб олиб, келинининг номига расмийлаштирганинги, жавобгар уй хужжатларини бермаётганиниги сабабли мерос мулкини расмийлаштира олмаётганинги кўрсатиб, ўзини меросхўр деб топишни ва мерос улушкини белгилаб беришни сўраган.

Суд мажлисида Дилноза Фахриева даъво талабини қувватлаб, даъво аризасида баён этилган ҳолатларни билдири.

Жавобгар Дилором Фахриева (бир вақтда вояга етмаган фарзандларининг қонуний вакили сифатида ҳам) даъвони тан олмасдан, ҳақиқатдан ҳам даъвогарнинг ўғли билан 2003 йил қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганинги, ўзаро турмушларидан 2 нафар фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи 2010 йил 30 сентябрда вафот этганлигини, никоҳ давомида уй олишганлигини ва уйни эри ўз пулига олганлигини, коммунал тўловларини ўзи тўлаб келишини, эридан бошқа мол-мулк қолмаганинги билдириб тушунтириш берди.

Суд тарафларнинг баёнотларини, адвокатларнинг фикрини тинглаб, иш материалларини ўрганиб ва таҳлил қилиб, қуидаги асосларга кўра даъвони қаноатлантиришни лозим деб топади.



Судда аниқланишича, низоли бўлган Тошкент шахар, Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-квартира 2007 йил 12 апрелдаги олди-сотди шартномасига асосан жавобгар Дилором Фахриевага мулк ҳуқуки асосида тегишли. Олди-сотди шартномаси нотариал расмийлаштирилган ва квартирага эгалик ҳуқуки Чилонзор ТЖБКХ бўйимида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жавобгар Д.Фахриева ва даъвогарнинг ўғли К.Фахриев билан 2003 йил 10 июлда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, ўрталарида 2 нафар - 2004 ва 2009 йилда туғилган Санжар ва Нигора исмли фарзандлари бор.

К.Фахриев 2010 йил 30 сентябрда вафот этган бўлиб, унинг вафотидан сўнг биринчи навбатдаги меросхўрлари каторига онаси Д.Фахриева, хотини Д.Фахриева ва 2 нафар фарзандлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Шунингдек, Кодекснинг 28-моддасига кўра эр ва хотиннинг умумий мол-мulkини бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкдаги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушларни тенг деб ҳисобланади.

Бундай ҳолатда, низоли бўлган Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадонда мархум К.Фахриевнинг хонадоннинг $\frac{1}{2}$ қисмига мулк ҳуқуки мавжуд бўлиб, унинг ўтимидан сўнг мазкур $\frac{1}{2}$ қисмига мерос очилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан К.Фахриевнинг вафотидан сўнг унинг фарзандлари, хотини ва онаси биринчи навбатдаги меросхўрлар ҳисобланиб, уларнинг квартирадаги улушлари кўйидагича, яъни хотини Д.Фахриеванинг мерос улуши $\frac{1}{8}$, онаси Д.Фахриева, фарзандлари С.Фахриев ва Н.Фахриеваларнинг ҳар бирининг улуши $\frac{1}{8}$ қисмини ташкил этади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессал кодексининг 207-моддасини кўллаб, Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадонга нисбатан барча меросхўрларнинг улушларини белгилашни лозим топади.

Квартиранинг $\frac{5}{8}$ (ўз улуши $\frac{1}{2}$ + мерос улуши $\frac{1}{8}$) қисми Дилором Фахриевага, $\frac{3}{8}$ қисми Дилноза Фахриева, Санжар Фахриев ва Нигора Фахриеваларга тегишли бўлади.

Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисидаги 14-сонли қарорининг 22-бандидаги тушунтиришларига кўра, мулкка нисбатан ворислик ҳуқуки тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилганда, давлат божи суд томонидан мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиқсан ҳолда



ҳисобланади ва ворисларнинг ҳар биридан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Бунда мол-мulkнинг умумий қўйматига, хусусан, уй-жой (квартира) ёки уй-жой курилиш ширкатидаги пай, башарти ворислар шу уй-жой (квартира)да мерос қолдирувчи билан бирга яшаб келишган, у вафот этган кунга қадар рўйхатдан (пропискадан) ўтишган ва мерос қолдирувчи вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётган бўлсалар кирмайди.

Суд барча меросхўрлар низоли уй-жойда мерос қолдирувчи К.Фахриев билан бирга рўйхатдан ўтган ҳолда яшаб келишганлигини ва унинг вафотидан сўнг ҳам яшашни давом эттиришаётганлигини инобатга олиб, тарафларни давлат божини тўлашдан озод қилишини лозим топади.

Бинобарин юқоридагиларга кўра Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 203 – 206 - моддаларини кўллаб, суд

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Даъвогар Д.Фахриеванинг даъвоси қаноатлантирилсин.

Даъвогар Фахриева Дилноза Носировна, жавобгар Фахриева Дилором Хамидовна, Фахриев Санжар Қодир ўғли, Фахриева Нигора Қодир қизи Тошкент шахар, Чилонзор тумани, 25-мавзе, 1-уй, 9-хонадоннинг $\frac{1}{2}$ қисмига тенг ҳиссасда меросхўр деб топилсинлар.

Мазкур хонадонда Фахриева Дилором Хамидовнанинг улуши 5/8 қисм миқдорида, Фахриев Санжар Қодир ўғли, Фахриева Нигора Қодир қизи ва Фахриева Дилноза Носировналарнинг ҳар бирининг улуши 1/8 қисм миқдорида белгилансин.

Тарафлар давлат божини тўлашдан озод қилинсинлар.

Ҳал қипув қароридан норози тараф 20 кун муддат ичida шу суд орқали фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик этувчи

имзо

Б.Зокиров



СУД АМАЛИЁТИ

Васиятнома тузища гувоҳларнинг иштирок қилганлиги васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлолмайди

Гавҳар Хусанова судга Ўруновга нисбатан даъво билан мурожаат қилиб, холаси Гулзоз Хусанова томонидан жавобгар фойдасига тузилган васиятномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд 2001 йил 19 июлда даъвони рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган.

Вилоят суди апелляция инстанцияси ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати қуидагиларга кўра апелляция инстанцияси ажримини бекор қилиб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини кучда қолдириди.

Фуқаролик иши ҳужжатларига қараганда Г.Хусайнова Н. шаҳар, Тошкент кўчаси, 3-йида яшаб келган ва ушбу уйни 2000 йил 12 декабрда нотариал тартибда тасдиқланган васиятнома орқали кўшниси Ўруновга васият қилган.

2000 йил 18 декабрда Г.Хусайнова вафот этган.

Ўзбекистон Республикаси ФК 1128-моддасига мувофиқ, нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Судда аниқланишича, васият қилувчи Г.Хусайнова васиятнома тузища гувоҳларни иштирок қилдирган.

Апелляция инстанцияси ФКнинг 1128-моддасида назарда тутилган моддий хуққу нормаларини нотўғри талқин қилиб, васиятнома тузища гувоҳларнинг иштирок қилганини васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос қилиб кўрсатган.

Қайд қилинган қонун нормасида васиятномани сир сақлаши шарт бўлган шахслар доираси, яъни нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро кўрсатилган.



Ваҳоланки, васиятнома түзишда гувоҳларнинг иштирок қилганлиги ёки васиятноманинг мавжудлигини ошкор қилиниши васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши амалдаги Фуқаролик кодексида назарда тутилмаган.

ФСҲ-72-03-сонли ажрим

Суд меросдан мажбурий улуш ажратиш ҳақидаги низони кўришда қонун бўйича ворисга тегиши лозим бўлган мажбурий улушни жами мерос мулкка нисбатан қисмда ҳисоблаши лозим

К.Аҳмедов, В.Хонхўжаевалар жавобгарлар М.Абдуллаева ва Н.Хонхўжаеваларга нисбатан васиятномани ва васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани ҳамда олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва меросни тақсимлаш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилганлар.

Туманлараро судининг 2001 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Т.Садикова қизи Н.Хонхўжаева номига қолдирган 1983 йил 9 июндаги васиятнома ва 1988 йил 31 октябрдаги васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳноманинг учдан икки қисми ҳақиқий эмас деб топилган.

В.Хонхўжаева Н.шаҳар Юсуф Хожи 1-тор кўчаси, 17-йининг мажбурий улуш ҳисобланган учдан икки қисмiga нисбатан меросхўр деб топилган. Н.Хонхўжаевадан В.Хонхўжаева фойдасига улушининг учдан икки қисми эвазига 716000 сўм ундирилиб, В.Хонхўжаеванинг уйдаги ҳиссасига нисбатан эгалиги тутатилган.

Даъво талабларининг қолган қисми рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2001 йил 12 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарорининг Н.Хонхўжаевадан пул ундириш қисми 358000 сўмга келтирилиб, қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Вилоят суди раёсатининг 2003 йил 17 сентябрдаги қарори билан қўйидагиларга кўра суд қарорларини ўзgartирган.

Аниқланишича, Т.Садикова 1988 йил 9 июндаги нотариал тасдиқланган васиятномага кўра барча мол-мулкларини, жумладан қайд қилинган уй-жойни ҳам қизи Н.Хонхўжаева ва невараси М.Ортиқовага васият қилиб қолдирган.



Т.Садиқова 1988 йил 11 майда вафот этган.

1988 йил 19 сентябрда Н.Хонхўжаева меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бериш ҳақида нотариал идорага мурожаат этган. М.Ортиқова эса 21.09.1988 йилда нотариал идорага ариза билан мурожаат қилиб, васиятнома бўйича ўзига тегишли меросдан Н.Хонхўжаева фойдасига воз кечган.

1988 йил 15 ноябрда Н.Хонхўжаева васият бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома олган ва шу асосда 2000 йил 14 февралда низоли уйни нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра М.Абдулаевага 1.074.000 сўмга сотган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг (1963 йилдаги таҳрирда) 586-моддасига мувофиқ, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз болалари, шунингдек марҳумнинг меҳнатга лаёқатсиз эри ёки хотини, ота-онаси ва қарамогидаги шахслар, васиятнинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича мерос олганда уларнинг ҳар бирига тегиши лозим бўлган ҳиссанинг камида учдан икки қисми ҳажмида мерос (мажбурий ҳисса) оладилар.

Судда аниқланган ҳолатларга қараганда мерос қолдирувчи вафот этган вақтда В.Хонхўжаева меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги қарорининг 16-бандида судлар мерос мулкидан меросхўрнинг улушини белгилашда фоиз ҳисобида эмас, балки қисм, улушларда ҳисоблашлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Қайд этилган ҳолатда жами мероснинг иккidan бир қисми В.Хонхўжаевага қонун бўйича тегиши лозим бўлган. Ушбу улушнинг учдан икки қисми мажбурий улуш ҳисобланиб, бу жами мерос мулкнинг учдан бир қисмини ташкил этган.

Бундай ҳолда васиятнома ва васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳноманинг мерос мулкнинг учдан бир қисмiga нисбатан қисми ҳақиқий эмас деб топилиши лозим эди.

Бироқ биринчى инстанция суди қайд қилинган Пленум қарори тушунтиришларига зид равишда низолашилаётган васиятнома ва қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳноманинг учдан икки қисмини ҳақиқий эмас деб, низоли уйнинг эса учдан икки қисмiga В.Хонхўжаевани меросхўр деб топиб хатога йўл қўйган.



Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу камчиликларга эътибор қилмасдан суд қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

P-124-03-сонли қарор

Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка навбати билан чақирилади. Аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган тақдирдагина кейинги навбатдаги ворислар ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

Н.Мажидова жияни Т.Шокировни оила аъзолари билан мерос уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилган.

Жавобгар Т.Шокиров Н.Мажидова номига берилган васиятномани ва мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарши даъво келтирган.

Туманлараро судининг 2003 йил 10 мартағи ҳал қилув қарорига кўра Н.Мажидованинг даъвоси қаноатлантирилган. Т.Шокиров ва унинг оила аъзолари низоли уйдан кўчирилган.

Т.Шокировнинг қарши даъвоси рад қилиниб, унга уй-жой қурилиши билан харажатларини ундириш ҳақида даъво қўзғатиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 19 июндаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2004 йил 14 июндаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра мазкур иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанцияда кўриш учун юборилган.

Аникланишича, Ш.Бўронов 1987 йилда ўзи яшаб келган уй-жойни қизи Н.Мажидовага васият қилиб қолдирган. Васиятнома «Деҳбед» қишлоқ совети котиби томонидан расмийлаштирилиб, Н.туман давлат нотариуси томонидан Н.Мажидовага мерос гувоҳномаси берилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 42-моддаси талабига мувофиқ суд арз қилинган талаб уни илгари суриш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъвогарнинг аризаси бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганлигини аниqlаса, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгарни



ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1135-моддаси талабига мувофиқ қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислар даъвогар Н.Мажидованинг опалари ҳамда жавобгар Т.Шокировнинг онаси ва холалари мавжуд бўла туриб, Т.Шокиров иккинчи даражали меросхўр ҳисобланган ҳолда даъво билан судга мурожаат этганлиги ҳолатига судлар баҳо бермасдан, Т.Шокировнинг даъво талабини мазмунан кўриб, рад этиш хақида хато тўхтамга келган.

ФСҲ-293-04-сонли ажрим

Мерос амалдаги Фуқаролик кодекси ҳаракатга киритилгунга қадар очилган бўлиб, 1997 йилнинг 1 март кунига қадар меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуки бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ва давлат мулкига ўтказилмаган бўлса, мерос юзасидан келиб чиқадиган низоларга нисбатан амалдаги кодекс тадбиқ қилинади.

Матлуба, Мұхаббат ва Абдулҳаким Тешабоев ҳамда Ойгул Сирожевалар жавобгарлар Абдураҳмон Тешабоев ва нотариал идорага нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда низоли уй марҳум оталари Ж.Тешабоевдан мерос бўлиб қолганлигини, оиласа 5 нафар фарзанд бўлганликларини, ота-оналари, опаси ва акаси вафот этганлигини, Абдураҳмон Тешабоев ота-оналаридан қолган мерос уй-жойни 2004 йил 21 июлда яширин равишда ўз номига расмийлаштириб олганлигини кўрсатиб, туман давлат нотариал идораси томонидан 2004 йил 21 июлда Абдураҳмон Тешабоев номига расмийлаштирилган мерос гувоҳномасини хақиқий эмас деб топишни ҳамда ўзларини низоли уй-жойга меросхўр деб топиб, уй-жойни меросхўрлар ўртасида бўлиб беришни сўраганлар.

Абдураҳмон Тешабоев ўз навбатида Матлуба ва Абдуҳаким Тешабоев ва Ойгул Сирожеваларга нисбатан судга қарши даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда низоли уй-жой марҳум ота-онасидан



қолганлигини, бошқа меросхўрларнинг уй-жойлари борлигини кўрсатиб, жавобгарларни низоли уйдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2005 йилдаги ҳал қилув қарорига кўра даъвогарлар Матлуба, Мұхаббат ва Абдулҳаким Тешабоевлар ва Ойгул Сирожеванинг даъвоси қисман қаноатлантирилиб, туман нотариал идораси томонидан 2004 йил 21 июлда Абдураҳмон Тешабоевга берилган қонун бўйича мерос мулкига бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган. Низоли уй Абдураҳмон Тешабоев тасарруфида қолдирилиб, ундан Матлуба ва Мұхаббат Тешаеваларнинг ҳар бирига 719.478 сўмдан, Ойгул Сирожевага 102.782 сўм, Абдуҳаким Тешабоевга 179.869 сўм ундирилган.

Абдураҳмон Тешаевнинг қарши даъвоси қаноатлантирилиб, Матлуба Тешаева, Абдуҳаким Тешаев ва Ойгул Сирожевалар низоли уй-жойдан мажбурий тартибда кўчирилганлар.

Апелляция инстанциясининг 2005 йил 9 августдаги ажрими билан суд ҳал қилув қарорининг Абдураҳмон Тешабоевга нисбатан нотариал ҳаракатни бекор қилиш ва мерос мулкни бўлиш қисми ҳамда Абдураҳмон Тешабоевдан давлат божи ундириш қисми бекор қилиниб, даъвогарларнинг даъвосини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган. Низоли уй-жойни Л, В, К-литерли 828.496 сўмлик қисмини Абдураҳмон Тешабоев қурган деб, умумий мерос уй-жой қисмидан чиқариш қисми ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмидан чиқарилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2006 йил 17 апрелдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилинган.

Аниқланишича, низоли хонадон Ж.Тешабоевга тегишли бўлиб, у 1977 йил 1 сентябрда, унинг турмуш ўртоги З.Мусаева эса 1990 йил 19 сентябрда вафот этган. Уларнинг 5 нафар фарзандлари бўлиб, ўғли Абдураҳим Тешабоев 1997 йил 24 июня, қизи Махбуба Сирожева 2002 йил 29 августда вафот этган.

Ж.Тешабоев ва З.Мусаевалардан 307,9 кв.метрдан иборат уй мерос бўлиб қолган.

Абдураҳмон Тешаев мазкур уй-жойга нисбатан 2004 йил 21 июлда қонун бўйича меросга бўлган хукуқ тўғрисида гувоҳнома олган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Мерос ҳукуқига оид қонунларни кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 21-бандига мувофиқ, мерос амалдаги Фуқаролик кодекси ҳаракатга киритилгунга қадар очилган бўлиб, 1997 йилнинг 1 март кунига қадар меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳукуқи бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ва давлат мулкига ўтказилмаган бўлса, мерос юзасидан келиб чиқадиган низоларга нисбатан амалдаги кодекс тадбиқ қилинади. Агар мерос ворисларнинг бирортаси томонидан қабул қилинган бўлса ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, давлат мулкига ўтказилган бўлса, у ҳолда 1963 йил таҳриридаги Фуқаролик кодекси қоидалари татбиқ қилинади.

Мазкур иш бўйича мерос амалдаги Фуқаролик Кодекси ҳаракатга киритулгунга қадар, яъни 1990 йилда очилган бўлиб, Абдураҳмон Тешабоев ота-онасининг вафотидан сўнг мерос уй-жойда яшаб уй солиғи ва коммунал тўловларни тўлаб келган бўлса-да, уй-жойга нисбатан фақат 2004 йил 21 июлда меросга бўлган ҳукуқ тўғрисида гувоҳнома олган.

Мұхаббат Тешабоева 1971 йилда, Матлуба Тешаева 1980 йилда турмушга чиқиб кетганлар. Абдураҳим Тешабоев 1997 йил 24 июня, Махбуба Сирожева 2002 йил 29 августда вафот этган.

ФСҲ-18-06-сонли ажрим

Суд ишни даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасида ҳал қилади.

С.Охепкова жавобгар Т.Кизенкога нисбатан даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, олди-сотди шартномасига кўра низоли уй ўзига тегишли бўлса-да, жавобгар уйдан ҳайдаб юборганлигини кўрсатиб, жавобгарни уйдан кўчиришни сўраган.

Т.Кизенко қарши даъво қўзғатиб, отаси Н.Кривицкий низоли уйни ўғли Б.Кизенкога васият қилиб қолдирганлигини, С.Охепкова фирибгарлик йўли билан уйни ўзининг номига расмийлаштириб олганлигини кўрсатиб, уй олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

В.Курдяева жавобгар С.Охепковага нисбатан даъво билан мурожаат қилиб, Н.Кривицкий билан 1993 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, низоли уй сотилишида розилиги



олинмаганлигини кўрсатиб, низоли уй олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Туманлараро судининг 2003 йил 31 майдаги ҳал қилув қарорига кўра С.Охепкованинг даъвоси рад қилинган. Т.Кизенконинг қарши даъвоси қаноатлантирилиб, С.Охепкова билан Н.Кривицкий ўртасида 2002 йил 17 сентябрда тузилган олди-сотди шартномаси ҳақиқий эмас деб топилган. Н.Кривицкийнинг Б.Кизенко номига қолдирган васиятномаси ҳақиқий деб топилган. В.Кудряеванинг даъвоси рад қилиниб, у меросдан четлаштирилган.

Кассация инстанциясининг 2004 йил 24 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2005 йил 11 июлдаги ажрими билан қўйидаги асосларга кўра кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан шу инстанция судида кўриш учун юборилган.

Аниқланишича, Н.Кривицкий шаҳар ҳокимлигининг қарорига кўра ўзига тегишли бўлган уйни 1995 йил 26 июня Б.Кизенкога нотариал тартибда васият қилган. 2001 йил 14 майда ўзи ушбу васиятномани бекор қилган.

Васиятномани ҳақиқий деб топиш, В.Кудряевани меросдан четлаштириш ҳақида даъво қўзғатилмаган бўлсағда, суд даъво доирасидан чиқиб, 2001 йилда нотариал тартибда бекор қилинган васиятномани ҳақиқий деб топиб, мерос қолдирувчининг турмуш ўртофини меросдан четлаштириб, процессуал хатоликка йўл қўйган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 207-моддасига кўра суд ишни даъвогарнинг арз қилган талаблари доирасида ҳал қилиши лозим эди.

ФСҲ-304-05-сонли ажрим

Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунча қадар вафот этган тақдирда унга тегишли улуши унинг авлодларига ўтишини назарда тутади.

Р.Каримов ва М.Нажмиддиновалар жавобгар М.Каримовга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, низоли турар жой отаси



К.Ахмедовга тегишли бўлганлигини, у 1989 йилда вафот этганлигини кўрсатиб, меросни қабул қилиш муддатини тиклаб уларни меросхўр деб топиб, уй-жойни бўлиб беришни сўраганлар.

Жавобгар М.Каримов судда қарши даъво ариза қўзғатиб, отаси Р.Каримов 1999 йил вафот этганлигини, бобосидан қолган низоли уйга уни ҳам меросхўр деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2001 йил 16 мартағи ҳал қилув қарори билан даъвогарларнинг даъвоси қаноатлантирилган. Умумий даъво муддати тикланиб, Рахим, Рофе, Даврон Каримовлар ва М.Нажмиддиновалар низоли уйга нисбатан тенг улушли меросхўр деб топилганлар. М.Каримов отаси Р.Каримовнинг вориси деб топилган.

Рахим, Даврон Каримовлар ва М.Нажмиддинованинг ҳар бирига 485.775 сўмдан мерос ҳиссаси белгиланган. Низоли уй-жой Д.Каримов ва М.Каримовга қолдирилган.

Апелляция инстанциясининг 2002 йил 7 майдаги ажрими билан туманлараро судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича янги ҳал қилув қарори қабул қилинган. Унга кўра низоли уй тарафлар ўртасида асл ҳолида тақсимланган, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Туманлараро судининг 2004 йил 16 январдаги ажрими билан туманлараро судининг 2001 йил 16 мартағи ҳал қилув қарори янги очилган ҳолат бўйича бекор қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2004 йил 2 майдаги ажрими билан туманлараро судининг 2001 йил 16 мартағи ҳал қилув қарори ва вилоят суди апелляция инстанциясининг 2002 йил 7 майдаги ажрими янги очилган ҳолат бекор қилиниб иш юритишдан тугатилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2004 йил 9 августдаги ажрими билан низо юзасидан чиқарилган барча суд қарорлари куйидаги асосларга кўра бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 15-моддасига кўра суд тақдим этилган материал ва тушунтиришлар билан чекланмасдан ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда чоралар кўришга ҳақли.



Аниқланишича, туман ҳокимининг 2000 йил 12 сентябрдаги 450-К-сонли қарори билан 8 та яшаш ва ёрдамчи хоналарга нисбатан 1989 йили вафот этган К.Аҳмедовнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

К.Аҳмедовнинг 4 нафар Рахим, Рофе, Даврон, Муҳаббат исмли фарзандлари бўлиб, 1999 йил Рофе Каримов вафот этган.

Низоли уйда Д.Каримов ва Рофе Каримовнинг ўғли Мансур яшаб келган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1140-моддасига кўра тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунча қадар вафот этган тақдирда унга тегишли улуши унинг авлодларига ўтишини назарда тутиб, унинг фарзанди М.Каримов меросхўр деб топилиши лозим эди.

Бундан ташқари суд қурилиш техник экспертизаси бўйича низоли уйни баъзи чекинишлар билан тақсимлаганда ўртадаги фарқни ундириш ва янгидан қурилиши лозим бўлган қурилмалар кимга юқлатилганлик масаласи ойдинлаштирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 312-моддасининг 1-бандига мувофиқ иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқланмаганлиги суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.

ФСҲ-380-04-сонли ажрим

Суд кимлар низоли хонадонни хусусийлаштириш иштирокчилари бўлганлигини, Р.Шорасулов вафотидан кейин турар-жойнинг қандай қисмига нисбатан мерос очилгандигини аниқламаган, шунингдек вориснинг меросдан воз кечишини қабул қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Р.Усмонова судга жавобгарлар Р.Гурницкая, Р.Шорасулов, Н.Григорьева, З.Абубулаева ва Х.Ҳасановларга нисбатан даъво ариза билан мурожаат этиб, 41 турдан иборат отаси Р.Шорасуловдан мерос бўлиб қолган мол-мулкларни акаси Р.Шорасулов сотиб, ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганигини, мерос мулки бўлган низоли уй борлигини, Р.Шорасулов томонидан сотиб юборилган 41 турдан иборат мол-мулкларни бўлинмаслигига рози эканлигини кўрсатиб, низоли



турар-жойни ўзининг ихтиёрида қолдириб, бошқа меросхўрларнинг мерос мулкидаги улушларини пул ҳисобида ундиришни, X.Ҳасановни оила аъзолари билан низоли уйдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Х.Ҳасанов қарши даъво билан мурожаат этиб, низоли хонадонни Р.Шорасуловдан 1.000.000 сўмга сотиб олганлигини, бу ҳақида маҳалла қўмитаси томонидан тузилган тегишли далолатнома мавжудлигини кўрсатиб, мазкур олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Туманларабо судининг 2005 йил 18 августдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қисман қаноатлантирилиб, низоли хонадонга нисбатан Р.Усманова, Р.Гурницкая, Р.Шорасулов, Н.Григоревалар тенг ҳиссадаги меросхўрлар деб топилган. Низоли хонадон Р.Усмановага қолдирилиб, ундан Р.Гурницская ва Н.Григорьевалар фойдасига уларнинг мерос улушдаги ҳиссалари эвазига компенсация тариқасида 308.616 сўмдан ундирилган. Марҳум Р.Шорасуловдан қолган 324.000 сўмлик мол-мулклар мерос мулки деб топилиб, мазкур мол-мулклар Р.Шорасулов томонидан тасарруф этилганлиги боис, уни мерос туарар-жойдан ўз ҳиссасини олган деб ҳисобланган. Х.Ҳасанов барча оила аъзолари билан низоли туарар-жойдан кўчирилиб, унинг қарши даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2005 йил 25 октябрдаги ажримига кўра ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, Р.Гурницкаянинг ўз мерос улусидан Р.Усманова фойдасига воз кечганлиги қабул қилинган. Р.Усманова, низоли хонадоннинг 2/5 қисмига, Н.Григорева ва Р.Шорасуловларнинг ҳар бирлари 1/5 қисмига меросхўр деб топилган. Низоли хонадон Р.Усмановага қолдирилиб, ундан Н.Григорьева фойдасига унинг мерос улушдаги ҳиссалари эвазига 246.881 сўм ундирилган. З.Абубулаеванинг мерос улуси масаласи очик, ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фукаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2006 йил 15 майдаги ажрими билан куйидаги асосларга кўра низо бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 314-моддаси 2-қисмининг 4-бандига мувофиқ, суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқук ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилган бўлса ҳал қилув қарори, ажрим, қарор мажбурий тартибда бекор қилиниши шарт.



Суд мерос мулкка бўлган ҳуқуқ ва уни бўлиш ҳақидаги даъво қўзғатилган бўлишига қарамасдан мерос қолдирувчи Р.Шорасуловнинг биринчи навбатдаги барча меросхўрларини ишга тараф сифатида жалб қилмаган.

Шунингдек, судлар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқламаган ҳамда моддий ҳуқуқ нормаси ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйган.

Хусусан, судлар низоли хонадон 1993 йилда Р.Шорасулов номига хусусийлаштирилганлигига эътибор қаратмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Хусусийлаштирилган турар-жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 1997 йил 2 майдаги қарорининг 16-бандига кўра, «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, хусусийлаштирилган турар-жойда уни хусусийлаштирилишига розилик берган уй эгасининг бошқа оила аъзолари яшаётган бўлсалар, уларнинг ҳаммаси шу турар-жойнинг эгаси ҳисобланадилар, эгаллаб келинаётган турар-жой эса хусусийлаштириш натижасида умумий мулкка айланади. Бу қоида турар-жой эгасининг вақтинча бу ерда яшамаётган оила аъзоларига ҳам татбиқ қилинади.

Ижарабчи билан бирга яшаётган ва унинг оила аъзоси ёки собиқ оила аъзоси бўлиб ҳисобланган вояга етмаган шахслар ижарага олиш шартномасидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланишлари сабабли улар эгаллаб турган турар-жойлари хусусийлаштирилган тақдирда вояга етган фойдаланувчилар билан тенг равишда шу турар-жойга нисбатан умумий эгалик ҳуқуқига эга бўладилар.

Турар-жой оила аъзоларининг бири томонидан бепул хусусийлаштирилган тақдирда ҳам юқорида кўрсатилган шахслар шу асосларга кўра умумий мулкнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиб қоладилар.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 1113-моддасига кўра мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибиға киради.



Бундай ҳолатда суд кимлар низоли хонадонни хусусийлаштириш иштирокчилари бўлганлигини, Р.Шорасулов вафотидан кейин тураржойнинг қандай қисмига нисбатан мерос очилганлиги аниқламаган.

Биринчи инстанция судида жавобгар Х.Хасанов томонидан судьяга нисбатан берилган раддия процессуал қонун нормаларига зид равишда ҳал этилмасдан туриб, иш мазмунан кўриб ҳал этилган.

Апелляция инстанцияси юқоридаги ҳолатларга баҳо бермаган ва ҳал қилув қарорини ўзгартириш билан кифояланган, шунингдек қонунда назарда тутилмаган ҳолатда З.Абубуллаеванинг мерос ҳиссасини очиқ қолдирган, амалдаги ФКнинг 1147-моддаси талабига зид равишда, Р.Гурницкскаянинг мерос улушидан воз кечишини қабул қилган.

ФСҲ-185-06-сонли ажрим

Процессуал қонун нормаларининг нотўғри қўлланиши оқибатида суд қарорларининг бекор қилиниши

Н.Аҳмедова судга ариза билан мурожаат қилиб, фарзандлари Фотимахон, Захрохон ва Зухрохонлар билан биргалиқда марҳум Ҳаким Усмоновни қарамоғида бўлганлик фактини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2015 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарорига асосан ариза талаби қаноатлантирилиб, Норгул Аҳмедова марҳум Ҳаким Усмоновнинг қарамоғида бўлганлик факти тасдиқланган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2015 йил 5 ноябрдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Н. шахри, Баҳор тор-кўча 2-йи 2012 йил 2 апрелда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномаси ва “Ермулккадастри” томонидан 2013 йил 5 апрелда берилган Серия ТС №1203 гувоҳномага асосан Ҳ.Усмоновга тегишли.

Аризачи Н.Аҳмедованинг важига қараганда 2013 йил март ойларининг охирида Ҳ.Усмонов уни бошқа турмушидан бўлган уч нафар фарзандлари билан шаръий никоҳига олиб, биргалиқда Баҳор тор-кўча 2-йида яшаб келишган.

Ҳ.Усмонов 2014 йил 23 апрелда вафот этганлиги боис мерос қабул қилиш мақсадида вояга етмаган фарзандлари билан унинг қарамоғида бўлганлиги фактини тасдиқлаб беришни сўраган.



Н. шаҳар, “Садо” МФЙ 2015 йил 6 июндаги 87-сонли маълумотномасига қараганда Н.Аҳмедова уч нафар фарзандлари билан Н. шаҳар, 2-тор Баҳор кўчаси, 2-уйда 2013 йил 2 апрелдан буён яшаб келади, лекин рўйхатда турмайди.

Аниқланишича, Ҳаким Усмонов 4 мааротаба уйланган бўлиб, унинг Азадаҳон Усмонова билан биргалиқдаги турмушидан 1974 йилда туғилган Мамир исмли;

Карима Сайдиева билан турмушидан 2001 йил 9 апрелда туғилган Раҳмат, 2005 йил 26 январда туғилган Робия ва 2008 йил 12 июляда туғилган Бакир исмли;

1978 йил 14 июлдан қонуний никоҳда бўлган Моҳира Усмонова билан биргалиқдаги турмушидан 1979 йилда туғилган Махлиё, 1981 йилда туғилган Одина, 1982 йилда туғилган Рўзахон ва 1985 йилда туғилган Азизбек исмли фарзандлари бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1991 йил 20 декабрдаги “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 5-сонли қарорининг 4-банди б)-кичик бандига асосан агар манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ ҳақида судга тааллуқли низо бўлмаса, фактни белгилаш шу фактдан келиб чиқадиган (фуқаронинг насабини, келиб чиқиши, меросни қабул қилиш муддатини узайтириш, мерос ҳақидаги гувоҳнома берилишининг асослилиги, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида) ҳуқуқ ҳақидаги низони келгусида ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаса, қачонки манфаатдор шахсларда тегишли даъво билан судга мурожаат қилиш имконияти бўлса фактни белгилаш тўғрисидаги аризалар ФПКнинг 280, 283-моддаларига биноан алоҳида иш юритиш тартибида кўришда суд томонидан қабул қилиниши мумкин.

Биринчи инстанция судида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Д.Тошева ўз баёнотида марҳумнинг қизлари уй-жой учун низолашаётгандлигини баён қилган бўлса-да, суд меросхўрлар доирасини аниқлаб, уларни манфаатдор шахс тариқасида судга жалб қилиб, мерос масаласида низо мавжудлигига эътибор қаратмасдан, ариза талабларини қаноатлантириш ҳақида барвақт хulosага келган.

Гарчанд, мерос масаласида ҳуқуқ тўғрисида низо мавжудлиги ҳақида марҳум Ҳ.Усмоновнинг қонуний турмуш ўртоғи М.Усмонова томонидан келтирилган шикоятида ҳам худди шундай мазмундаги важлар кўрсатилган бўлса-да, судлар уларни эътиборсиз қолдириб, процессуал қонун нормаларини қўллашда хатоликка йўл қўйган.



Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 282-моддасига асосан агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллукли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 312-моддаси 1-қисмининг 4-бандига кўра моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилишга асос бўлади.

Олий суд судлов ҳайъатининг 2016 йил 19 январдаги ажрими билан мазкур фуқаролик иши юзасидан чиқарилган туманлараро судининг 2015 йил 27 июлдаги ҳал қилув қарори ҳамда кассация инстанциясининг 2015 йил 5 ноябрдаги ажрими бекор қилиниб, Н.Аҳмедованинг марҳум Ҳаким Усмоновнинг қарамогида бўлганлик фактини белгилаш ҳақидаги аризасини кўрмасдан қолдириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Н.Аҳмедовага мазкур масалада умумий даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

ФСҲ-645-15-сонли ажрим

Моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилди.

Л.Саримова жавобгар Ш.Исановга нисбатан судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, низоли уй васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан ўзига тегишли эканлигини билдириб, Ш.Исановни оила аъзолари билан уйдан мажбурий тартибда кўчириш ва ўзини оила аъзолари билан мазкур уйга киритишни сўраган.

Ш.Исанов васиятнома ҳамда васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида қарши даъво билан мурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2015 йил 27 марта даги ҳал қилув қарори билан Л.Саримованинг даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, оила



аъзолари билан низоли уйга киритилган, Ш.Исановнинг қарши даъво талаблари рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2015 йил 16 июндаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2015 йил 10 ноябрдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилди.

Судлар низоли турар-жой васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида Л.Саримовага тегишли эканлигини асос қилиб, даъвони қисман қаноатлантириш, қарши даъвони рад этиш ҳақида асослантирилмаган тўхтамга келган.

Шунингдек, мерос очилган вақт ва мерос таркиби аниқлик киритилмаган, хусусан мероснинг қайси қисмига нисбатан қонун бўйича, қайси қисмига нисбатан васиятнома бўйича мерос очилишига беътибор қаралиб, моддий қонун нормаси бузилишига йўл қўйилган.


Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 1142-моддаси талабига кўра мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

Ш.Исанов 1945 йил 22 апрелда туғилган, васиятнома расмийлаштирилган вақтда 68 ёшда, яъни меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган.

Шунингдек, суд, амалдаги қонун нормаларига риоя қилмасдан, иш юзасидан барча ворисларни ҳамда тарафларнинг оила аъзоларини аниқлаб, манфаатдор шахс сифатида ишга жалб қилиш ва даъво талабига нисбатан уларнинг муносабатини аниқлаш чораларини кўрмаган.

Фуқаролик процессуал кодекси 314-моддаси 2-қисмининг 2-банди талабига кўра иш суд муҳокамасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган, аммо суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабар берилмаган шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса ҳал қилув қарори, ажрим, қарор бекор қилиниши шарт.

6-510-15-сонли ажрим



Х БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВОРИСЛИК ВА МЕРОСГА ТААЛЛУҚЛИ МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРДАН КҮЧИРМАЛАР



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV SUDI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

ҚАРОРИ

5-сонли

2011 йил 20 июль

Тошкент шаҳри

“Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”

Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Пленумининг 2014 йил 2 октябрдаги 16-сонли
қарорига асосан киритилган тузатишлар
билин

Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўллаш
амалиёти судлар ворислик муносабатларидан келиб чиқадиган
низоларни, асосан, тўғри ҳал этишаётганликларини кўрсатади. Шу
билин бирга судлар фаолиятида мазкур қонунчиликни қўллашда
хатоликлар ҳам мавжуд.

Мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг судлар томонидан тўғри
қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги
Қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий
суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ворислик
муносабатларидан келиб чиқадиган низоларнинг ўз вақтида ва тўғри
ҳал этилиши мулк дахлсизлиги ва мерос ҳуқуқи қўриклинишига
доир конституциявий кафолатлар (Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 36-моддаси) таъминланишининг ўта муҳим
воситаси ҳисобланади.

2. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикаси



Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги 257-1 сонли Қарорига мувофиқ Фуқаролик кодекси 1112–1157 - моддалари қоидалари Кодекс амалга киритилгунга қадар очилган бўлиб, бироқ 1997 йилнинг 1 мартаға қадар ворислардан ҳеч бири томонидан қабул қилиб олинмаган ва мерос ҳуқуқи бўйича давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилмаган меросга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

Мерос 1997 йилнинг 1 мартаға қадар ворислардан бири томонидан қабул қилиб олинган ёки давлатнинг ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтказилган ҳолларда келиб чиқсан низолар 1963 йилги Фуқаролик кодекси нормаларига мувофиқ ҳал этилади.

3. Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига мувофиқ мерос таркибиға мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчар ва кўчмас мулк, ашёлар, шу жумладан, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чунончи, хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, дехқон хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи («Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси), ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи («Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддаси) ва ҳ.к. лар киради.

Қонунга кўра (ФК 1113-моддаси иккинчи қисми) мерос таркибиға мерос қолдирувчининг шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар кирмайди:

юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса;

ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи;
алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар
ва мажбуриятлар;

мехнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун хужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи;

мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар (ФК саккизинчи боби).

4. Мерос таркибиға фақат мерос қолдирувчига қонуний асосларда тегишли бўлган мулк кириши туфайли ўзбошимчалик билан қурилган ёки тегишли тарзда расмийлаштирилмаган иморатлар мерос



таркибига фақат мархумнинг мазкур иморатларга нисбатан мулк ҳукуқи белгиланган тартибда эътироф этилган ҳолда киритилади.

Мерос қолдирувчи томонидан тузилган олди-сотди, айирбошлиш, ҳадя ва шу каби битимлар унинг ўлимидан сўнг ҳақиқий эмас деб топилгандага қайтарилиган мулк ҳам мерос таркибига киритилади.

Биргалиқдаги умумий мулк иштирокчиси вафот этган тақдирда мерос унинг ҳиссасига тўғри келадиган умумий мол-мулкка нисбатан, мол-мулкни натура ҳолида бўлишнинг иложи бўлмагандага эса, бундай улушнинг қийматига нисбатан очилади.

5. Фуқаролик кодексининг 1112-моддасига мувофиқ ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади.

Васият ва қонун бўйича ворислар сифатида, жумладан, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган шахслар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлиги пайтида ҳомила ҳолида бўлиб, мерос очилгандан сўнг тирик түғилган болалари бўлиши мумкин.

6. Фуқаролик кодекси 1119-моддасининг биринчи қисмiga кўра нолойиқ меросхўр деб топилиши мумкин бўлган шахсларнинг ворислигига оид низоларни кўришда шуни назарда тутиш лозимки, уларнинг қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниqlанган, ворисликка чақирилишга имкон яратган қонунга хилоф ҳаракатлари, фақат бу ҳаракатлар қасдан содир этилгандагина меросдан маҳрум этиш учун асос бўлади.

Эҳтиёtsизлик орқасида содир этган жинояти учун судланган шахсга нисбатан ФК 1119-моддаси биринчи қисмida назарда тутилган қоида қўлланилмайди.

Меросхўр фақат суднинг ҳал қилув қарорига кўра ва фақат меросдан четлатиш ўзи учун ворислик билан боғлиқ мулкий оқибатлар туғдирадиган шахснинг даъвоси бўйича нолойиқ деб топилиши ва меросдан четлатилиши мумкин.

7. Васиятнома ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда, унда меросхўр тариқасида кўрсатилган, бироқ тегишли навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган шахс умумий асосларда қонун бўйича ворислик ҳукуқидан маҳрум этилмайди.

Бундай ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган васиятномага кўра меросдан маҳрум этилган қонун бўйича меросхўр ҳам умумий асосларда ворислик ҳукуқига эга бўлади (ФК 1130-моддаси тўртинчи қисми).



8. Судларга тушунтирилсінки, васиятнома қонунда белгиланған тартибда түзилген ва васият құлувчининг вафотидан сүңг мұайян оқибатлар келиб чиқишини назарда тутувчи бир томонлама битим ҳисобланади.

Қонунга биноан васият құлувчи ўз мулкини тұлық ёки қысман ҳар қандай шахс ёхуд бир неча шахсга, шунингдек юридик шахсларга, фуқароларнинг үзини ўзи бошқарыш органларига ёхуд давлаттағасият қилиши, ёнки бир, бир неча ёки барча қонун бүйічә меросхұрларни меросдан маҳрум қилиши мүмкін.

Васиятноманы ҳақиқиәттің өзінен анықтауда деб топишга оид дағындардың күришінде, судлар Фуқаролик кодексининг битимларни ҳақиқиәттің өзінен анықтауда деб топиш учун асосларни назарда тутувчи нормаларынан амал қилишлари лозим (ФК 113–128 - моддалари).

9. Мерос қолдирувчи томонидан зыммасига бирор-бир мажбурият бажарипиши юқлатылған васиятнома бүйічә меросхұр ваясият мажбурияті юзасидан ҳуқық олувчи ўртасидаги низоларни күришде судлар ФК 1132-моддасы талабларынан анықтауда деб топишта лозим.

Бунда шуны назарда тутиш лозимки, меросхұрларнинг мерос мулкидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжи (масалан, турар-жойга нисбатан шахсий эҳтиёжи), шунингдек мулк ҳуқуқининг меросхұрдан бошқа шахсга ўтиши, бундай ўтиш асосларидан (сотиш, ҳадя, айирбошлиш ва ҳ.к.) қатын назар, васият мажбурияті юзасидан ҳуқық олувчи ҳуқуқларига таъсир этмайды, чунки бундай ҳуқуқлар ҳажми мерос қолдирувчи томонидан васиятноманы тузиш пайтида белгиланып, унинг меросхұрлары томонидан ўзгартырилиши мүмкін әмас.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратылсінки, васиятнома ва унинг асосида берилген меросга бўлган ҳуқық тұғрисидаги гувохнома фақат суднинг ҳал құлув қарори билан ҳақиқиәттің өзінен анықтауда деб топилиши мүмкін. Бундай талаблар бүйічә келишув битими тасдиқланишига ү конунга зид бўлиши туфайли (ФПК 40-моддасы бешинчи қисми) йўл қўйилмайды.

11. Фуқаролик кодекси 1112-моддаси иккинчи қисмiga мувофиқ қонун бүйічә ворислик фақат васиятнома мавжуд бўлмаган ёки мерос тақдирини тұла белгиламаган, шунингдек Фуқаролик кодексида назарда тутилған бошқа ҳолларда келиб чиқади.

Қонун бүйічә меросхұрларга ФК 1135–1141 - моддаларидан кўрсатылған ва навбат тартибда ворисликка чақириладыган шахслар киради. Қонунда (ФК 1138-моддасы) тўртнинчи навбатда ворисликка



чақирилувчи шахслар доираси аниқ кўрсатилмаганлиги сабабли судлар тўртинчи, бешинчи ва олтинчи даражадаги қариндошларга кирувчи меросхўрларни аниқлашда Оила кодекси 57-моддасига риоя этишлари лозим.

ФК 1142-моддасига мувофиқ васият қолдирувчининг меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз (шу жумладан, фарзандликка олинган) болалари, унинг меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилари) ҳам қонун бўйича меросхўр бўладилар. Бу ўринда шуни назарда тутиш лозимки, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўрлар, мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, иккинчи ва ундан кейинги навбатдаги ворислар мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга эмас.

12. Тушунтирилсинки, мажбурий улуш миқдори қонунда белгиланганлиги сабабли васият қилувчи меросхўрларнинг бу улушга нисбатан ҳуқуқларини ўзgartиришга ёки бошқача тарзда унга таъсир этишга ҳақли эмас.

Мажбурий улуш белгилашда қонун бўйича ворисликка чақирилиши мумкин бўлган барча меросхўрлар инобатга олиниши ва мерос таркибига кирувчи барча мол-мулқдан келиб чиқилиши лозим.

Меросхўрга мажбурий улуш тайинлашда у мерос тариқасида бирон-бир асосга кўра олаётган барча нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзгор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам инобатга олинади (ФК 1142-моддаси).

13. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, куйидаги ҳолларда ҳам қонун бўйича ворислик мавжуд бўлади:

тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик (ФК 1140-моддаси);

мерос трансмиссияси тартибида ворислик (ФК 1140-1-моддаси);

мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари томонидан ворислик (ФК 1141-моддаси).

14. Тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда унга тегишли улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутади. Бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бирдек даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади. Масалан, агар ўғил (қиз) отаси ёки онасидан олдин вафот этган бўлса, унинг болалари бобоси ёки



бувисининг вафотидан сўнг қолган меросга нисбатан тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўлади.

Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун бўйича мархум меросхўрнинг эри (хотини) тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис бўла олмайди.

15. Мерос трансмиссияси тартибида ворислик васиятнома ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр (трансмиттент) мерос очилганидан кейин, лекин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган ҳолларда амалга оширилади. Бундай ҳолларда унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига (трансмиссарларига) ўтади.

Мерос трансмиссияси қўйидаги шартларда вужудга келади:

мерос очилган пайтда ворислик ҳуқуқига эга бўлган васият ёки қонун бўйича меросхўрнинг борлиги;

васият ёки қонун бўйича меросхўр меросни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этганлиги сабабли унинг меросдаги улуши тақдирини ҳал қилиш зарурати пайдо бўлганлиги;

вафот этган меросхўр унинг меросхўрлари билан алмаштирилиши мумкинлиги.

16. Фуқаролик кодекси 1141-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган меҳнатга қобилиятсиз шахсларни қонун бўйича меросхўр деб топиш учун бир вақтнинг ўзида икки ҳолатнинг мавжуд бўлиши, яъни бундай шахсларнинг бир йилдан кам бўлмаган муддат ичida мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиши ва мерос қолдирувчи билан унинг вафотига қадар бир йилдан кам бўлмаган муддат ичida бирга яшаган бўлиши талаб этилади.

Иккинчи, учинчи ва тўртинчи навбатдаги қонун бўйича меросхўрлар доирасига киравчи меҳнатга қобилиятсиз шахсларга келганда эса, улар ворисликка чақирилиши учун фақат уларнинг мерос қолдирувчи вафотига қадар унинг қарамоғида бир йилдан кам бўлмаган муддат ичida бўлганлигини аниқлашнинг ўзи кифоя.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бир йилдан кам муддат ичida бўлган ва у билан бир йилдан кам муддат ичida бирга яшаган ёки у билан бирга яшамаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар ФК 1139-моддасига мувофиқ бешинчи навбатда ворисликка чақириладилар.



17. Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси қоидаларига кўра ворислик амалга оширилганда меҳнатга қобилиятсиз шахсларга қуидагилар киради:

мерос очилган кунга келиб 55 ёшга кирган аёллар, 60 ёшга кирган эркаклар;

мерос очилган кунга келиб белгиланган тартибда биринчи ёки иккинчи гурӯх ногиронлари деб топилган шахслар;

мерос очилган кунга келиб 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар,

18 ёшга тўлмаган ўқувчилар.

Меҳнатга қобилиятсиз шахсни мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб топиш учун бундай шахс мерос қолдирувчининг тўлиқ таъминотида бўлганлиги ёки ундан олиб турилган моддий ёрдам унинг ҳаёт кечиритши учун асосий ва доимий манба бўлганлиги факти аниқланиши лозим. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, иш (хизмат) жойи маъмурияти, ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган хужжатлар, шунингдек гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқланиши мумкин.

18. Меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома, ворислик васият ёки қонун бўйича эканлигидан қатъи назар, мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан сўнг мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилади, ФК 1146-моддаси учинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳномани олиш меросхўрнинг мажбурияти эмас, балки ҳукуқи бўлганлиги сабабли, қонунда меросхўр бундай гувоҳнома бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиши шарт бўлган муддат белгиланмаган.

Нотариуснинг меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни рад этиши устидан меросхўр томонидан судга шикоят берилиши мумкин бўлиб, у Фуқаролик процессуал кодексининг 28-боби қоидаларига биноан кўриб чиқилади.

Агар нотариус томонидан рад этилиши бошқа шахсга меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ёки мерос мулки ФК 1157-моддасига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки давлатга ўтказилганлиги билан боғлиқ бўлса, ариза даъво иши юритиш тартибida кўрилади.

19. Васият ва қонун бўйича ворисликда меросхўр мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш йўли билан меросдан воз кечишига



хақли. Қонунда мерос очилгандан кейин бундай ариза билан мурожаат қилиш мүмкін бўлган вақт чегараланмаган.

Мероснинг бир қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар ёки шарт билан воз кечилишига йўл қўйилмайди, ФК 1148-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Меросдан воз кечиш тўғрисида ариза берган меросхўр кейинчалик уни бекор қилиши ёки қайтариб олиши мүмкін эмас. Бундай воз кечиш фақат суднинг ҳал қилув қарори билан ва қонунда битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун белгиланган асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мүмкін (ФК 113–128 - моддалари).

20. Фуқаролик кодекси 1150-моддасига мувофиқ меросхўрлар ўртасида меросни тақсимлаш, ундан улуш ажратиш тўғрисида келишувга эришилмаган тақдирда тақсимот улардан исталган бирининг талаби бўйича суд тартибида амалга оширилади.

Бундай низоларни ҳал этишда судлар шуни назарда тутишлари лозимки, мерос очилгунга қадар уч йил мобайнида мерос қолдирувчи билан биргалиқда яшаган меросхўрлар мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзгор буюмларини олишда имтиёзли хуқуққа эга бўладилар (ФК 1153-моддаси).

Мерос қолдирувчи билан умумий мулк хуқуқига эга бўлган меросхўрлар ҳам мерос таркибидан мол-мулкни асл ҳолида (натура шаклида) олишда имтиёзли хукуқдан фойдаланадилар.

Имтиёзли хуқуқлар амалга оширилганда мерос тақсимотида иштирок этаётган бошқа меросхўрларнинг мулкий манфаатларига риоя этилиши шарт. Агар мазкур хукуқларни амалга ошириш натижасида меросни ташкил қилувчи мол-мулк бошқа меросхўрларга тегишли улушларни бериш учун етарли бўлмаса, имтиёзли хукуқни амалга ошираётган меросхўр уларга тегишли пул ёки мол-мулк товонини тўлаши лозим.

21. Меросхўрлар ўртасида ворислик хукукини белгилаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда суд қонун талабидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир меросхўрнинг улушкини белгилаши лозим бўлганилиги сабабли иш бўйича ҳал қилув қарорида мазкур улушлар фоиз кўринишида эмас, балки каср кўринишида (масалан, 1/4, 1/3, 1/2 ва ҳ.к.) ифодаланиши керак.

22. Қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаган ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик хукуқига эга



бўлмаган ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган ҳолларда мерос мол-мулк суднинг ҳал қилув қарорига асосан эгасиз деб топилади.

Мерос мол-мулк мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан кейин эгасиз деб топилади. Уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетган ҳолларда ушбу муддат ўтишидан олдин ҳам эгасиз деб топилиши мумкин.

Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи талабига кўра ФПК 298–300-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулқдорлигига, мазкур орган мол-мулқдан воз кечганда эса, давлат мулқдорлигига ўтади. Бундай ишлар юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хulosса қисми эгасиз мол-мулк таркиби ва у кимнинг мулқдорлигига ўтиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим.

Мерос мол-мулкни эгасиз деб топиш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори устидан марҳумнинг меросхўри томонидан умумий тартибда шикоят берилиши мумкин.

23. Судлар ворисликка оид ишларни кўришда меросни расмийлаштириш вақтида йўл қўйилган қонунчилик бузилиши фактларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари, шунингдек фуқаролар ва юридик шахслар ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан зарур чоралар кўришлари керак.

24. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Мерос ҳукуқига оид қонунларни кўплашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 33-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Олий суд раиси

Пленум котиби,
Олий суд судьяси



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2010 йил 30 марта 2090-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2010 йил 30 марта 64-мҳ-сон буйруғига илова

**Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни
амалга ошириш тартиби тўғрисида
ЙЎРИҚНОМА
(кўчирма)**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат нотариал идоралари нотариуслари (бундан кейинги ўринларда нотариуслар деб юритилади) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг (бундан кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) 23-моддасига мувофиқ нотариуслар қўйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

битимларни тасдиқлайди;

васиятномаларни тасдиқлайди;

эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;

мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қиласади;

меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;

мерос мол-мулкнинг қўриклинишига доир чора-тадбирлар кўради;

ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган қўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;

ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;



хужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди; кўчмас мулк очик савдода сотиб олингандиги ҳақида гувоҳнома беради;

фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;

фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;

фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;

хужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади;

пул суммалари ва қимматли қофозларни депозитга қабул қилиб олади;

хужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;

пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;

ижро хатларини ёзади;

векселларнинг протестларини амалга оширади;

денгиз протестларини амалга оширади;

нотариал тасдиқланган хужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3. Қонуннинг 5-моддасига асосан нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлиб, бу фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига амал қиласди.

4. Нотариуснинг ва амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам ошкор қилиши тақиқланади.

Фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа хужжатни ўз кўли билан имзолай олмаганида битим, ариза ёки бошқа хужжатни унинг топшириғига кўра имзолаган фуқаро хужжатни таржима қилиб берган таржимон (сурдо таржимон) ва бошқалар ҳам ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиши тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (хужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириғи



билин амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотномалар васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади. Битим предмети бўлган обьектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги кредит ахбороти кредит бюросига ҳамда битим предмети бўлган кўчмас мулк обьектини бошқа шахсга ўтказишнинг тақиқланмаганлиги ва мазкур кўчмас мулк обьектининг хатланмаганлиги тўғрисидаги ахборот риэлторлик ташкилотига уларнинг сўровига кўра тақдим этилади. Ҳужжатларни бериш тўғрисидаги талаблар қарор ёки ажрим шаклида ёхуд процессуал қонунларда белгиланган бошқа тартибда расмийлаштирилган бўлиши шарт.

Давлат нотариал идорасидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар албатта қайтарилиши шарт.

Васиятнома тўғрисидаги маълумотлар васият қилувчининг вафотидан кейин васият ва қонун бўйича меросхўрларига ёки уларнинг қонуний вакилларига ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирма тақдим этилганидан кейин берилади.

Мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошисида кўрсатилган шахслар амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг маҳфийлигини бузган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5. Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ нотариус қуйидаги хуқуқларга эга:

ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун Қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, нотариал ҳаракатни



амалга ошириш жойи қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно;

битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёrlаш, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунишилар бериш;

жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш;

жисмоний ва юридик шахслар номидан тегишли давлат органларига мол-мулкка бўлган ҳукуқларни ва ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш учун, шунингдек ҳужжатларнинг чет элда амал қилиши учун мазкур органлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни олган ҳолда ҳужжатларни легаллаштириш учун мурожаат қилиш.

6. Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ нотариуснинг мажбуриятлари қўйидагилардир:

жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиш, уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини тушунишибериш;

томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунишибериш, ушбу битимлар мазмuni томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларида зид келиш-келмаслигини текшириш;

юридик жиҳатдан бехабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огохлантириш;

қонун ҳужжатларида мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш;

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда уч йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши;



қонун ҳужжатларыда назарда тутилган ҳолларда күчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тұғрисидаги, мерос ёки ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қыймати ҳақидағи маълумотномаларни давлат солиқ хизмати органига тақдим этиши;

суд, прокуратура, тергов органлари талабига биноан мазкур органларнинг юритуvida бўлган ишлар билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик тұғрисида маълумотномалар (маълумотлар) бериши;

битим предмети бўлган объектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тұғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) кредит бюроларининг сўровига кўра тақдим этиш;

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиб билан боғлиқ бўлган амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тұғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) қонун ҳужжатларыда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда маҳсус ваколатли давлат органига тақдим этиш.

Нотариус ўзига юклатилган мажбуриятларни бажаришда жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни тұлық ва ҳар томонлама ўрганиши, зарурат туғилганда уларни қайта текшириши лозим.

7. Қонуннинг 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Агар нотариал ҳаракат мурожаат қилган шахс тушунмаган ёки яхши билмаган тилда бажарилса, унда ҳужжат матни нотариус ёки мурожаат қилган шахс таниган таржимон томонидан оғзаки таржима қилиниши мумкин. Бу ҳақда ҳужжат матнiga ва тасдиқловчи ёзувга ким томонидан таржима қилингандылықи ва матн мазмуни тушунтирилгандылықи ҳақида нотариус томонидан ёзиб қўйилиши, имзоланиши ва муҳр қўйилиши керак. Бундай ҳолда мурожаат қилган шахс ўзи биладиган тилда исми, фамилияси, отасининг исмини тұлық ёзиб, имзо қўяди.

II-боб. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг умумий қоидалари



8. Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир, Қонуннинг 37, 44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

9. Нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идораларининг биноларида амалга оширилади. Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига бора олмайдиган айрим ҳолларда ёки юридик шахс томонидан таклиф қилингандан нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идораси биносидан ташқарида, яъни мазкур фуқаро ёки юридик шахс ёхуд унинг вакили жойлашган жойда амалга оширилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатлар давлат нотариал идораси биносидан ташқарида бажарилса, хужжатнинг тасдиқловчи ёзуvida ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрида (бундан кейинги ўринларда реестр деб юритилади) нотариал ҳаракат амалга оширилган жойнинг манзили кўрсатилади.

10. Нотариал ҳаракатлар ҳақ тўланганидан сўнг зарур бўлган барча хужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиш ёки хужжатларни экспертизага юбориш зарур бўлганида кечикирилиши мумкин.

Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътиroz бор-йўқлигини сўраш зарур бўлганда кечикирилиши мумкин. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечикириши муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра унга нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечикириш ҳақидаги қарор берилади.

Манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқук ёки факт устида даъволашиб учун судга мурожаат қилиш истагидаги бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпি билан ўн кун муддатга кечикирилиши мумкин. Агар бу муддат ичida ариза тушганлиги ҳақида суддан маълумот олинмаса, нотариал ҳаракат амалга оширилиши лозим.

Бир манфаатдор шахс тасдиқлашни сўраётган ҳуқук ёки факт устида даъволашаётган бошқа манфаатдор шахсдан ариза тушганлиги тўғрисида суддан маълумот олинган тақдирда нотариал



ҳаракатни амалга ошириш мазкур иш судда ҳал бўлгунига қадар тўхтатиб турилади.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатларни амалга оширишни кечиктириш ва тўхтатиб туришнинг бошқа асослари ҳам белгиланиши мумкин.

11. Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчиларнинг (уларнинг қонуний вакилларининг, шунингдек васий ва ҳомийларининг) ва юридик шахс вакилларининг шахсини аниқлайди.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилувчи фуқароларнинг шахси қуидаги ҳужжатларга асосан аниқланади:

Ўзбекистон фуқароларнинг шахси – миллий паспорт;

16 ёшга тўлмаган фуқароларнинг шахси – туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ҳарбий хизматчиларнинг шахси – ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар кўмондонлиги томонидан бериладиган шахсий гувоҳномалар ёки ҳарбий билетлар (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билети бундан мустасно);

хорижий фуқароларнинг шахси – уларнинг миллий паспорти (қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий фуқаролар тегишли ички ишлар органлари томонидан рўйхатга олиниши лозим) ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ёхуд дипломатик паспорти ёки Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинганини тасдиқловчи аккредитация карточкаси;

фуқаролиги бўлмаган шахс учун Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси.

12. Битимлар тасдиқлаб берилаётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати белгиланган тартибда аниқланади ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Битим вакил томонидан тузилган тақдирда унинг ваколати ҳам текширилади.

Нотариус томонидан фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан шахсий мuloқот давомида аниқланади.

13. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан кейинги ўринларда Фуқаролик кодекси деб юритилади) 43-моддасига мувофиқ



қўйидаги ҳужжатлар юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари бўлиб ҳисобланади:

устав;

таъсис шартномаси ва устав;

таъсис шартномаси;

низом.

Юридик шахснинг хуқуқ лаёқатини унинг органларининг ёки вакилларининг ваколатини текширишда унинг ташкилий-хуқуқий шаклига эътибор бериш зарур.

14. Нотариал тасдиқланадиган битим, ариза ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланади.

Агар фуқаро жисмоний нуқсони, касаллiği, саводсизлиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигига бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганилиги сабаблари ҳужжат матнига ва тасдиқловчи ёзувга ёзиган қўйилиши лозим.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз, кўзи ожиз бўлса ёки қандайдир сабаблар туфайли кўзи яхши кўра олмаса, шунингдек касаллiği туфайли битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни ўқий олмаса, нотариус унга ҳужжат матнини овоз чиқариб ўқиб беради ва бу ҳақда ҳужжат матнида ва тасдиқловчи ёзувда қайд этади.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоги оғир) бўлган шахс мурожаат қилса ҳамда у саводсиз бўлса, нотариал ҳаракатни амалга ошириш пайтида у билан муомала қила оладиган ва битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмунини унинг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан тасдиқловчи сурдо таржимон ҳозир бўлиши шарт.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоги оғир) бўлган ҳамда муомала лаёқатига эга бўлган саводли фуқаро нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилса, битим, ариза ёки бошқа ҳужжат унинг ўзи томонидан ва сурдо таржимон томонидан имзоланиши мумкин.

Кар-соқовлик нуқсони (кар-соқов, кар, қулоги оғир) бўлган, муомала лаёқатига эга бўлган, бироқ сурдо таржимон билан мулоқот қила



олмайдиган саводли фуқаро ўз имзоси билан битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмунини ўзининг хоҳиш-иродасига мувофиқ эканлигини нотариус билан ёзма равишда билдирадиган бўлса, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда сурдо таржимоннинг иштироки шарт эмас. Ушбу ёзишмалар битим, ариза ёки бошқа ҳужжатлар билан бирга тикиб қўйилади.

Агар нотариус тегишли тилларни билмаса, ҳужжат таржимон томонидан таржима қилинади ва нотариус унинг ҳужжатга қўйган имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлади.

Нотариус, башарти тегишли тилларни билса, бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилингандигини шаҳодатлади.

Таржимон ёки сурдо таржимон ҳужжат таржимасини нотўғри ёки ёлғон таржима қилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишлари ҳақида нотариус томонидан огоҳлантирилади ва бу ҳақда ҳужжат матнида кўрсатилади.

15. Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ нотариус жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилганда нотариус кўрсатган муддатда тақдим этилиши керак. Бу муддат бир ойдан кўп бўлмаслиги керак.

Нотариус давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли.

15-1. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тадбиркорлик субъектларидан давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларнинг нусхалари талаб қилинмайди.

Тадбиркорлик субъектларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан мурожаатлари мавжуд бўлганда нотариуслар давлат органларида ва бошқа ташкилотларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатларни ва ахборотларни ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда оладилар.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотлар мавжуд бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан давлат нотариал идоралари ушбу ҳужжатлар ва ахборотларни (архив



маълумотномалари бундан мустасно) идоралараро сўров олинган вақтдан бошлаб бир иш куни мобайнида тақдим этишлари шарт.

Давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва ахборотларнинг ушбу ҳужжатлар ва ахборотлар мавжуд бўлган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан идоралараро сўров бўйича тақдим этилмаслиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаслиги тадбиркорлик субъектига давлат хизмати кўрсатишни, хусусан, нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиш учун асос ҳисобланмайди.

Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этаётган шахсларни идоралараро сўров орқали олинган ҳужжатлар ва ахборотларнинг мазмуни ҳақида хабардор қилиши ва бу ҳақда тасдиқловчи ёзувда кўрсатиши зарур.

16. Нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишиган ака-ука ва опа-сингиллари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан, шунингдек мазкур давлат нотариал идорасининг ходимлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатлар бошқа давлат нотариал идорасида амалга оширилади. Қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал ҳаракатлар муайян давлат нотариал идорасида бажарилиши керак бўлган ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан кейинги ўринларда худудий адлия бошқармалари деб юритилади) томонидан белгиланади.

17. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳужжатлар қўйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

қириб ўчирилган ёки кўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган ва изоҳ берилмаган бошқа тузатишлари бўлган, шунингдек қаламда ёзилган ҳужжатлар;

бир неча варакларда баён этилиб, вараклари рақамланмаган ва ип ўтказиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган ташкилот мансабдор шахсининг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатлар;

факсимиле имзо муҳри қўйилган ҳужжатлар.



18. Нотариал тасдиқланадиган битим, ариза ва бошқа ҳужжатларнинг матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши лозим, битим, ариза ва ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар ҳеч бўлмаганда бир марта сўз билан, битим, ариза ва бошқа ҳужжатнинг матнида баҳолар кўрсатилса, рақам ҳамда сўз билан ёзилиши, юридик шахсларнинг номлари эса – уларнинг органлари жойлашган ерларини (почта манзилини) кўрсатган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши, зарур ҳолларда эса банкдаги ҳисоб рақам ва солиқ тўловчининг идентификация рақами (бундан кейинги ўринларда СТИР деб юритилади) кўрсатилиши лозим. Фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий ёки вақтинча прописка қилинган (ҳисобга олинган) манзили тўлиқ кўрсатилган ҳолда ёзилиши, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда чет эл фуқаролари қатнашаётган бўлса, уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилиши керак.

19. Ҳужжатдаги қўшимча ва тузатишлар тегишли шахсларнинг (битим иштирокчиларининг ҳамда битимни, аризани ва бошқа ҳужжатларни имзолаган бошқа шахсларнинг) имзосидан олдин изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзувнинг охирида нотариуснинг имзосидан олдин такroran изоҳланиши, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши керак. Тасдиқловчи ёзувдаги тузатишлар нотариуснинг имзосидан олдин изоҳланиши ва имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланиши керак. Бунда тузатишлар шундай қилиниши керакки, ўчирилган барча сўзларни ва рақамларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлиши лозим.

Нотариус томонидан ҳужжатнинг нусхасини шаҳодатлантиришда ҳужжат нотўғри ёки имло хатолари билан ёзилган бўлса ёхуд унда изоҳ берилмаган тузатишлар мавжуд бўлса ёки ҳужжатнинг реквизитлари тўлиқ ёзилмаган бўлса, нотариус мурожаат қилган шахсга ҳужжатдаги камчиликларни тузатиб келишни ёки ҳужжатни такroran олишини тавсия қиласди.

Нотариус ўз ташаббуси билан ёки манфаатдор шахсларнинг илтимосига кўра нотариал тасдиқлаб берилган ҳужжатга унинг моҳиятини ўзгартирмайдиган қўшимчаларни киритиши ёки унинг аниқ арифметик хатоларинигина тузатиши мумкин.

20. Мурожаат қилувчининг илтимосига кўра ҳужжат лойиҳаси нотариус томонидан ёки нотариуснинг топшириғи асосида ёрдамчиси ва (ёки) стажёри томонидан ҳам тузилиши мумкин.



21. Нотариал тасдиқланаётган ёки шаҳодатлантирилаётган битим, ариза ва бошқа ҳужжатлар бир неча алоҳида варакларда баён этилган тақдирда улар ип ўтказиб тикилади, вараклари эса рақамланади ҳамда нотариал идоранинг муҳри қўйилган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланади.

22. Меросга бўлган ҳукуқ, мулк ҳукуки тасдиқланганда фуқаронинг тирик эканлиги ва муайян жойда эканлиги фактлари, фуқаронинг фотосуратда акс этирилган шахс эканлиги тасдиқланганда, сақлаш учун ҳужжатлар қабул қилиб олинганида, кўчмас мулкни очиқ савдода сотиб олинганида тегишли гувоҳномалар берилади.

Ариза берган шахснинг илтимосига кўра ҳам унга аризанинг топширилганлиги ҳақида гувоҳнома берилади.

23. Битимларни тасдиқлашда ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимаси тўғрилигини тасдиқлашда, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлашда тегишли ҳужжатларга тасдиқловчи ёзувлар ёзилади ҳамда нотариус томонидан имзоланиб, муҳр босилади.

24. Тасдиқловчи ёзувнинг матни техник воситаларда (компьютерда ёки ёзув машинкасида) ўчирилмасдан аниқ ёзилиши шарт. Очиқ жойларга чизиқ тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар ушбу Йўриқноманинг 19-банди асосида изоҳланиши керак.

Тасдиқловчи ёзувларини амалга ошириш учун тегишли ёзув матни бўлган штамплар ишлатилиши мумкин.

Тасдиқловчи ёзув тегишли ҳужжатга сифмаган тақдирда у ҳужжатга бириктириб қўйилган алоҳида қофоз варагида давом этирилиши ёки тўла баён этилиши мумкин. Бунда ҳужжат матни баён этилган вараклар ва тасдиқловчи ёзув вараклари ип ўтказиб тикилади, рақамланади ва нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиб, муҳр босилади.

25. Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар реестрда рўйхатга олинади. Реестрдаги ёзувлар қалам билан ёзилишига йўл қўйилмайди.

Ҳар бир нотариал ҳаракат алоҳида тартиб рақами билан рўйхатга олинади. Реестрда қайд этилган нотариал ҳаракат рақами нотариус томонидан тасдиқланадиган ёки бериладиган ҳужжатни тасдиқловчи ёзувда кўрсатилади.



Реестрдаги тартиб рақамларининг рақамланишида хатоликка йўл қўйилса, алоҳида маълумотнома тузган ҳолда у нотариуснинг имзоси ва муҳри билан реестрга елимланиб қўйилади.

Реестрдаги ёзувларда хатоликка йўл қўйилганда мазкур Йўриқноманинг 19-бандига риоя қилган ҳолда тузатишлар киритилади.

Ҳужжатлар нусхаларининг тўғрилиги шаҳодатлантирилганда ҳужжатнинг ҳар бир нусхасига алоҳида реестр рақами берилади. Тасдиқловчи ёзувда рақамлар шу тартибда кўрсатилади.

Реестрнинг тартиб рақамлари ҳар бир календарь йил бошида биринчи тартиб рақамидан бошланади.

Реестрлар ип ўтказиб тикилиши ва уларнинг варақлари рақамланиши лозим. Варақларнинг сони ҳудудий аддия бошқармаларининг бошликлари ёки уларнинг ўринбосарларидан бири томонидан имзоланади ва гербли муҳр билан тасдиқланади.

26. Тасдиқланиб берилаётган ҳужжат тегишли давлат божи тўланиб, тарафлар (тараф) томонидан имзоланганидан сўнг нотариус томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади ва реестрда қайд этилади. Реестрга ёзувлар давлат нотариал идорасининг ваколат берилган бошқа ходими томонидан ҳам киритилиши мумкин. Ҳужжатни олаётган шахс реестрга фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзади ва имзолайди.

Шаҳодатлантирилиб берилаётган ҳужжат тегишли давлат божи тўланиб, ҳужжат муайян шахс томонидан имзоланганидан ёки ҳужжатнинг тўғрилиги текширилганидан сўнг нотариус томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади ҳамда нотариус (нотариал идоранинг бошқа ходими) томонидан реестрга қайд этилади. Ҳужжатни олаётган шахс реестрга фамилияси, исми ва отасининг исмини тўлиқ ёзади ва имзо қўяди.

27. Икки ёки ундан ортиқ нотариус фаолият кўрсатаётган давлат нотариал идораларида ҳар бир нотариус учун алоҳида реестр тутилиши керак. Бундай ҳолларда ҳар бир реестрга мустақил индекс берилади. Ҳужжатлардаги реестр рақамлари қўйидагича қўйилади: 1-1, 1-2, 2-1-сонли ва ҳоказо. Бунда биринчи рақам индекс рақамини, иккинчиси эса ёзувнинг тартиб рақамини билдиради. Ҳар бир реестрнинг индекс рақами йил давомида ўзгартирилмай сақланади.

Нотариал ҳаракатларининг муайян турларини қайд этиш учун мустақил реестрлар юритилган тақдирда ҳар бир реестрнинг индексига тегишли нотариал ҳаракат номига мувофиқ ҳарф қўшилади. Масалан,



1-Н, 2-Н, 3-И, 4-М-сонли. Бунда биринчи ва иккинчи реестрлар ҳужжатларнинг нусхалари тўғрилигини шаҳодатлантирувчи ёзувларни, учинчиси – ижро ёзувларини, тўртинчиси эса меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳномаларни қайд этиш учун тутилганлигини билдиради.

Бундай реестрларга ёзилган ҳужжатларнинг тартиб рақамлари қўйидаги тарзда белгиланади: 1-Н-1, 1-Н-2-сонли ва ҳоказо; 2-Н-1, 2-Н-2-сонли ва ҳоказо; 3-И-1, 3-И-2-сонли ва ҳоказо; 4-М-1, 4-М-2, 4-М-3-сонли ва ҳоказо.

28. Нотариуслар Қонуннинг 6-моддаси иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган жисмоний ёки юридик шахсларга уларнинг ёзма аризасига мувофиқ ҳамда суд, прокуратура, тергов органларининг қарор ёки ажрим шаклида ёхуд процессуал қонулларда белгиланган бошқа тартибда расмийлаштирилган талабномаларига асосан реестрлардан кўчирмалар (суд, прокуратура, тергов органларига реестрдан кўчирманинг ксеронусхаси) беради. Реестрларнинг асл нусхаларини бериш ман этилади.

29. Нотариус томонидан тасдиқланган ёки берилган, нусхалари нотариал идоранинг йигмажилдларида сақланаётган ҳужжатлар йўқолган тақдирда номидан ёхуд топшириғига биноан нотариал ҳаракатлар бажарилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ёки улар қонуний вакилларининг ёзма аризасига кўра йўқолган ҳужжатларнинг дубликатлари берилади. Нотариус Қонуннинг 26-моддасида санаб ўтилган мансабдор шахслар томонидан давлат нотариал идораларига юборилган васиятномалардан ҳам улар йўқолган тақдирда дубликатлар беради.

Аризалардаги имзолар нотариал тартибда шаҳодатлантирилади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларига берилган ишончномалар матнида ҳужжатнинг дубликатини олиш ваколати кўрсатилган бўлиши лозим.

Ҳужжат дубликатида тасдиқланган ва берилган асл ҳужжатнинг тўлиқ матни бўлиши шарт. Ҳужжатларнинг ксеронусхалари унинг асл (нусхаси) ва дубликати ўрнини боса олмайди.

Ҳужжат дубликатига белгиланган шаклдаги тасдиқловчи ёзув қайд этилади.

Нотариус томонидан тасдиқланган ёки берилган ҳужжатларнинг дубликатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг меросхўрларидан (ҳукуқий ворисларидан) бирига берилиши мумкин.



Васиятноманинг дубликати васият қилувчига, у вафот этганидан кейин эса васиятномада кўрсатилган ёки қонун бўйича меросхўрларга ёхуд уларнинг вакилларига васият қилувчининг ўлим ҳақидаги гувоҳномаси тақдим этилганидан кейин берилади.

Васиятномада кўрсатилган меросхўрлар вафот этган тақдирда васиятноманинг дубликати васият қилувчининг ва ўзларидан олдинги меросхўрнинг (меросхўрларнинг) ўлим ҳақидаги гувоҳномасини (нотариал тартибда тасдиқланган гувоҳнома нусхасини) ёхуд ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмани, зарур ҳолларда меросхўрларнинг меросни қолдирувчи билан қариндошлик муносабатларини (агар бу ҳужжатлар илгари тақдим этилмаган бўлса) тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган меросхўрларга берилади.

30. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишга асос бўлган ҳужжатлар битимнинг нотариал идорада қолдириладиган нусхасига, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага ва бошқа нотариал ҳаракатларда эса ҳужжатнинг нусхасига нотариал идора ийғомажилларида сақланиши учун кўшиб қўйилади.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакилларининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг номи, унинг рақами, берилган санаси ва шу ҳужжатни берган органнинг номи реестрга ёзиб қўйилгач, қайтариб берилади.

31. Қўйидаги ҳолларда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари давлат нотариал идорасида қолдирилмайди:

агар мулқдор ўзига қарашли уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини тўла тасарруф этмаган тақдирда, шунингдек, мулқдорлар уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини (умумий ҳужжат асосида тегишли бўлган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини улардан бири ўзига тегишли улушини ёки улушидан бир қисмини) тасарруф этиш тўғрисидаги битимлар тасдиқланганда;

умумий улушли мулк қатнашчилари ўртасида уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг аниқ қисмини белгилаш, ўзгартириш ёки улар ўртасида уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмидан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги шартномалар тасдиқланганда;

ижара шартномалари тасдиқланганда;

гаров (ипотека) шартномалари тасдиқланганда;



мархум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) аризасига кўра умумий мол-мулқдаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳнома берилганда;

эр-хотиннинг умумий мол-мулқидаги улушга бўлган мулк ҳуқуки тўғрисида гувоҳномалар берилганда;

юридик шахснинг устав фондига (капиталига) кўчмас мулк ва автомототранспорт киритилганда;

автомототранспорт воситаларини тасарруф этиш шартномалари тасдиқланганда;

мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун нотариус томонидан талаб қилиб олинган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларнинг, улар вакилларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (аниқ битимни тузиш учун берилган ишончномалардан ташқари) асл нусхалари нотариал идорада олиб қолинмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатларнинг нусхалари уларга нотариуснинг «аслига тўғри» деган устхати ёзилиб, олиб қолинади.

Мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида келтирилган ҳужжатлардаги маълумотлар билан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси худудий бўлинмасининг ер майдони ёки уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми миқдори тўғрисидаги маълумотлари ўртасида фарқ мавжуд бўлса, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмига ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлар нотариал идорада қолдирилади.

32. Тақдим этилган ҳужжатнинг айнанлигига шубҳа туғилса, нотариус бу ҳужжатни олиб қолиб, уни экспертизага юборишга ҳақлидир.

Нотариус ҳужжатни экспертизага юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва унда қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган нотариуснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, нотариал идоранинг номи, ҳужжатнинг номи, у кимнинг номига берилганлиги, нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ҳужжат ким томонидан тақдим этилганлиги (фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат, юридик шахс бўлса унинг номи ва жойлашган ери (почта манзили), СТИРи), ҳужжатни экспертизага юбориш заруратини келтириб чиқарган ҳолатлар, ҳужжат экспертиза қилиниши учун қаерга



(қайси экспертиза мұассасасынан) юборилаётгандыктың да экспертиза ҳал этиши учун құйилаётгандык саволлар күрсатылады.

33. Нотариус қуйидаги ҳолларда нотариал ҳаракатни амалға оширишни рад этади, агар:

бундай ҳаракатни амалға ошириш қонунга зид бўлса;

бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалға оширилиши керак бўлса;

муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалға оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;

юридик шахс номидан амалға ошириладиган битим унинг уставида ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

нотариал ҳаракатни амалға ошириш учун тақдим этилаётгандык ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг қалбакилаштирилганлиги яққол кўриниб турган бўлса ёки бунга шубҳа туғдирувчи етарли асосларнинг мавжудлиги, шунингдек мурожаат этувчи шахс томонидан уни идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаслик ҳолатлари ҳам нотариал ҳаракатни амалға ошириш учун тақдим этилаётгандык ҳужжатлар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

Нотариал ҳаракатни амалға ошириш рад этилган тақдирда нотариал ҳаракатни амалға оширишни рад этиш ҳақида нотариус мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради ҳамда нотариал ҳаракатни амалға оширишни сўраб мурожаат қилган шахсга беради.

Рад этиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

қарор чиқарилган сана, қарор чиқарган нотариуснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, нотариал идоранинг номи;

нотариал ҳаракатни амалға оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, турар жойи, агар юридик шахс бўлса, унинг тўлиқ номи ва жойлашган ери (почта манзили) ва СТИРи;

мурожаат қилувчи қандай нотариал ҳаракатни амалға оширишни сўраганлиги;

нотариал ҳаракатни амалға оширишни рад этишга сабаб бўлган ҳолатлар (қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда);



шикоят қилиш муддати ва тартиби.

34. Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундиради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошқа жойга борганида манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар унинг ҳақиқатда қилинган транспорт ҳаражатларининг ўрнини қоплади.

Нотариусга мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга мувофиқ нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳукуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади.

35. Нотариус йўл қўйган хатоси натижасида ўзи амалга оширган нотариал ҳаракатнинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда у ана шу нотариал ҳаракатни белгиланган тартибда бекор қилиш чораларини кўриш учун бу ҳақда прокурорга хабар қилишга мажбур. Нотариус прокурорни хабардор қилганлиги тўғрисида тегишли худудий адлия бошқармаларини хабардор қилади.

35-1. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишда аудио, видео ва фото қурилмалардан фойдаланишлари мумкин. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахслар бу ҳақда огохлантирилади.

18-§. Васиятномаларни тасдиқлаш

173. Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳукуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Васиятнома матни васият қилувчи томонидан ёзилиб, нотариусга шахсан тақдим этилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзib олинган бўлиши лозим.

Васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкка бўлган ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз



құли билан имзоланиши, фамилияси, исми ва отасининг исми түлиқ ёзилиши шарт.

Агар васият қилувчи жисмоний нұқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз құли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ҳозир бүлганида васият қилувчи ўз құли билан имзолай олмаганliginинг сабаблари күрсатилған ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Бундай ҳолатда нотариус Фуқаролик кодексининг 1128-моддасига асосан васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқарога мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақлы эмаслиги тушунтирилади ва бу ҳақда васиятнома матннда ва тасдиқловчи ёзувода қайд этади.

174. Қуйидаги шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас:

нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

васиятнома кимнинг фойдасига тузилған ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юқлатилған бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеварапари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

түлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

саводсиз бўлган шахслар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

175. Васият қилувчининг илтимосига биноан васиятномани тасдиқлашда гувоҳлар иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолда васиятноманинг ҳар икки нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади, ушбу Йўриқноманинг 174-бандида кўрсатилған шахслар гувоҳ бўлишлари мумкин эмас.

176. Васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан (махфий васиятнома) тасдиқланади.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик хавфи остида ўз құли билан ёзиши ва имзолаши, фамилияси, исми ва отасининг исмини түлиқ ёзиши лозим. Бу ҳақда нотариус васият қилувчидан оғзаки сўрайди ва тасдиқловчи ёзувода кўрсатади. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштироқида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим, гувоҳлар ўз фамилияси, исми, отасининг



исмини ва доимий прописка қилинган манзилни кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқловчи ёзувни ёзиб қўяди.

Махфий васиятнома реестрда қайд этилиб, алифбо китобига киритилади ва васиятномалар турадиган йиғмажилдда сакланади.

177. Нотариус томонидан васият қилувчининг васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги аризаси нотариал шаҳодатлантирилиши керак.

Нотариус васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза олган тақдирда васиятноманинг нотариусда сакланаётган нусхасига, реестрга ва алифбо китобига бу хусусда ёзув киритади. Васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза нотариал идорада юритиладиган битимларни бекор қилиш тўғрисидаги алоҳида йиғмажилдда сакланади.

Васият қилувчи ўзида сакланаётган васиятнома нусхасини тақдим этган тақдирда васиятноманинг ўзгартирилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида бу нусхага ҳам ёзиб қўйилади.

Васият қилувчи исталган вақтда васиятномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақида Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ хоҳлаган нотариал идорага мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда нотариус васиятномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги аризани Қонуннинг 73-моддасига амал қилган ҳолда васиятнома тасдиқланган ёки у сакланаётган нотариал идорага топширади.

178. Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятноманинг биттадан нусхаси васият қилувчи доимий прописка қилинган жойдаги давлат нотариал идорасига саклаш учун кечиктирмай юборилиши шарт. Ушбу васиятнома васиятномаларни ҳисобга олиш алифбо китобига киритилиши лозим.

Нотариус саклаш учун келиб тушган васиятномани текшириб кўриши ва унинг қонун хужжатлариiga номувофиқлигини аниқлаган тақдирда бу хусусда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши шарт.

179. Нотариус васиятномани тасдиқлашда васият қилувчига Фуқаролик кодексининг 1127 ва 1142-моддалари мазмунини тушунириши ва бу ҳақда васиятнома матнида кўрсатиб ўтиши лозим.



Нотариуслар томонидан васиятнома тасдиқлангандан кейин васият қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, васиятномани тасдиқлаш санаси ва реестр рақами ҳамда унга ўзгартириш киритилганини ёки бекор қилинганини ҳақидаги маълумотлар васият қилувчининг доимий прописка қилинган жойдаги мерос расмийлаштириладиган давлат нотариал идорасига ўн кун муддатда юборилиши лозим.

Ушбу маълумотларни олган нотариус уларни васиятномаларни ҳисобга олиш алифбо китобига киритади.

20-§. Мерос мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар қўриш

205. Қонуннинг 52-моддасига мувофиқ мерос очилган жойдаги нотариус, башарти қонун бўйича меросхўрларнинг ёки васият мажбурияти юзасидан ҳуқук олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

Агар қонун бўйича меросхўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи меросни бошқарувчи тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим.

(205-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 майдаги 92-мҳ-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2090-1, 20.05.2010 й.) таҳририда - ЎР ҚҲТ, 2010 й., 20-сон, 160-модда)

206. Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар қўриш тўғрисида топшириқ юборади.

Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади.

207. Мерос мол-мулкини қўриқлашга доир ишларни амалга ошириш жараёнида нотариус ушбу мол-мулкнинг қўриқланишини таъминловчи қўйидаги чора-тадбирларни кўради:



мерос очилган жойини аниқлайди;

яшаш жойи маълум бўлган меросхўрларни мерос очилганлиги ҳақида ва мол-мулкни рўйхатга олиниши тўғрисида хабардор қиласди;

ўлим фактини тасдиқлаш учун ўлим ҳақидаги гувоҳномани ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирмани талаб қиласди, гувоҳноманинг нусхаси мерос ишида қолдирилади;

мерос мол-мулкни кўриқлашга дастлабки чора-тадбирлар кўрилган ёки кўрилмаганлигини, агар кўрилган бўлса, унда бу чора-тадбир ким томонидан кўрилганлигини, мерос қолдирувчининг мол-мулки турган хона (хоналар) муҳрланганлигини, бу хонанинг (хоналарнинг) калити кимдалигини аниқлайди;

мерос бўлиб қолган мол-мулкни рўйхатга олиш тўғрисида меросхўрлар ёки бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қиласди.

208. Мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаб келаётган меросхўрлар ёки бошқа шахслар ўз хоҳишлари билан рўйхатга олиш учун мол-мулкни тақдим этган тақдирдагина нотариус ушбу мол-мулкни рўйхатга олади.

Агар мерос қолдирувчи билан биргаликда яшаб келаётган меросхўрлар ёки бошқа шахслар мол-мулкни рўйхатга олишга қаршилик қилишса, нотариус мол-мулкни хатлаш учун тақдим этишдан бош тортганлик тўғрисида далолатномани тузади ва меросхўрларни бу ҳақда хабардор қиласди, уларга бу масала юзасидан даъво билан судга мурожаат этиш ёки даъвони таъминлаш мақсадида суд тартибида мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш ҳукуқларини тушунтиради.

Агар рўйхатга олиш учун жойига чиқилганда рўйхатга олиниши лозим бўлган мол-мулк мавжуд бўлмаса ва меросхўрлар ёки бошқа шахслар томонидан олиб кетилган бўлса, нотариус мол-мулк мавжуд эмаслиги тўғрисида ёки мол-мулк олиб кетилганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва бу ҳақда меросхўрларга ёки бошқа манфаатдор шахсларга хабар беради, уларнинг бузилган ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва мол-мулкни қайтариш талаби билан ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиш ҳукуқини тушунтиради.

209. Рўйхатга олиш далолатномасида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

мерос мол-мулк тўғрисидаги хабар ёки уни кўриқлашга доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги топшириқнинг келиб тушган санаси;

рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олишда иштирок этувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;



мерос қолдирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг вафот этган санаси;

рўйхатга олинаётган мол-мулкнинг жойлашган жойи, нотариус келишидан олдин хона (хоналар) муҳрланганилиги ва муҳрлаш ким томонидан амалга оширилганилиги, пломба ва муҳрлар бузилмаганилиги ҳақидаги маълумотлар;

қайд этилган барча предметларнинг батафсил тавсифи.

210. Рўйхатга олишни амалга оширишда иштирок этган меросхўрлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг келишувига кўра рўйхатга олинаётган ҳар бир мерос мол-мулки алоҳида баҳоланиши керак. Келишув бўлмаганида эса мерос мол-мулкига ёки унинг келишувга эришилмаган қисмига нисбатан баҳолаш мерос мол-мулкининг баҳоланишини талаб қилган шахснинг ҳисобидан баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

Агар меросхўрлар томонидан мерос қабул қилинмаса, баҳоловчи ташкилотнинг хизмат ҳақи мерос мол-мулки ҳисобидан ундирилади.

211. Уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми, бино ва иншоотлар уларни “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмаси томонидан, автомототранспорт воситалари эса баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳоланади.

212. Рўйхатга олиш далолатномасининг ҳар бир бетида буюмлар (предметлар) миқдори ва уларнинг баҳоси натижаларига, рўйхат тугаганида буюмлар (предметлар) миқдори ва уларнинг баҳоси умумий натижаларига якун ясалади.

Рўйхатга олиш далолатномасига мерос қолдирувчининг барча мол-мулки киритилади.

Қўшнилар ва бошқа шахсларнинг айрим буюмлари уларга тегишли эканлиги тўғрисидаги аризалари рўйхатга олиш далолатномасига киритилади, манфаатдор шахсларга судга даъво билан мурожаат этиб, ушбу мол-мулкни рўйхатдан чиқариш тартиби тушунтирилади.

Рўйхатга олиш далолатномаси камида уч нусхада тузилиб, битта нусхаси мерос ишига тикилади, иккинчиси тилхат билан мерос бошқарувчилари ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган шахсларга, учинчиси меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан биргаликда меросхўрларга берилади.

213. Мерос мол-мулкини рўйхатга олиш далолатномаси асосида реестрда мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирларни кўриш бўйича нотариал ҳаракатни рўйхатга олиш навбатдаги рақам



билан амалга оширилади ва ушбу нотариал ҳаракат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

214. Вафот этган шахсдан қолган пул маблағлари меросхўрларга гувоҳнома берилгунга қадар ёки мерос олиш ҳуқуки бўйича мерос мулкини давлат фойдасига ўтиш ҳолларида давлат нотариал идорасининг депозит ҳисобрақамига топшириллади.

215. Олтин, кумуш, платина ва тангадаги, қўймадаги ва хом турдаги платина гурухдаги металларга, чет эл валютасига, чет эл валютасида берилган тўлов ҳужжатларига, ҳужжатли шаклдаги қимматли қофозларга, қимматбаҳо металлардан, тошлардан ишлаб чиқарилган буюмларга, шунингдек қимматбаҳо тошларга алоҳида рўйхат тузилади, улар конвертга ёки юмшоқ идишга солинади, муҳрланади, пломбаланади ва рўйхатга олинган куннинг кейинги кунидан кечиктиримай, меросхўрларга берилгунicha ёки мерос олиш ҳуқуки бўйича мерос мол-мулки давлатга ўтиш ҳолатида давлат фойдасига топширилгунга қадар тегишли банкка сақлаш учун топшириллади.

Ҳужжатсиз шаклдаги қимматли қофозлар депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида тегишли депозитарийларда сақланади.

Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлган нарҳдаги қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган шахсларда қолдирилади.

Рўйхатга олинган қимматбаҳо ашёларни (буюмларни) тегишли банкка сақлаш учун топширишдан олдин нотариус нотариал идорада олиб бориладиган қимматбаҳо ашёлар (нарсалар)ни рўйхатга олиш китобида уларни қайд этиши лозим. Қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) нинг рўйхати уч нусхада тузилади. Улардан бири қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) билан тегишли банкка берилади, иккинчisi мерос ишига тикилади ва учинчиси меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга берилади.

216. Агар рўйхатга олиш вақтида эскириши сабабли ҳеч қандай қийматга эга бўлмаган нарсалар ёки уй ҳайвонлари мавжуд бўлса, меросхўрларнинг розилиги билан уларнинг бирига, меросхўрлар бўлмаганида эса нотариус томонидан мерос мулкини сақлаш учун тайинланган бошқа шахсларга далолатнома тузиш орқали топширилади.

217. Озиқ-овқат маҳсулотларини нотариус меросхўрларга, улар бўлмаганда тегишли ташкилотларга топширади. Озиқ-овқат



маҳсулотларини топшириш алоҳида далолатнома бўйича амалга оширилади.

218. Акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни рўйхатга олиш далолатномасида ҳар бир акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқарган ташкилот номи, серияси ва рақами уларнинг номинал қиймати ва сони кўрсатилади.

219. Омонат дафтарчалари ва марҳумга тегишли бўлган нарсаларга ломбард томонидан берилган гаров патталари рўйхатга олинади ва меросхўрларга сақлаш учун берилади. Меросхўрлар бўлмаган тақдирда нотариус томонидан мерос мулкини сақлаш учун тайинланган бошқа шахсларга топширилади.

220. Марҳумнинг мол-мулки таркибида бўлган барча турдаги қурол, шу жумладан, ов милтифи ва портловчи моддалар маҳсус рўйхат бўйича ички ишлар органларига топширилади.

221. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган орден, медаллар, фахрий унвонлар, кўкрак нишонлари, шунингдек уларни тақдирлаш тўғрисидаги ҳужжатлар эсдалик сифатида сақлаш учун мерос қолдирувчининг оила аъзоларида қолдирилади ёки меросхўрларнинг розилиги билан улар музейларга топширилиши мумкин.

222. Мол-мулкни рўйхатдан ўtkазиш вақтида нотариус қайси мол-мулкни оддий уй-рўзгор буюмларига, қайсиларини эса қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) таркибиغا киритиш масаласини ҳал этиши лозим.

Мол-мулкни оддий уй-рўзгор буюмлари қаторига киритишнинг асосий хусусияти, бу уларни нафақат мерос қолдирувчи томонидан, балки мерос қолдирувчи билан бирга яшаган меросхўрлар ёки бошқа шахсларнинг кундалик майший эҳтиёжларини қондириш учун улардан фойдаланилганлиги ҳисобланади.

Қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) таркибига зеб-зийнатлар, қимматбаҳо металлардан ишланган буюмлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар, ноёб нарсалар, ноёб дараҳт навларидан ясалган мебеллар, асл расмлар, қимматбаҳо гиламлар, шунингдек қимматбаҳо сервислар, нодир китобларнинг маҳсус тўпламлари, қимматбаҳо тўпламлар киритилади.

223. Меросхўрлар ўртасида мерос мол-мулкини қимматбаҳо ашё (буюм) ёки оддий уй-рўзгор буюмларига киритилиши тўғрисида келиб чиқкан низо суд томонидан ҳал этилади.



224. Мерос қолдирувчининг шахсий буюмлари, шунингдек касбий фаолиятига оид предметлари (масалан, ёзув машинкаси, компьютер, мусиқа асбоблари, тиббий асбоблари ва ҳоказо) рўйхатга олиниши шарт.

225. Агар мол-мулкнинг таркибида қимматбаҳо қўлёзмалар, адабиёт асарлари, тарихий ёзишмалар мавжуд бўлса, ушбу ҳужжатлар алоҳида рўйхатга олиниб, меросхўрларга ёки тегишли ташкилотларга сақлаш учун топширилади, меросхўрлар мавжуд бўлмаган тақдирда нотариус ушбу ҳужжатлар ва қимматбаҳо ашёлар (буюмлар) сақланадиган хонани (хоналарни) муҳрлаб қўяди.

226. Мерос таркибида бошқаришни талаб қиласидиган мол-мулк мавжуд бўлса, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар томонидан меросни қабул қилиб олгунига қадар даъво қўзғатган ҳолларда нотариус мерос мол-мулкини бошқарувчисини тайинлайди ва бу ҳақда қарор чиқаради.

Нотариус Фуқаролик кодексига кўра мол-мулкни ишончли бошқариш муассиси сифатида иштирок этиб, ишончли бошқарувчи билан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузади.

227. Нотариус мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган шахсларни, васий ва ҳомийларни ҳамда мерос бошқарувчиларини мерос мол-мулкини талон-торож қилганлик, бошқа шахсга ўтказганлик ёки уни яширганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилишлари ва зарар етказганликлари учун моддий жавобгарликка тортилишлари тўғрисида огоҳлантиради. Қилинган огоҳлантириш тўғрисида кўрсатилган шахслардан тилхат олиниади. Бу ҳақда сақланишга топширилаётган мерос мол-мулкини рўйхатга олиш далолатномасида ёки мерос мол-мулкини сақлаш учун топшириладиган шахсларни тайинлаш тўғрисидаги қарорида баён этилиши мумкин.

Мерос бошқарувчилари ва сақловчилар агар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ олишга ҳақлидир. Кўрсатиб ўтилган шахсларнинг мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун қилган зарур харажатлари ҳам қопланади, бунда мол-мулқдан фойдаланиш ҳисобига амалда олинган фойда чегириб ташланади.

228. Нотариуслар меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олингунига қадар, агар мерос қабул қилиб олинмаган бўлса, меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома давлатга берилгунига қадар, мерос



мол-мулк ҳисобидан мерос мол-мулк билан боғлиқ харажатларни тұлаш тұғрисида фармойиш беради.

Фармойишнинг бир нусхаси мерос ишига тикилади. Ушбу фармойиш нотариал ҳаракат деб ҳисобланмайды ва бунинг учун давлат божи олинмайды.

Қонунларда мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни қоплашнинг бошқа ҳоллари ҳам белгиланиши мүмкін.

229. Агар шахс давлат нотариал идорасига дағн әтиш бүйича қилинган харажатларни қоплаш илтимоси билан мурожаат этса, меросхұрлар эса меросни қабул қилишган (меросни олиш тұғрисида ариза тақдим этишган, уларни бошқаришга киришган) бўлса ва улар харажатларни тұлашдан ихтиёрий равишда бош тортишса, нотариус ариза берувчига харажатларни қоплаш тұғрисида меросхұрларга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат әтиш тартибини тушунтиради.

Қилинган сарф-харажатларни тасдиқлаш учун нотариус дағн ташкил қилиш бүйича хизмат идоралари комиссиясининг далолатномаларини, даволаш муассасаларининг маълумотномаларини, суд ҳужжатининг нусхасини, меросхұрларни чақириш бүйича әэлынларнинг нашр этилғанлиги учун тұлов қоғозини ва бошқа ҳужжатларни талаб қиласи.

230. Мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхұрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган үз талабларини қўйишига ҳақлидирлар.

Мерос очилган жой бүйича нотариус мерос қолдирувчининг кредиторларидан аризаларни қабул қиласи.

Аризалар ёзма равишида баён этилиши ва қарз мажбуриятларининг бажарилиши муддатидан қатты назар, нотариус томонидан қабул қилиниши лозим. Келиб тушган ариза тұғрисида нотариус васиятномани ижро этувчини (меросни бошқарувчини) ёки меросхұрларни хабардор қиласи.

21-§. Меросга бўлган ҳуқук тұғрисида гувоҳномалар бериш

231. Мерос очилган жойдаги нотариус меросхұрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқук тұғрисида гувоҳномалар беради.



Меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиши ҳақидаги аризалар нотариуслар ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан тегишли тартибда шаҳодатлантирилган бўлиши лозим.

Меросхўр шахсан ўзи мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорага келиб аризани тақдим этган ҳолда унинг имзосининг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш талаб қилинмайди. Бу ҳолда нотариус меросхўрнинг шахсини аниқлади ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, қачон ва ким томондан берилганини ва туғилган йилини кўрсатади.

Агарда ариза почта орқали келиб тушган бўлса, меросхўрнинг имзоси ҳақиқийлиги шаҳодатланмаган бўлса ҳам ариза нотариус томонидан қабул қилинади, меросхўрга эса аризани нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ҳолда юбориш ёки давлат нотариал идорасига шахсан келиши ҳақида хабарнома юборилади.

232. Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишига ҳақли.

Меросдан воз кечиши меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади.

Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиши ваколати маҳсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин.

Меросдан воз кечиши кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

233. Агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка чақириласа, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан воз кечишига ҳақли.

Меросхўр улушнинг ортиши ҳуқуқи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан, мероснинг қолган қисмига ворисликдан қатъи назар, воз кечишига ҳақли.

Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечаетганини кўрсатишга ҳақли.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига, меросдан изоҳотлар билан ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди.



235. Меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳнома беришни сўраб давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этган мархум эрдан (хотиндан) кейин бева қолган хотинига (эрига) Оила кодексининг 23-моддаси ва Қонуннинг 63-моддаси (агар мулк мерос қолдирувчи билан биргалиқдаги никоҳ давомида ортирилган бўлса) мазмуни тушунирилади, бу ҳақда мерос қабул қилиш ҳақидаги аризага белги қўйилади. Ариза почта орқали келганда мархум эрдан (хотиндан) кейин бева қолган хотинга (эрга) юқорида қайд этилган моддалар мазмуни тушунирилган хабарнома юборилади.

236. Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос қолдирувчининг вафот этган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарорида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади.

Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичida вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка чақириладилар. Бу ҳолда уларнинг ҳар биридан кейин алоҳида мерос иши очилади.

237. Меросга бўлган хукуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

238. Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёки меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик хукуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади.

Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган кундан эътиборан уч йил ўтганидан



кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилади. Мерос мол-мулк, агар уни қўриқлаш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилиши мумкин.

Эгасиз мол-мулк у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулқдан воз кечган тақдирда давлат мулкига ўтади.

239. Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулки таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлиқ муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

240. Мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ва мерос очилган вақт мерос қолдирувчининг ўлими ҳақидаги гувоҳнома ёки ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар билан тасдиқланади.

241. Мероснинг очилиш жойи деб мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи ҳисобланади.

Мероснинг очилиш жойи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатларининг маълумотномалари асосида тасдиқланади.

Агар мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади. Меросхўрларда ушбу ҳужжатлар мавжуд бўлмагандан нотариус мероснинг очилиш жойини аниқлаш тўғрисида суд ҳужжати нусхасини талаб қиласди.

242. Мерос қолдирувчининг охирги яшаган жойи МДҲга аъзо давлатлар ёки бошқа чет эл давлатларидан бирида бўлган тақдирда фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан нотариус мерос очилган жой бўйича давлат нотариал идорасига мурожаат этган меросхўрлар доирасини текшириб, мерос қилиб қолдирилган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми жойлашган жойи бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома беради.



Мерос қолдирувчининг охирги яшаган жойи МДҲга аъзо давлатлар ёки бошқа чет эл давлатларидан бирида бўлган тақдирда фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан мерос қилиб қолдирилган кўчар мол-мулкка нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос қолдирувчининг охирги яшаган жойи бўйича берилади.

243. Мерос таркиби мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқланади.

244. Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлиқ муносабатлари туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар, қариндошлиқ ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгиловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

245. Агар марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотини (эри) бошқа қайд этилган никоҳдан ўтган бўлса ҳам у мерос олишга чақирилади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатда бундай никоҳда бўлган шахслар бир-бирининг вафотидан кейин меросхўр деб ҳисобланмайдилар.

Фуқаролик кодексининг 1134-моддасига мувофиқ қонун бўйича ворислика фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари бир тарафдан фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари иккинчи тарафдан, туғишган қариндошларга тенглаштирилдилар.

Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, aka-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бува-бувилари, aka-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар.

Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

246. Ўзини мерос қолдирувчининг қарамогида бўлган деб ҳисоблаётган шахс меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани



берилишини сўраб мурожаат этса, нотариус уни мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил мерос қолдирувчининг қарамоғида турганлиги, шунингдек мерос очилган кунда меҳнатга лаёқатсиз эканлигини текшириши лозим.

Мерос қолидириувчининг қарамоғида бўлганлик факти суд ҳужжати билан тасдиқланади.

Ёши бўйича қарамоқда бўлган шахснинг меҳнатга қобилиятсизлиги унинг паспорти, туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва пенсия гувоҳномаси бўйича текширилади.

247. Агар қонун бўйича бир ёки бир нечта меросхўрлар уларни мерос олишга чақириш учун асос бўладиган қариндошлик ёки бошқа муносабатлар исботини келтириш имкониятидан маҳрум бўлишса, бунда улар мерос қабул қилган ва тегишли исботларни тақдим этган барча меросхўрнинг (меросхўрларнинг) ёзма розилиги билан меросхўрлар таркибига киритилишлари мумкин. Бу розилик ёзма ариза кўринишида расмийлаштирилади. Меросхўрлар шахсан ўzlари мерос очилган жойдаги давлат нотариал идорага келиб, аризани тақдим этган ҳолда уларнинг имзоларининг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш талаб қилинмайди. Бу ҳолда нотариус меросхўрларнинг шахсини аниқлайди ва имзолари ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўяди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номини, унинг рақамини, қачон ва ким томондан берилганлигини ва туғилган йилини кўрсатади.

Ушбу ариза нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган ҳолда тақдим этилиши мумкин.

248. Нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳукуқ тўғрисида гувоҳнома бериш пайтида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этгандигини, васиятноманинг мавжудлигини, мероснинг очилган вақти ва жойини, мерос молмулкининг таркиби ва у жойлашган жойини, меросдан мажбурий улуш олиш ҳукуқига эга бўлган меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳукуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш вақтида васиятноманинг бекор қилинмаганлиги текширилади. Васиятномада унинг бекор қилинмаганлиги ҳақида белги қўйилганлигидан қатъи назар нотариусда шубҳа туғилган тақдирда васиятноманинг бекор қилинмаганлиги қайта текширилади.

249. Омонатни банк муассасаларига қўйган омонатчи ўзининг вафотидан кейин омонатларини бошқа шахсларга бериш ёки давлатга



ўтказиш ҳақида васият қолдирган бўлса ва бу омонат Фуқаролик кодексининг 18-бобида ёки Оила кодексининг 23-моддасида белгиланган умумий биргалиқдаги мулкни ташкил этса, омонатчининг васияти фақатгина ўзининг улушига нисбатан татбиқ қилинади.

Банкларда сақланаётган омонатга васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома беришда Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси қоидалари қўлланилади.

250. Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

251. Меросдаги мажбурий улушдан воз кечиш ҳеч бир шартсиз бўлиши лозим. Бошқа шахслар фойдасига мажбурий улушдан воз кечишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда мерос мол-мулки васиятномада кўрсатилган меросхўрларга васиятнома бўйича ўтади.

252. Агар васиятнома бўйича меросхўрлар мажбурий улушга меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани олишга қаршилик қилишса нотариус уларнинг судга мурожаат этиш ҳукуқларини тушунтиради ва мажбурий улушга гувоҳномани берилишини ўн кундан ошмаган муддатта кечикитиради.

Агар васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномада мерос қолдирувчи билан (меросхўрларнинг хоҳиши бўйича) меросхўрларни қариндошлиқ ёки бошқа муносабатларини кўрсатиб ўтиши зарур бўлса, нотариус ушбу муносабатларни тасдиқловчи хужжатларни талаб қиласди.

253. Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномани беришда меросхўрлар томонидан тақдим этилган васиятноманинг асл нусхаси ёки дубликати давлат нотариал идорасида қолдирилади.

Васият қилувчи уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ўтадиган меросхўрга бу уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини умрбод фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш мажбуриятини юклашга ҳақли. Мазкур мажбурият нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳномада ёзиб қўйилади.



254. Агар мерос мулки таркибига уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми, корхона ёки бошқа кўчмас мол-мулк кирса, нотариус мерос қолдирувчига ушбу мол-мулк мулк ҳукуқи асосида тегишилигини тасдиқловчи ҳужжатни, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг маълумотномасини талаб қиласди, шунингдек кўчмас мулк жойлашган жойи бўйича давлат нотариал идора томонидан ушбу мулк тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлигини текширади. Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, тегишли маълумотномалар нотариус томонидан идоралараро сўров орқали “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасидан ва тегишли давлат нотариал идорасидан олинади.

255. Агар мерос таркибига кирадиган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улушли мулкига айланади.

256. Мерос мол-мулки таркибида автомототранспорт воситалари мавжуд бўлса, нотариус мерос қолдирувчига ушбу автомототранспорт воситаси мулк ҳукуқи асосида тегишилигини тасдиқловчи ҳужжатни текширади ва унинг нусхасини мерос ишига тикиб қўяди. Ушбу автомототранспорт воситаси тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлигини текшириш Автомототранспорт воситаларини хатлаш, бошқа шахсга беришни тақиқлаш ва тақиқни олиб ташлаш, шунингдек автомототранспорт воситаларини хатлаш ва бошқа шахсга беришни тақиқлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ҳужжатлаштирилган банкини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1589, 2006 йил 4 июль)

257. Агар мерос мулки таркибига ов милтиғи кирса, бунда нотариус ички ишлар органлари томонидан мерос қолдирувчига ушбу милтиқни сақлаш учун берилган рухсатномани ва овчи билетини меросхўрдан талаб қиласди.

258. Акциядорлик жамиятининг акциядорларининг мерос мол-мулки таркибига уларга тегишли бўлган акциялар киради.

Ҳужжатсиз шаклдаги қимматли қофозларга мулк ҳукуқи тегишли депозитарийлардан олинган депо ҳисобварафининг кўчирмасига асосан тасдиқланади.



Мерос олиш тартибида нафақат қимматли қоғозлар тури сифатида акциялар балки тұлық ширкат, коммандит ширкат, құшимча масъулиятли ёки масъулияти чекланган жамият иштирокчисининг, ишлаб чиқариш кооперативи аъзосининг (иштирокчи, ҳисса құшувчи, коммандитчининг) улуши (хиссаси) кирса, бунда тегишли ширкат, кооператив, жамиятдаги ушбу иштирокчининг (аъзонинг) устав фондидаги (капиталидаги) улуши (хиссаси) ҳам киради. Ушбу ҳуқуқларга мерос қолдирувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишли лигининг далили сифатида нотариус учун тегишли ташкилоттарнинг таъсис ҳужжатлари ёки бу ҳақда меросхұрлар томонидан тақдим этилган бوشқа ҳужжатлар хизмат қилади. Меросхұрларда ушбу исботловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, нотариус кўрсатилган ташкилоттарнинг мансабдор шахсларидан тегишли ҳужжатларни олишда кўмак бериши лозим. Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари нотариус томонидан тегишли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказган ташкилотдан идоралараро сўров орқали олинади. Меросхұрлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар текширилгандан кейин уларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

259. Фермер ҳўжалигининг мол-мулки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Ҳўжалиқда фаолиятни давом эттираётган меросхұрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

Фермер ҳўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер ҳўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. Фермер ҳўжалигининг бошлиғи вафот қилган тақдирда ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига унинг меросхўри эга бўлади.

260. Банқда (бошқа кредит ташкилотида) сақланаётган омонат, мерос берувчининг номидаги қимматли қоғозлар мавжудлигини тасдиқлашда нотариус меросхұрлардан омонат дафтарчасини (банк омонати шартномасини ёки омонат мавжудлигини исботловчи бoshқa тегишли ҳужжатни), қимматли қоғозларга нисбатан эса ташкилотнинг қимматли қоғозларининг маҳсус реестр юритувчиси – депозитарийнинг маълумотномасини талаб қилади. Тадбиркорлик субъектлари



нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, ушбу маълумотнома тегишли депозитарийдан идоралараро сўров орқали олинади. Омонат дафтарчалари нусхалари ва маълумотномалар мерос ишига бириттирилган бўлиши керак.

261. Агар мерос мол-мулкка нисбатан тақиқ ва хатлов қўйилган бўлса, тақиқ ва хатлов олиб ташланмагунга қадар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш тўхтатиб турилади.

262. Кўчмас мулк бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада у жойлашган манзил бўйича «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасида автомототранспорт воситаларига нисбатан эса ДИҲХХ органларида ўн кун муддат ичидаги давлат рўйхатидан ўтиши лозимлиги матнда кўрсатилади ҳамда нотариус томонидан тушунтирилади.

263. Меросхўрларнинг хоҳишига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома уларнинг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг ҳаммасига битта берилади.

264. Вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганилиги ҳақида нотариус уларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш учун меросхўрларнинг доимий прописка қилинган манзили бўйича васийлик ва ҳомийлик органларига хабар беради.

265. Маълум мерос мулкига ёки мерос мулкининг маълум бир қисми бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганда келгусида аввалги гувоҳномада кўрсатилмаган бошқа мерос мулкларига ёки мерос мулкининг маълум бир қисми бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги қўшимча гувоҳномалар берилади.

266. Бошқа мулкка қўшимча меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш ҳолатида илгари берилган гувоҳномага киритилмаган меросхўрлар келганида улар ҳам мерос қабул қилган меросхўрларнинг ёзма равишдаги розилиги билан қўшимча мулк бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага киритилишлари мумкин.

267. Баъзи бир меросхўрларнинг улушлари ҳал этилмагандага гувоҳномада ҳал этилмаган улуш миқдори кўрсатилади.

268. Мерос таркиби бир нечта мол-мулклардан иборат бўлган ҳолларда, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш вақтида Фуқаролик кодексининг 1150-моддасига асосан меросхўрларнинг талабига ва уларнинг келишувига кўра ўзларига тегишли улушларига



мувофиқ нотариус улар ўртасида мерос мулкини тақсимлаш шартномасини расмийлаштириши мумкин. Келишувга эришилмаган тақдирда эса мерос мулкини бўлиш суд тартибида амалга оширилади.

269. Давлат нотариал идорасида мерос ишларини ҳисобга олиш китоби юритилади.

270. Мерос ишларини ҳисобга олиш китобида қўйидагилар қайд этилади:

меросни қабул қилиб олиш тўғрисидаги, меросга бўлган ҳуқук тўғрисида гувоҳномаларни бериш ҳамда мерос мулки ҳисобига харажатларни тўлаш тўғрисидаги фармойишлар;

меросдан воз кечиш ҳақидаги аризалар;

кредиторларнинг даъволари;

мерос мол-мulkининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги аризалар (шу мулкни сақлаш учун қабул қилинган чоралар).

Қайд этилган аризалар асосида вафот этган шахснинг номига мерос иши очилади. Шундан кейинги барча аризалар (қўшимча аризалар, бошқа меросхўрлар ва кредиторлардан олинган аризалар) ҳам мерос ишларини ҳисобга олиш китобида қайд этилади. Барча аризаларда улар олинган вақт ва мерос ишининг рақами кўрсатилади.

Мерос ишига меросга бўлган ҳуқук тўғрисидаги гувоҳнома ва унга тааллуқли барча ҳужжатлар тикиб қўйилади.

IV-боб. Чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши. Халқаро шартномалар

363. Нотариус Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллайди.

Нотариус Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилиб олади, шунингдек агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид келмаса, уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устхатлар ёзади.

364. Чет эл фуқароси вафотидан кейин унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қолган мол-мулкини қўриқлаш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси вафот этганидан кейин чет эл фуқаросига тегишли бўлган мол-мулкни қўриқлаш, шунингдек бундай мол-мулк



хусусида меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳномалар бериш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

365. Нотариус Ўзбекистон Республикаси билан халқаро шартномалар, шу жумладан, мерос мулкини кўриқлаш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган шартнома тузган чет эл давлатининг фуқароси вафот этганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин (вафот этган шахснинг мол-мулки Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган тақдирда) Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасига амал қилган ҳолда ана шу мерос мол-мулкни кўриқлаш юзасидан зарур чораларни кўради. Нотариус мерос мол-мулкнинг миқдори ва қийматини белгилайди, меросхўрлар доирасини аниқлайди, васиятнома бор ёки йўқлигини текширади, вафот этган фуқаро давлатининг дипломатик ёки консуллик ваколатхонасига бу ҳақда зудлик билан хабар қиласди.

366. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мулк тўғрисида иш юритиш вафот этган шахс фуқароси бўлган чет эл давлати муассасаларининг вазифасига киритилган бўлса, мерос қилиб қолдирилган кўчар мол-мулкни нотариуслар ана шу давлатнинг дипломатик ёки консуллик ваколатхоналарининг талабларига мувофиқ уларга топширишлари мумкин.

367. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлати қонунида кўзда тутилган шакл бўйича тузилган васиятнома васият қилувчи вафот этгандан кейин уни очиш ва эълон қилиш учун давлат нотариал идорасига тақдим этилган тақдирда нотариус васиятноманинг мазмунини эълон қиласди, васиятноманинг ҳолати ва мазмуни тўғрисида баённома тузади. Баённомада васиятнома тузилган кун, тақдим этаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг муҳрланган ёки очиқ ҳолда тақдим этилганлиги, унда ўчирилган жойлар, тузатишлар ёки бошқа камчиликлар бўлганлиги ёки йўқлиги кўрсатиб ўтилади. Баённома нотариус ва васиятномани тақдим этган шахс томонидан имзоланади. Ана шу шахслар томонидан васиятноманинг ҳар бир варағига имзо қўйилади. Агар васиятнома нотариусда муҳрланган ҳолда сақланиб келган бўлса, юқорида кўрсатилган барча ҳаракатларни нотариуснинг бир ўзи бажаради.

368. Чет элда бошқа давлатлар ваколатли органларининг мансабдор шахслари иштироқида тузилган ёки улардан келаётган



хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги органи расмийлаштирган тақдирдагина нотариус томонидан қабул қилинади.

Бундай хужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда расмийлаштирилмаган ҳолида нотариус томонидан қабул қилинади.

369. Ўзбекистон Республикаси нотариуслари айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида чет эл адлия органлари томонидан белгиланган тартибда берилган топшириқларни бажарадилар.

Топшириқ қуидаги ҳолларда бажарилмайди:

топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси суверенитетига зид бўлса ёки давлат хавфсизлигига таҳдид солса;

топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг ваколат доирасига кирмаса.

370. Чет эл адлия органларининг айрим нотариал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини бажариш Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва халқаро шартномалари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси нотариуслари айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқлар билан чет эл адлия органларига мурожаат қилишлари мумкин.

371. Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг чет эл адлия органлари билан ўзаро алоқалари тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва халқаро шартномалари билан белгиланади.

Нотариал идораларининг чет эл консуллик ва дипломатик ваколатхоналари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга оширилади.

372. Нотариуслар чет давлатлар органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан чет давлатлар органларини таъминлайдилар.

Далиллар билан таъминлаш ҳаракатларини бажариш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ амалга оширилади.

373. Қонуннинг 93-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида нотариал ҳаракатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, нотариал



ҳаракатларни амалга ошириш пайтида халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси нотариусга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган нотариал ҳаракатни амалга ошириш ваколатини берса, нотариус бу нотариал ҳаракатни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширади.

Қайдлар учун

Қайдлар учун

УЎК 347.65
КБК 67.404.5
Ё 18

Ёдгоров, Х.

Ворислик хуқуқи [Матн] / Х. Ёдгоров, А.Салаев, С.Нарзуллаева. — Тошкент: Baktria press, 2017. — 232 б.

Мұхаррір: У. Раджабова
Компьютерда тайёрловчы: А.Латкович

Нашриёт лицензияси AI № 263 31.12.2014
Босишга рухсат этилди 22.05.2017 й. Бичими 60x90 1/16.
«Arial» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма табоги 14,2. Нашр табоги 18,5.
Адади 1200 нұсха.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
тел.: +998 (71) 233-23-84

MEGA Basim босмахонасида чоп этилди

ISBN 978-9943-4894-2-4

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт
дастури (БМТТД), 2017
© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2017
© Baktria press, 2017

ISBN 978-9943-4894-2-4



A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-4894-2-4. The barcode is composed of vertical black bars of varying widths on a white background.

9 789943 489424